

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

17-18сон
(77-78)
2003 й.
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпلامнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

141. «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги ПФ-3321-сон Фармони

Учинчи бўлим

142. «Паррандачиликда монополиядан чиқариш ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 382-сон қарори [Кўчирма]

143. «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори

144. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 декабрдаги 517-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 сентябрдаги 386-сон қарори

145. «Пиллачилик соҳаси корхоналарининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 сентябрдаги 390-сон қарори [Кўчирма]

146. «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори
147. «Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 397-сон қарори
148. «Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори
149. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 402-сон қарори
150. «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 403-сон қарори [Кўчирма]
151. «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарори
152. «Шакар хом ашёси харид қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 сентябрдаги 407-сон қарори
153. «Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 сентябрдаги 408-сон қарори
154. «Қурилиш соҳасида ҳисоботни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 409-сон қарори
155. «Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори
156. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 411-сон қарори
157. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 сентябрдаги 412-сон қарори
158. «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сон қарори

159. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 сентябрдаги 414-сон қарори
160. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Асосий қиймат ва моддий балансларни тасдиқлаш тартиби ва муддатлари тўғрисида» 1998 йил 19 августдаги 355-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 сентябрдаги 415-сон қарори
161. «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори
162. «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 418-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

141 Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, экспорт-импорт операциялари амалга оширилиши устидан маъмурий назорат усулларини қисқартириш ҳамда ташқи савдони тартибга солиш механизмини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 октябридан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида олдиндан рўйхатга олиш бекор қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, қуйидаги импорт контрактлари Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида экспертиза қилинади:

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молияланадиган;

устав сармоёсидаги давлат улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этадиган ва ўзининг валюта маблағлари билан таъминланмаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган контрактлар.

2. 2003 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида импорт контрактларининг божхона мониторинги тизими жорий этилсин. Бундай тизим уларни ҳисобга олиш, импорт қилинадиган товарларни божхона орқали баҳолаш бўйича чора-тадбирлар комплексини, шунингдек ваколатли органларнинг ахборот айирбошлаш борасидаги ҳамкорлигини кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси импорт контрактларининг божхона мониторингини ўтказишни таъминлайдиган ваколатли орган этиб белги-лансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 18 февралдаги ПФ-1930-сон Фармонининг 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг ижроси юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 26 сентябрь,
ПФ-3321-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

142 Паррандачиликда монополиядан чиқариш ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда паррандачиликда монополиядан чиқариш ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек тармоқни ривожлантиришда хусусий секторнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

муассисларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 18 мартдаги Ф-1728-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссия таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси унинг таркибига кирувчи корхоналар тўлиқ хусусийлаштирилган ва уларга иқтисодий мустақиллик берилган ҳолда тугатилаётганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати таркибида Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида эса — чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилганлиги, уларга паррандачилик корхоналарини ривожлантиришга кўмаклашиш функциялари юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда:

«Ўзпаррандасаноат» уюшмасини тугатиш бўйича тугатиш комиссияси ташкил этсин ва икки ой муддатда уни тугатиш чора-тадбирларини амалга оширсинлар;

1-иловага* мувофиқ паррандачилик корхоналари акциялари давлат пакетларининг биржа ва биржадан ташқари бозорларда асосан хусусий мулк қилиб ва хорижий инвесторларга эркин сотилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг:

Паррандачилик илмий марказини — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ихтиёрига бериш;

Паррандалар касалликлари бўйича республика ветеринария лабораториясини — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат

* 1-илова берилмайди.

ветеринария бош бошқармаси ихтиёрига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Паррандачилик хўжаликларини курка гўшти етиштириш учун модернизация қилиш тўғрисида» 1996 йил 29 ноябрдаги 426-сон қарорига мувофиқ «Ўзпаррандасаноат» уюшмасига берилган хорижий кредитлар юзасидан қарз мажбуриятлари бўйича ушбу лойиҳага киритилган куркачилик хўжаликлари унинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва куркачилик хўжаликлари билан биргаликда валюта кредитини қайта расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда кредит ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни бир ой муддатда белгиланган тартибда расмийлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ҳукумат кафолатига белгиланган тартибда тегишли қўшимча беради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кўрсатиб ўтилган хорижий кредит бўйича қарз ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун 613,3 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги ҳисобланган пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси республика ҳудудида паррандачилик корхоналари учун, уларнинг минтақавий жойлашишини ҳисобга олган ҳолда, озуқа ишлаб чиқариш бўйича камида иккита ихтисослаштирилган корхона ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Х. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 сентябрь,
382-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

143 Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон Фармони рўёбга чиқариш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун жавобгарликни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тузилган шартномаларнинг тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходимлари шартномаларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши, шунингдек қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тузилган шартномаларнинг тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан бажарилишининг доимий мониторинги олиб борилиши учун шахсан жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий риоя этилиши устидан зарур даражада назорат ўрнатсин.

4. Қуйидагилар:

шартнома мажбуриятлари тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан бажарилмаганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Давлат масалаҳатчиси И.Ҳ. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 сентябрь,
383-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солиди, шунингдек уларни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер ва деҳқон хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (кейинги ўринларда хўжаликлар деб юритилади) ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, моддий-техника ресурслари етказиб бериш билан шуғулланувчи, механизациялашган ишларни бажарувчи, хўжаликларга сервис, агрокимё, агротехника хизматлари ва хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатувчи тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари (кейинги ўринларда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари деб юритилади) ўртасида тузилган контрактация шартномаларига (уларда давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш мавжудлигидан қатъи назар), моддий-техника ресурслари етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) бўйича шартномаларга татбиқ этилади.

3. Контрактация шартномаси бўйича хўжалик бундай маҳсулотларни қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи шахсга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган муддатларда бериш мажбуриятини олади, тайёрловчи эса муайян нарх бўйича келишилган муддатларда ҳақ тўлаб ушбу маҳсулотларни сотиб олиш мажбуриятини олади.

Моддий-техника ресурслари (эҳтиёт қисмлар, уруғлик, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқалар) етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома бўйича етказиб берувчи ташкилот хўжаликка ўзи ишлаб чиқарадиган ёки харид қиладиган моддий-техника ресурсларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш учун келишилган муд-

датда етказиб бериш мажбуриятини олади, хўжалик эса моддий-техника ресурсларини қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартнома бўйича бажарувчи ташкилот хўжалик буюртмасига биноан механизациялашган ишларни бажариш, сервис, агрокимё, агротехника хизматлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини олади, хўжалик эса ушбу ишлар (хизматлар)ни қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш мавжуд бўлган тақдирда тайёрлов ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилишни маблағ билан таъминлаш тўғрисида белгиланган тартибда шартномалар тузади.

5. Хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган барча турдаги шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

6. Шартномаларни тузиш ва бажаришда томонлардан ҳар бири ўз мажбуриятларини энг юқори тежам билан, бошқа томонларнинг иқтисодий манфаатларига риоя қилган ҳолда бажариши, мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилмаслиги натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриши ва бошқа томонни ушбу чора-тадбирлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиши, шунингдек унга мажбуриятларни бажаришда қўмаклашиши керак.

II. Шартномаларни тузиш тартиби

7. Шартномаларни тузишда томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ушбу Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш босқичлари изчиллиги схемаси мазкур Низомга 1-иловада келтирилган.

8. Контракция шартномалари, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар хўжаликларнинг бизнес-режаларида назарда тутилган ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календарь йил бошланишидан кечикмай тузилади.

9. Шартномаларни тузишда томонлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган алоҳида намунавий шаклларга амал қилиши мумкин.

10. Шартномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортиментни, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича);

шартноманинг умумий суммаси;

томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;

маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб

олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);

идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;

ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари;

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги;

низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади.

11. Шартномаларга шунингдек аниқ турдаги шартномалар учун ёки уларга нисбатан томонлардан бирининг аризасига кўра ёхуд қонунчиликка мувофиқ келишувга эришилиши керак бўлган шартномалар учун назарда тутилган бошқа муҳим шартлар ҳам киритилиши мумкин.

12. Шартномага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) муддатлари, миқдори ва ассортиментини белгиловчи, иккала томоннинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган жадвал илова қилинади.

13. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг бевосита жойлашган жойидаги тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари агротехника чора-тадбирларини амалга оширишдан бир ой олдин шартнома тузиш учун хўжаликка ўзининг ваколатли вакилини юбориши керак.

14. Хўжалик шартнома лойиҳаси тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти вакилидан олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни кўриб чиқиши ва эътирозлар бўлмаган тақдирда лойиҳани имзолаши ва тайёрловчига қайтариши шарт.

Хўжаликда шартнома лойиҳаси шартлари бўйича эътирозлар пайдо бўлган тақдирда хўжалик юқорида кўрсатилган муддатларда келишмовчиликлар тўғрисида протокол тузади ва уни тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотига жўнатади, бу тўғрида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимини хабардор қилади.

15. Хўжаликнинг шартнома ҳулосасига илгари шартнома лойиҳасида назарда тутилганлардан бошқача шартларда розилиги мавжуд бўлган жавоби акцепт (акцептлаш) ҳисобланмайди. Бундай жавобга акцептлашни рад этиш ва айни бир вақтда янги таклиф (оферта) сифатида қаралади.

16. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилоти келишмовчиликлар тўғрисидаги протокол олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни (зарурат бўлганда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили билан биргаликда) кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари бўйича таклифларни шартнома лойиҳасига киритиши ёхуд ҳал этилмаган келишмовчиликларни худди шу муддатларда кўриб чиқиш учун тегишли хўжалик судига бериши шарт.

17. Келишмовчиликлар тўғрисидаги протокол қабул қилинмаганда ёки уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаганда хўжалик низони судда кўриб чиқишга беришга ҳақлидир.

18. Шартнома томонлардан ҳар бири ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан тузилади. Шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эга бўлади.

19. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши учун жавоб беради.

III. Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби

20. Тузилган шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 3 кун мобайнида тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган шартномаларни кўриб чиқиш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан 3 иш куни мобайнида амалга оширилади.

Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда қўшимча ҳужжатлар ёки тўлов талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

21. Шартнома:

унинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

унда ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муҳим шартлар мавжудлиги;

хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан нарх бўйича тартибга солиниши керак бўлган махсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларининг ошириб юборилиши юзасидан текширилади.

22. Шартнома қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказди. Шартноманинг барча нусхаларига рўйхатдан ўтказганлик тўғрисида белги қўйилади, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими томонидан имзоланади, имзо муҳр билан тасдиқланади.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходимлари рўйхатдан ўтказишнинг тўғрилиги учун жавоб беради.

Шартнома белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади. Асосланган ҳолдаги рад этиш аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартнома пухталаштирилгандан кейин 3 кун муддатда уни такроран тақдим этишлари шарт.

23. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарлари юритилади, уларда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

шартноманинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами;

шартнома тузилган сана;

шартнома рўйхатдан ўтказилган сана;

шартноманинг томонлари;

етказиб бериладиган махсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар (бажарилган ишлар) турлари ва миқдори (ҳажмлари);

шартнома суммаси;

рўйхатдан ўтказилган шартномани олган шахснинг имзоси ва сана.

24. Шартнома рўйхатдан ўтказилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда хўжаликларга рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини жўнатишлари шарт.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари бу ҳақда хўжаликни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиш ҳужжати олинган кундан бошлаб 2 кун муддатда хабардор қилиши шарт.

25. Рўйхатдан ўтказилган шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар шартнома билан бўлган тартибда расмийлаштирилади ва улар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

26. Шартноманинг томонларда ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими-

да қоладиган нусхалари томонлар шартнома мажбуриятларининг ҳаммасини бажарган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сақланади.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

27. Хўжаликнинг ҳуқуқлари:

шартномада назарда тутилган ҳолларда тайёрлов ташкилотидан уруғ ва экиш материаллари билан таъминлашни талаб қилиш;

маҳсулотни топширишда, унинг сифатини аниқлашда қатнашиш ва тайёрлов ташкилотидан маҳсулот учун тегишли тўловни талаб қилиш;

тайёрлов ташкилотидан маҳсулот етиштириш учун шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда аванс тўланишини талаб қилиш;

тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан амалдаги давлат стандартлари ва шартномани бажариш учун зарур бўлган бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан маҳсулот хўжалик ҳисобидан ташилганда транспорт харажатларини қопланишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартномага мувофиқ бериладиган буюртманоммага биноан тегишли сифатдаги, ассортиментдаги маҳсулотлар етказиб беришни ва хизматлар кўрсатишни (ишларни бажаришни) талаб қилиш;

тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш.

Товар (ишлар, хизматлар) унга ёмон сифат билан сотилган хўжалик ўз хошига кўра:

зарур сифатдаги ана шундай товар (ишлар, хизматлар)га алмаштиришни;

товар (ишлар, хизматлар)нинг нуқсонларини бепул бартараф этишни ёки нуқсонларни тузатиш учун сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан қилинган харажатлари тўланишини;

нархларнинг мутаносиб равишда камайтирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Хўжалик амалдаги қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

28. Хўжаликнинг мажбуриятлари:

маҳсулотнинг муайян турларини тайёрловчи ташкилотга шартномада белгиланган миқдорларда ва ассортиментда ҳамда муддатларда тегишли сифат билан етказиб бериш;

илова қилинаётган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулотни топширишда қўйиладиган бошқа талабларга (идишга жойлаш, қадоқлаш, қорамолларни тамғалаш ва бошқаларга) риоя этиш;

маҳсулотни тайёрлов ташкилотига топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш;

етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун тўловни (ҳисоб-китобларни) хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида амалга ошириш.

Хўжалик қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

29. Тайёрлов ташкилотининг ҳуқуқлари:

тасдиқланган жадвалга мувофиқ шартномада белгиланган муддатларда маҳсулотларнинг муайян турларини белгиланган миқдорларда ва ассортиментда, тегишли сифат билан ўз вақтида топширишни талаб қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аваанс суммасида назарда тутилган ҳажмларда топширилмаган тақдирда тузилган шартномага мувофиқ илгари берилган аванс маблағлари қопланишини хўжаликлардан талаб қилиш.

Тайёрлов ташкилоти қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

30. Тайёрлов ташкилотининг мажбуриятлари:

қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжаликлар билан томонлар келишган ҳажмларда ўз вақтида шартномалар тузиш;

хўжаликларга шартномада белгиланган даврларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муддатларига мувофиқ маҳсулотлар қийматининг камида 50 фоизи миқдорида (чорвачилик маҳсулотлари бўйича — шартномаларда кўрсатилган ҳажмлар қийматининг 25 фоизи миқдорида) аванс маблағлари тўлаш;

харид қилинадиган маҳсулотнинг вазни ва сифатини тўғри аниқлаш;

хўжаликлар томонидан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада назарда тутилган миқдорларда ва муддатларда харид қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олиншини таъминлаш;

хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни шартномада назарда тутилган ҳолларда давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ҳамда уларнинг ҳолати тўғрисида хўжаликларга мунтазам равишда хабар қилиб туриш;

хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашиши оқибатида хўжаликларга етказилган зарарни қоплаш;

агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган жадвалга мувофиқ қабул қилиб олишни ва ташишни таъминлаш;

харид қилинаётган маҳсулот сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, шартномада белгиланган нархларга мувофиқ ва муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлашда улар нобуд бўлишининг олдини олиш;

маҳсулотларни амалдаги стандартларга мувофиқ қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш ва уларни сотишга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш;

хўжаликларни идишлар, ўраш материаллари ва норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиб олиш, сифатини баҳолаш тартибини тартибга солувчи қоидалар) билан шартномаларга мувофиқ таъминлаш;

шартномаларда назарда тутилган ҳолларда хўжаликларни уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлов ташкилоти жойлашган жойда ёки улар кўрсатган бошқа жойда қабул қилиб олинган тақдирда хўжаликлар томонидан контрактация шартномасига мувофиқ етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш.

Тайёрлов ташкилоти қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

31. Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ҳуқуқлари:

амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда шартномага мувофиқ етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва яқуний ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;

тақдим этилган буюртманомаларга мувофиқ етказиб берилган моддий-техника ресурсларини ва кўрсатиладиган хизматларни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни хўжаликлардан талаб қилиш.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

32. Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг мажбуриятлари:

хўжаликлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

хўжаликларнинг буюртманомаларига биноан шартномага мувофиқ муддатларда, миқдорда ва сифатда моддий-техника ресурслари етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш);

етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

шартномани бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида хўжаликка етказилган зарарни қоплаш.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

V. Нархлар ва ҳисоб-китоблар

33. Маҳсулотни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасида бўлади.

Маҳсулот хўжалик транспортида етказиб берилса, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликка маҳсулотни ташиш харажатларини ҳақиқий вазни (идишни ҳам қўшиб) бўйича қоплайди.

34. Маҳсулотни ташиш харажатлари бутун масофа учун қопланади. Контракция шартномалари бўйича харажатлар маҳсулот хўжаликдан жўнатилган жойдан бошлаб (саралаш пункти, бригада, бўлим, чорвачилик фермаси, яйлов, марказий омбор, хўжаликнинг марказий қўрғони ва ҳоказолар) шартномада назарда тутилган қабул қилиш пунктигача қопланади. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш шартномалари бўйича харажатлар маҳсулотни қабул қилиш пунктдан шартномада назарда тутилган етказиб бериш жойигача қопланади.

35. Хўжаликларнинг транспортда ташиш ва тушириш харажатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалар ва тарифлар бўйича ёхуд томонларнинг келишувига кўра белгиланади.

36. Тайёрлов ташкилотининг қўшимча талабларига риоя қилган ҳолда маҳсулот жўнатиш билан боғлиқ шартномада белгиланмаган харажатлар тегишли равишда тайёрловчи ҳисобига тўланади.

37. Тайёрлов ташкилоти томонидан стандарт талабларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек кондицияга мувофиқ бўлмаган маҳсулот қабул қилинган тақдирда қўшимча равишда сортларга ажратиш тайёрловчи томонидан бажарилади, ишларни бажариш бўйича харажатлар эса қўшимча битим бўйича қопланади.

38. Хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги олдиндан ҳақ тўлаш ва якуний ҳисоб-китоблар шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шаклда ва муддатларда амалга оширилади.

VI. Шартномаларни бажариш

39. Шартномалар шартнома шартлари ва талабларига ҳамда қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда зарур даражада бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

40. Шартномани бажаришдан бир томонлама воз кечишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

1-§. Контракция шартномаларининг бажарилиши

41. Шартномада маҳсулотни етказиб беришнинг даврлари белгиланиши билан биргаликда товарларни етказиб бериш жадваллари ҳам (ўн кунлик, суткалик ва бошқалар) назарда тутилиши мумкин.

Агар шартномада бундай жадвал назарда тутилмаган тақдирда, хўжалик тайёрлов ташкилотини маҳсулотни шартномада назарда тутилган ассортиментда реализация қилиш учун шартномада белгиланган муддатларда мўлжалланаётган ҳажмлар ва топшириш муддатлари тўғрисида хабардор қилиши керак. Агар шартномада бундай муддат кўрсатилмаса, маҳсулот топширилгунга қадар 30 кунлик муддатда (мавсумий маҳсулотлар бўйича — 15 кундан кечикмай) топшириши ва маҳсулотни календарь (сутка бўйича) топшириш жадвалини тайёрлов ташкилоти билан келишиши керак.

42. Хўжалик томонидан маҳсулот тайёрлов ташкилотига жўнатилганда (етказиб берилганда) маҳсулотга белгиланган шаклдаги ҳужжатлар илова қилиниши, маҳсулот тайёрлов ташкилоти томонидан бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олинган тақдирда — қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари илова қилиниши керак.

43. Хўжалик томонидан тайёрлов ташкилотига шартномага мувофиқ етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари давлат стандартлари талабларига, техник шартларга, ветеринария ва санитария назорати қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

44. Тайёрлов ташкилоти хўжаликлардан шартномада назарда тутилган ҳажмлардан ортиқча етиштирилган маҳсулотни фақат қўшимча битим асосида қабул қилиши мумкин. Хўжалик билан тузиладиган қўшимча битим ёзма шаклда расмийлаштирилиши ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилиши керак.

45. Тайёрлов ташкилоти билан келишган ҳолда хўжалик маҳсулотни кейинги топшириш даври ҳисобига ўтказган ҳолда муддатидан олдин топшириши мумкин.

46. Шартномада назарда тутилган ҳолларда хўжаликнинг ўзида қайта ишланган маҳсулот тайёрлов ташкилоти томонидан харид ҳажмларининг амалдаги эквивалентлари (коэффициентлари) бўйича бажариш ҳисобига қабул қилинади.

47. Маҳсулотни тайёрлов пунктларига жўнатишда маҳсулотни транспортга юклаш ва қайтариладиган идишни бўшатиш хўжаликнинг кучи ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади, қабул қилиш пунктида маҳсулотни, хўжаликка жўнатиш учун идишни тушириш тайёрлов ташкилотларининг кучлари ҳисобига амалга оширилади.

48. Агар томонлардан бири юклаш ёки тушириш бўйича бошқа томоннинг мажбуриятларини бажарса, ўз мажбуриятларини бажармаган томон белгиланган тарифлар асосида, бундай тарифлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса — ўзаро келишувга кўра бажарилган ишлар қийматини унга тўлайди.

49. Шартномада етказилган маҳсулотни тайёрлов пунктига ёки тайёрловчи корхонага етказиб бериш назарда тутилган ҳолларда, етказиб берилганлиги учун ҳақ маҳсулотнинг ҳақи тўланиши билан биргаликда тайёрлов ташкилоти томонидан тўланади.

50. Томонлар шартномани бажариш давомида ўзаро келишувга кўра маҳсулотни етказиб бериш жадвали ва жойини ўзгартиришга ҳақлидир.

51. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилган сана хўжалик томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган кун деб ҳисобланади, маҳсулот олувчининг манзилига юклаб жўнатилган тақдирда эса — маҳсулот транспорт ташкилоти вакилига топширилган сана мажбуриятлар бажарилган кун деб ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатидаги банк муассасаси штампида кўрсатилган сана маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича тайёрлов ташкилотининг мажбурияти бажарилган сана деб ҳисобланади.

52. Тайёрлов ташкилотлари ва хўжаликлар товар-транспорт юк хатида транспорт воситаси келган ва маҳсулот тушириб (ортиб) бўлинган вақтни кўрсатишлари шарт.

53. Шартнома мажбуриятларини бажаришда харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ва миқдорини баҳолаш, унинг учун ҳақ ўз вақтида ва тўғри тўланиши бўйича томонлар ўртасида низоли масалалар ва келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, бундай масалалар ва келишмовчиликлар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан судгача бўлган тартибда ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

54. Маҳсулот қабул қилиниши рад этилганда тайёрлов ташкилоти рад этиш ҳолати тўғрисида хўжаликни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт (товар-транспорт юк хатига белги қўйиш, телеграф орқали ва бошқалар). Агар тайёрлов ташкилоти маҳсулотни қабул қилиш рад этилиши тўғрисида ёзма ариза беришдан бош тортса, у ҳолда хўжалик туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили иштирокида рад этиш ҳолатини тасдиқловчи далолатнома тузади.

55. Тайёрлов ташкилоти шартномага ва топшириш-қабул қилишнинг келишилган жадвалига мувофиқ тайёрловчига тақдим этилган тез бузиладиган маҳсулотни қабул қилишни рад этган тақдирда, хўжалик ушбу маҳсулотни ўз ихтиёрига кўра бошқа шахсларга сотиши мумкин.

Бунда тайёрлов ташкилотлари маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги учун мулкий жавобгарликдан озод этилмайди.

56. Тайёрлов ташкилоти томонидан бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилинган маҳсулот (картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва резавор мевалар, узум) хўжалик ҳудудида вақтинча сақланганлиги учун қўшимча ҳақ шартнома шартларига мувофиқ тўланади.

57. Хўжалик томонидан шартномада белгиланган даврда (муддатларда) топширилмаган маҳсулот томонлар ўртасида келишилган муддатларда ва шартномада назарда тутилган муддатларда топшириш ҳисобига ўтказиш йўли билан топширилиши керак.

58. Агар тузилган шартномада маҳсулот идишда ёки ўрамда етказиб берилиши назарда тутилган бўлса, тайёрлов ташкилоти хўжаликни шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда зарур идиш, ўраш материаллари билан таъминлайди.

Агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, хўжалик тайёрловчилардан оладиган товар тушган кўп айланадиган идиш ва пакетлаш воситалари эгасига қайтарилади. Бошқа идиш ва ўраш материаллари фақат шартномада назарда тутилган ҳолларда қайтарилиши керак.

Маҳсулотларнинг айрим турлари учун мўлжалланган идиш ва ўраш материалларидан фойдаланиш хусусиятлари, шунингдек уларни қайтариш тартиби ва муддатлари маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар, қоидаларда ёки тузилган шартномаларда назарда тутилади.

59. Тузилган шартномага мувофиқ етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг амалдаги миқдори хўжаликлар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида маҳсулот етказиб бериш якунлари бўйича тузиладиган қиёсий далолатнома асосида белгиланади.

60. Хўжаликлар тасарруфида қоладиган ва қайта ишланадиган маҳсулот тайёрлов ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади.

Ушбу маҳсулот стандартлар талабларига ва техник шартларга мувофиқ қайта ишланиши ва сақланиши керак ҳамда фақат хўжаликларнинг буюртмаси бўйича юклаб жўнатилади.

Хўжаликлар тасарруфида қоладиган маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш ва юклаб жўнатиш масалалари шартномага мувофиқ алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Хўжаликлар тасарруфида қоладиган қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти алоҳида ҳисобга олинади ва хўжаликлар томонидан амалдаги тартибга мувофиқ ўз хоҳишларига кўра сотилади.

2-§. Моддий-техника ресурсларига хизмат кўрсатиш ва етказиб бериш учун тузилган шартномаларнинг бажарилиши

61. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) тўғрисида қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилган сана шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана деб ҳисобланади, маҳсулот олувчининг манзилига юклаб жўнатиш тақдирда эса — маҳсулот транспорт ташкилоти вакилига топширилган сана мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампидида кўрсатилган сана хўжаликларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

62. Хўжаликларнинг розилиги билан моддий-техника ресурслари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва хўжаликлар томонидан қабул қилинган моддий-техника ресурсларига ҳақ тўланади ва кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобига ўтказилади.

Хўжалик муддатлар бузилган ва зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган моддий-техника ресурсларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

63. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номдаги товарлар етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб бермасликлар ўрни тўлдирилиши керак, бундай етказиб беришлар хўжаликнинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

64. Ерни механизация воситасида шудгорлаш бўйича бажарилган ишлар ва бошқа хизматлар хўжаликларнинг бевосита масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган ишлар (хизматлар) миқдори, уларнинг сифати, шудгорлар чуқурлиги ва бошқа агротехника кўрсаткичлари кўрсатилади.

65. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш, шартномада назарда тутилган хизматларни (ишларни) кўрсатиш хўжаликларнинг ёзма буюртманомаси асосида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар Хўжаликларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритадилар. Ушбу дафтарларда тақдим этилган буюртманомага мувофиқ маҳсулот етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши (ишлар бажарилиши) тўғрисидаги ахборот бўлиши керак.

Буюртманомна маҳсулот етказиб беришнинг, тегишли хизматлар кўрсатишнинг (ишларни бажаришнинг) тахмин қилинаётган санасидан камида беш кун олдин чопар, почта орқали ёки бошқа тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ходими хўжаликда қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

Хўжалик илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулот етказиб бериш, тегишли хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) санасини ўзгартиришга ҳақлидир, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бу ҳақда буюртманоманда кўрсатилган сана бошланишидан камида бир кун олдин хабардор қилинади.

VII. Мулкий жавобгарлик

66. Шартнома бўйича томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-339-моддалари талабларига мувофиқ белгиланади.

67. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контрактация шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

68. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини контрактация шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олиш рад этилган ҳар бир ҳолат учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди, тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса — унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

69. Контрактация шартномасига мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказмаганлик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топшириғи акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) тайёрлов ташкилоти хўжаликка тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган суммаларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган пеня тўлайди.

70. Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор томон бошқа томонга товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлигининг ҳар бир ҳолати учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди.

Юклаб жўнатилган товарларга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатининг нусхаси белгиланган муддатда юборилмаганлиги ёки товарлар юклаб жўнатилганлиги тўғрисида бошқа ахборот тақдим этилмаганлиги учун айбдор томон ҳар бир ҳолат учун товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

71. Хўжаликни стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган,

маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидаларда ёки контрактация шартномасида белгиланган миқдорда ва муддатларда идиш ва ўраш материаллари билан таъминланмаганлиги учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка етказиб берилмаган идиш, ўраш материалларининг етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг 2 баравари миқдоридан жарима тўлайди. Тайёрловчининг хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги маҳсулот сифатининг пасайишига ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрлов ташкилоти хўжаликка кўрилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди. Бунда хўжалик сифатсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

72. Томонлар ўртасида келишилган жадвалга мувофиқ келган транспортнинг белгиланган муддатдан ортиқча бекор туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолиш билан боғлиқ харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

73. Тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилот томонидан маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиладилар ҳамда ушбу ҳисобланган суммадан ташқари хўжаликка нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайдилар.

Маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилишда тайёрловчи томонидан ортиқча олинган пул суммалари қайтариб берилмаган тақдирда (айни бир маҳсулотнинг ўзига такроран ҳақ тўланганда, маҳсулот нархи нотўғри қўлланилганда, товарсиз тўлов талабномасига ҳақ тўланганда ва бошқаларда) тайёрловчи ушбу суммани қайтаради ва бошқа томонга ушбу пул маблағларидан фойдаланилган бутун вақт учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан ортиқча олинган сумма учун жарима тўлайди.

74. Агар юклаб жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар)нинг сифати, ассортимент, сорти стандарт талабларига, техник шартларга, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

75. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилмаган моддий-техника ресурслари ёки кўрсатилиши керак бўлган хизматлар қийматининг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка моддий-техника ресурслари етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

76. Етказиб бериш муддати кечиктирилган, товарлар етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган тақдирда хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартноманинг зарур даражада бажа-

рилишидан ва етказиб бериш кечиктирилганлиги, товарлар тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод қилмайди.

77. Томонларнинг келишувига кўра шартномада шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги учун жавобгарликнинг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

78. Зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар натижасида олдиндан кўриш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлар) муносабати билан уларнинг иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун бир томон бошқа томон олдида жавоб бермайди.

79. Хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун уларни жавобгарликка тортишда шунингдек хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида контрактация шартномалари бўйича шартнома мажбуриятлари хўжаликлар томонидан бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг айби билан хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар ушбу ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда қопланади.

80. Шартномалар бажарилмаслиги ва зарур даражада бажарилмаслиги учун мазкур Низомнинг 67-76-бандларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари, агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қўлланилади.

VIII. Шартномалар бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби

81. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан тузилган шартномалар бажарилиши мониторингини ўтказиши.

Ушбу мақсадларда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида ҳар бир хўжалик бўйича Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш дафтари юритилади.

82. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларини мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича пахта, бошоқли экинлар дони ва шоли бўйича хўжаликлар билан тузилган шартномалар бажарилишининг бориши тўғрисида хабардор қилади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларини мазкур Низомга 3-5-иловаларга мувофиқ шакл бўйича пахта, бошоқли экинлар дони ва шоли етиштириш учун хўжаликлар билан моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) бўйича тузилган шартномалар бажарилишининг бориши тўғрисида хабардор қилади.

83. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари хўжаликлар томонидан тақдим этилган ахборотни 5 кун муддатда (15-кунда) вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига юборади.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари вилоят бўйича шартномалар бажарилишининг боришини 5 кун муддатда (20-кунда) умумлаштирадидилар ҳамда

туманлар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари бўйича йиғма ахборот тайёрлайдилар.

Йиғма ахборот Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ҳамда ҳудудий адлия органларига юборилади.

84. Адлия органлари ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги органлари тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назорат қиладилар ва мониторинг олиб борадилар.

IX. Яқуний қоидалар

85. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари шартнома мажбуриятлари, шунингдек мазкур Низом талаблари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

86. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан мустақил ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари иштирокида чора-тадбирлар кўрадилар.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари низони кўриб чиқишда иштирок этиш пайтида ваколатли давлат органларининг маълумотлари ва ахбороти асосида маҳсулотнинг сифати пасайтирилиши ёки бузилиши ҳоллари бўйича ҳулоса, шунингдек табиий офатлар ва бошқа ноқулай шарт-шароитлар оқибатида ёхуд тайёрловчининг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун хўжаликларни жавобгарликдан озод қилиш учун ҳулоса беришлари мумкин.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш босқичлари

Босқичлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Масъуллар
1-босқич	Шартномалар тузишга тайёргарлик кўриш	Агротехника тадбирлари бошланишидан бир ой олдин	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
2-босқич	Шартномаларни кўриб чиқиш ва имзолаш	7 кун мобайнида	Қишлоқ хўжалиги корхоналари
3-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш учун бериш	3 кун мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
4-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш	3 иш куни мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари
5-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказгандан кейин тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотларга бериш	рўйхатдан ўтказилгандан кейин 1 кун мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари
6-босқич	Рўйхатдан ўтказилган шартномаларни хўжаликларга бериш	рўйхатдан ўтказилгандан кейин 2 кун мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
7-босқич	Шартномаларни сақлаш	Барча шартнома шартлари бажарилгандан кейин 3 йил мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Хўжаликлар билан тузилган шартномаларнинг тайёрлов ташкилотлари томонидан бажарилиши тўғрисида 200__йил _____ ҳолати бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

(Пахта хом ашёси ва бошоқли дон бўйича алоҳида)

№	Хўжаликлар номи	Шартномалар		Амалда топширилган маҳсулотлар		Тўланиши лозим бўлган бўнак миқдори (минг сўм)	Амалда тўланган бўнак (минг сўм)	Охирги ҳисоб-китоб учун ҳисобланган (минг сўм)	Шундан	
		Ҳажми (тн)	Суммаси (минг сўм)	Ҳажми (тн)	Суммаси (минг сўм)				тўланган (минг сўм)	тўланиши лозим (минг сўм)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
	Жами:									

Тайёрлов ташкилоти раҳбари: _____
(имзо)

Бош бухгалтер: _____
(имзо)

муҳр

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Хўжаликлар билан тузилган шартномаларнинг минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини етказиб берувчилар томонидан бажарилиши тўғрисида 200__йил _____ ҳолати бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

Хўжалик номи	Етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)		Азот			
	жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда	етказиб бериш тузилган шартномалар (тоннада)		етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)	
					жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Фосфор				Калий				Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари			
Етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш тузилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)	
жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда	жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда	жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21

Ташкилот раҳбари: _____
(имзо)

Бош бухгалтер: _____
(имзо)

муҳр

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Хўжаликлар билан тузилган шартномаларнинг ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб берувчилар томонидан бажарилиши тўғрисида 200__ йил _____ ҳолати бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

Хўжалик номи	Етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)		Азот			
					етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар (тоннада)		етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)	
	жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда	жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Дизель ёқилғиси				Калий			
Етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)	
жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда	жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда
10	11	12	13	14	15	16	17

Ташкилот раҳбари: _____
(имзо)

Бош бухгалтер: _____
(имзо)

муҳр

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Хўжаликлар билан тузилган шартномаларнинг бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан бажарилиши тўғрисида
200__ йил _____ ҳолати бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

Хўжалик номи	Етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар (тоннада)		Етказиб бериш бўйича бажарилган шартномалар (тоннада)	
	жами	шу жумладан ҳисобот даврида	ҳисобот даврида жами	шу жумладан охириги ойда
1	2	3	4	5

Ташкилот раҳбари:

_____ (имзо)

Бош бухгалтер:

_____ (имзо)

муҳр

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 8-сон, 41-модда);

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 202-сон қарорига 1-илованинг 6-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 22-модда);

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Сув хўжалиги департаменти, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бош давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарорининг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 20-модда);

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш ва уларни бажариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 12 июлдаги 297-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 39-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

144 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 декабрдаги 517-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида

Ёқилғи-энергетика комплексини устувор стратегик ривожлантириш асосида иқтисодиётни комплекс, мувозанатли ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш, комплекснинг молиявий мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек тармоққа чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплексига (Р.С. Азимов) қуйидаги қўшимча функциялар юклансин:

ёқилғи-энергетика комплексининг республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун база сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда комплекс тармоқларини истиқболли, стратегик ривожлантириш муаммолари юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини шакллантириш;

ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришнинг республика иқтисодиётининг барча тармоқлари ва секторлари билан мувозанатлилигини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

геология-разведка ишлари дастурларини амалга оширишга, ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларини ривожлантиришга, комплекс корхоналарини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга чет эл инвестициялари, айниқса тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб қилинишига кўмаклашиш;

ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари ва корхоналарининг молиявий барқарорлиги устидан доимий мониторинг олиб бориш, молиявий оқимлар ва корхоналар барқарор ишлашининг мувозанатлилигини таъминлайдиган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жалб этиладиган кредит ресурслари қопланишига доир мажбуриятларни ўз вақтида бажариш.

2. Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда:

икки ой муддатда ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари ва корхоналарини бошқариш тузилмасини танқидий ўрганиб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига уни мақбуллаштириш ва босқичларни қисқартириш юзасидан таклифлар киритсин;

бир ой муддатда синовлар ва бургулаш қурилмаларини ўрнатиш тўғрисидаги махсус низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин, унда мазкур низом бузилганлиги учун жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари назарда тутилсин.

3. Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси таркибига берилсин, комиссияга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 517-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси Умумиқтисодиёт комплексининг Ўзбекистон Республикаси олдида турган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ва стратегик вазифаларидан келиб чиқиб, самарали, пухта ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлашни таъминлаш чора-тадбирлари Дастурига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги иштирокида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган ҳайъат тўғрисидаги низомга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифларни икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 5 сентябрь,
386-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

145 Пиллачилик соҳаси корхоналарининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, «Ўзбек ипаги» уюшмаси раҳбарлари томонидан соҳани бошқаришнинг замонавий бозор шарт-шароитларига жавоб берадиган самарали тизими таъминланмаган.

Соҳанинг иқтисодий ночор корхоналарини ислоҳ қилиш жуда қониқарсиз амалга оширилмоқда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, шунингдек ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Соҳа маҳсулотларига жаҳон бозорининг тенденцияларини маркетинг тадқиқ этишнинг амалий тизими ташкил этилмаган. Кўпчилик корхоналарда кредиторлик қарзлар даражаси юқориликча қолмоқда, натижада қониқарсиз молиявий аҳвол вужудга келган.

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг қишлоқ аҳолиси — пилла етиштирувчилар олдида қарздор эканлиги жиддий, тоқат қилиб бўлмайдиган муаммо бўлиб қолмоқда.

Пиллачилик соҳасини барқарор ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароит-

* Илова берилмайди.

лар яратиш, тармоқ корхоналарининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбек ипаги» уюшмаси раҳбарларининг пиллачилик соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, корхоналарни замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича иши қониқарсиз деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбек ипаги» уюшмаси ва тижорат банклари — кредиторлар билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2003 йил ҳосилидан етказиб берилган пилла учун қишлоқ хўжалиги корхоналари олдидаги қарзлар 2003 йил 1 декабргача қайтарилишини таъминлайдиган уюшма корхоналарини молиявий соғломлаштириш тадбирларини ва жадвалини аниқ ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

3. «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарини айланма маблағлар билан тўлдириш ва уларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари олдидаги қарзларини ўз вақтида қайтариш учун:

истисно тариқасида, 2003 йилдан бошлаб, «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарига ипак ипнинг бўш қолдиқларини ва ишлаб чиқарилаётган қуруқ пилланинг 50 фоизгачасини жаҳон даражасига мувофиқ бўлган нархларда экспортга, шу жумладан товар-хом ашё биржалари орқали эркин алмаштириладиган валютага ва миллий валютага сотишга рухсат берилсин;

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг уюшма корхоналари томонидан 2 йил муомалада бўладиган 680 млн. сўмлик корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Белгилансинки, 2004 йил ҳосилидан бошлаб:

пилла етиштирувчилар билан «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналари ўртасидаги пилла тайёрлаш учун контрактация шартномалари ҳар йили 1 февралгача тузилади ва унда пилла етиштирувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жарима жазолари қўлланилиши назарда тутилади;

пилла етиштирувчи хўжаликларга 1 апрелдан кечикмай аванс берилади;

тайёрланаётган пилла учун аванс бериш улар умумий қийматининг камида 30 фоизи миқдорида, шу жумладан фьючерс асосида ипак ипни сотишдан олинadиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади;

«Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарининг қишлоқ хўжалиги корхоналари билан пилла учун узил-кесил ҳисоб-китоби ҳар йили 1 ноябрдан кечикмай амалга оширилади.

5. «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарига 2004-2006 йиллар даврида пилла етиштириш учун етишмаётган импортдан келтириладиган ипак қурти уруғини «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимидан фойдаланган ҳолда белгиланган тартибда олиб келишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон ва 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорлари талабларига мувофиқ уюшма корхоналарининг устав фондидаги давлат улуши ва жойлаштирилмаган активлар жадал сотилишини ҳамда соҳада хусусий корхоналар ҳар томонлама ривожлантирилишини таъминласин;

соҳа корхоналарини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлашдан кейин бўшаб қоладиган маънавий эскирган асбоб-ускуналар белгиланган тартибда сотилишини ташкил этсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳоким-

ликлари мавжуд тутзорлар сақлаб қолинишини, янги тут дарахтлари экилишини таъминласинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 апрелдаги 118-сон қарори талабларини сўзсиз бажариш чора-тадбирларини кўрсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М.З. Усмонов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Қарорнинг бажарилишининг бориши тўғрисида 2004 йил январь ойида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 9 сентябрь,
390-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

146 Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш, шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ва қурилишнинг пировард натижалари учун инвестиция жараёни қатнашчиларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги 97-сон, 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон ва 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорларини пудрат қурилиш ташкилотларини, айниқса паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ташкилотларни хусусийлаштириш дастурларини бажариш юзасидан ишларнинг қоникарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ҳукуматнинг юқорида қайд этилган қарорларида кўрсатиб ўтилган пудрат қурилиш ташкилотларини 2003-2004 йилларда хусусийлаштиришни тўлиқ тугалласинлар, улар негизда асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этсинлар.

Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган пудрат қурилиш ташкилотларини

хусусийлаштиришда тегишли инвестиция мажбуриятлари мавжуд бўлган тақдирда объектларни қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериш кенг қўлланилсин.

Пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

2. 2003-2004 йилларда тўлиқ хусусийлаштириладиган лойиҳалаштириш ва қидирув ташкилотлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1-иловада кўрсатилган лойиҳа-қидирув ташкилотлари тўлиқ хусусийлаштирилишини ҳамда лойиҳа ишлари бозорида рақобат муҳити яратилишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар:

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, объектлар қурилишини марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошираётган вазирликлар ва идоралар 2004 йил 1 июлгача капитал қурилиш бўйича бюджет буюртмачиларининг фаолият кўрсатиб турган ҳудудий хизматларини (бошқармалар, бўлимлар, дирекцияларни) тугатсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган объектлар қурилиши учун ягона буюртмачи хизматларини ташкил этсинлар.

Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи ҳудудий хизматининг намунавий тузилмаси ва Ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги намунавий низом 5* ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона буюртмачи хизматларининг штат жадваллари ва таъминотиغا харажатлар сметаси белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2003 йил 1 декабргача бўлган муддатда лойиҳа-қидирув ишлари қийматини шартномавий жорий нархларда белгилашнинг янгиланган тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда объектлар қурилишининг умумий қийматидан лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг чекланган даражаларини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси белгиланган тартибда:

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига тўловлар бўйича қарзлари (шу жумладан илгари кечиктирилган қарзлари)нинг 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра тўловларни икки йил муддатга кечиктирган ҳолда, улар бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга жорий тўловларни ўз вақтида тўлаш шarti билан кейинги икки йил мобайнида ушбу қарзларни ҳар ойлик тенг улушлар билан босқичма-босқич қайтариш йўли билан таркибини ўзгартиришни расмийлаштирсинлар;

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари

* 1, 5-иловалар берилмайди.

Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига муддати ўтказиб юборилган тўловлари бўйича пеня ва жарималарни 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра ҳисобдан чиқарсинлар.

Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар натижасида бўшайдиган маблағлар пудрат қурилиш ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилади.

7. 2006 йил 1 январгача бўлган даврда пудрат қурилиш ташкилотларининг улар томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базадан чиқарилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси «Дав-архитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда пудрат қури-лиш ташкилотларига солиқ солиш бўйича кўрсатиб ўтилган имтиёзни қўллаш тар-тибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети лойиҳа-сини шакллантиришда 2004 йилдан бошлаб пудрат қурилиш ташкилотларининг маҳаллий бошқарув органлари балансига берилган ижтимоий соҳа муассасалари таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш учун уларга маблағларни на-зарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорла-ри ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳқа-масига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-си Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов ва Ўзбекистон Республи-каси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 12 сентябрь,
395-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига
2-ИЛОВА

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом объектларни, шу жумладан фойдаланишга тайёр ҳолда қуриладиган, марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган объектлар қурилишини ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши қўйидаги марказлаштирилган манбаларга жорий этилади:

бюджетдан ажратмалар;

давлат бюджети таркибида жамланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари);

Ҳукумат қарорларида белгиланган бошқа манбалар.

3. Ушбу Низом буюртмачи ва пудратчининг келишувига кўра инвестиция лойиҳасини ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилмаган маблағ билан таъминлашнинг бошқа манбалари ҳисобига амалга оширишда қўлланилиши мумкин.

4. Капитал қўйилмаларни қайтариш асосида бюджет ажратмалари ҳисобидан ажратишда қарз маблағларини қайтариш механизми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, маблағ билан таъминловчи банк муассасаси ва буюртмачи ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиб борилади.

5. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

маблағ билан таъминловчи орган:

бюджетдан ажратмалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари;

давлат бюджети таркибида жамланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари бўйича (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари) — жамғармаларнинг тегишли тасарруфчилари;

Ҳукумат қарорларида белгиланган бошқа манбалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган инвестиция кредитлари бундан мустасно — ушбу манбаларнинг тасарруфчилари;

қурилишларнинг аниқ рўйхати — объектлар рўйхатини, шунингдек улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи ҳар йили буюртмачилар томонидан ажратилган лимитлар доирасида тузиладиган молиявий ҳужжат;

қурилишнинг титул рўйхати — қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажмини ва уни сарфлаш йўналишларини кўрсатган, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий ҳужжат;

лойиҳаловчи — лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун танлов асосида танлаб олинган ташкилот;

етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) — танлов асосида танлаб олинган қурилиш индустрияси корхонаси, тайёрловчи завод ёки моддий-техника ресурсларини, шу жумладан лойиҳани амалга оширишда фойдаланиладиган технология ва муҳандислик асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва (ёки) етказиб берувчи жисмоний шахс;

лойиҳа — тармоқ тузилмаларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси, шунингдек муҳандислик изланишлари ва корхоналар, иншоотларни жойлаштиришнинг вариантли ишланмалари, унинг лойиҳа қуввати ва бошқа техник кўрсаткичлари асосида тузилган минтақалар бўйича ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси таркибида бажарилган зарур ҳисоб-китоблар билан биргаликда материаллар туркуми. Капитал қурилиш лойиҳасида қўйидаги асосий масалалар ҳал этилади: хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг транспорт оқимлари схемаси, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштирилиши ва кооперацияси, иқтисодиётнинг турдош тармоқлари билан алоқалар, ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби ва уни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни кадрлар билан таъмин-

лаш, қурилиш учун ажратилган ер участкасидан оқилона фойдаланиш, бинолар ва иншоотларнинг ҳажми—режалаштириш, архитектура ва конструктив ечимлари, атроф муҳит муҳофазаси, издан чиққан ерларни тиклаш (рекультивация) ва ер қаъри муҳофазаси, қувватларни ўзлаштириш;

иш ҳужжатлари — алоҳида бинолар ва иншоотларга ҳамда иш турларига иш чизмалари комплекти. Мураккаб объектлар бўйича иш ҳужжатларини тузишда лойиҳа материалларини аниқлаштирувчи қўшимча ишлар амалга оширилади. Уларга иш чизмалари умуман бинога ва иншоотга ишлаб чиқилади. Иш ҳужжатларида меҳнат сарфи ва асосий қурилиш материалларига харажатлар ўзгаришининг ҳисоб-китоби келтирилган бўлиши, ихтисослаштириш тузилиши, асбоб-ускуналар ва буюмларнинг тегишли турларига эса — ўлчам схемалари тузилиши, бино ва иншоотга қурилиш иш чизмаларининг паспорти тузилиши керак. Иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳаловчига якка тартибда тайёрланадиган буюртма қилинадиган асбоб-ускуналар ва импорт асбоб-ускуналар бўйича бирламчи маълумотлар берилади.

II. Шартномалар тузиш тартиби ва шартлари

6. Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга (кейинги ўринларда матнда капитал қурилиш деб юритилади) тузилади.

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тузилади.

7. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишига шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот буюртмачи ҳисобланади.

8. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишига шартнома бўйича пудратчилар танлов савдолари шартларига ва тузилган шартномага мувофиқ ишлар бажарилишини таъминлашга қодир бўлган юридик шахслар бўлишлари мумкин.

Зарурат бўлганда қўшма фаолият тўғрисидаги шартномага мувофиқ иш кўрувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахсларнинг бирлашмаси қуриш шартномаси бўйича пудратчилар бўлиши мумкин.

9. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиҳа ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралиқ бўғинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини ўзаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситачининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш, деб ҳисобланмайди.

10. Пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин ўн кун муддатда тузилади.

11. Танлов савдолари шартларига мувофиқ қурилиш муддати бир календарь йил доирасидан ташқарига чиқадиган объектлар бўйича иккинчи ва кейинги йилларга ишларнинг қолдиқ ҳажми қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилади. Қолдиқ қийматнинг аниқлаштирилиши асосий бош шартномага илова қилинадиган қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

12. Шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

13. Шартнома бекор қилинган тақдирда барча харажатлар ва зарарлар қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда қопланади.

14. Шартнома тузишда буюртмачи ва пудратчи алоҳида шартлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ унда бошқа мажбуриятларни ҳам назарда тутишга ҳақлидир.

15. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари бўйича тузилган бош шартнома бўйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шарти билан мустақил амалга оширилади.

16. Объектлар қурилишига шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ кафиллик, кафолат шаклида ва бошқа шаклларда таъминланади.

17. Объект қурилиши шартномасида акс эттириладиган ўзаро ҳисоб-китоб шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.

III. Томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

18. Буюртмачи томонидан қуйидагилар таъминланади:

ер участкасини танлаш ва ажратиш, бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни ва қурилиш ҳудудини тайёрлаш, лойиҳаолди ишларини ташкил этиш, лойиҳанинг, иш ҳужжатларининг (объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ҳолларидан ташқари) ва танлов ҳужжатларининг тасдиқланадиган қисмини келишиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш;

лойиҳаловчи ва пудратчини (бош пудратчини) танлов савдолари орқали танлаш;

ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари билан биргаликда шартномалар тузиш;

қурилиш объектини давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтказиш;

пудратчига қуриш учун бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни бериш;

бузиладиган, кўчириладиган ёки реконструкция қилинадиган биноларда, шунингдек объект қурилиши ҳудудида яшаётган шахсларни кўчириш;

молиялаштириш, пудратчи томонидан қабул қилинган шартнома мажбуриятларига ва шартномада қайд этилган бошқа функцияларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

техник кузатиш ва объект қурилиши устидан техник назорат қилиш;

қурилиши тугалланган объектни белгиланган тартибда фойдаланиш учун қабул қилиш;

кафолатли даврда аниқланган нуқсонлар бартараф этилиши устидан назорат қилиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига ва шартнома шартларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

19. Пудратчи томонидан қуйидагилар таъминланади:

иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва унинг технология қисмини буюртмачи билан келишган ҳолда қурилиш жараёнида (объект фойдаланишга тайёр ҳолда қурилганда) уни эксперт кузатиш;

иш ҳужжатларини (объект фойдаланишга тайёр ҳолда қурилганда) технологик изчиллик ва объект қурилишининг аниқ шартлари билан боғлиқликда ҳажмлар ва муддатларда ишлаб чиқаришга бериш;

ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ҳамда белгиланган стандартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда тасдиқланган лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш;

шартномага мувофиқ қурилишни асбоб-ускуналар, конструкциялар ва қурилиш материаллари билан бутлаш;

лойиҳа ечимларига ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш-монтаж, махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

объектнинг ижроия ҳужжатларини, шу жумладан сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотга мувофиқлик сертификатларини, фойдаланилган қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарга техник паспортларни тузиш ва буюртмачига бериш; тасдиқланган лойиҳаларга, бошқа талабларга ва шартнома мажбуриятларига мувофиқ объектни буюртмачига топшириш.

Пудратчи қонун ҳужжатларига ва шартнома шартларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

20. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги вазифаларни аниқ тақсимлаш, шунингдек уларнинг мулкӣ жавобгарлиги даражаси қонун ҳужжатларига ва танлов савдоси шартларига мувофиқ аниқ бир пудрат шартномасини тузишда аниқлаштирилади.

21. Объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган сифат стандартлари ҳисобга олинган ҳолда «Давархитектқурилиш» қўмитаси органларининг ҳулосаси асосида буюртмачи томонидан таъминланади.

22. Буюртмачи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ:

ишларни бажаришга бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатлар берилиши кечиктирилганлиги;

геодезия — бўлиш асослари ҳамда қурилиш ҳудудига бириктирилган пунктлар ва белгилар берилиши кечиктирилганлиги;

қурилиши тугалланган объект, унинг айрим навбатлари, ишга тушириш комплекси, бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқаришга тайёрланган маҳсулотлар ёки хизматлар шартнома шартларига мувофиқ қабул қилиб олинishi асоссиз равишда кечиктирилганлиги;

шартномага мувофиқ ўз вақтида маблағ билан таъминланмаганлиги, бажарилган ишлар тасдиқланмаганлиги ва уларга ҳақ тўланмаганлиги;

шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун пудратчи олдида мулкӣ жавоб беради.

23. Пудратчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ:

иш ҳужжатлари сифатсиз ишлаб чиқилганлиги (объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда);

қурилиш-монтаж ишлари сифатсиз бажарилганлиги;

объект, унинг навбати, босқичи қурилиши ўз вақтида тугалланмаганлиги;

буюртмачи билан тузилган шартномалар бўйича монтаж ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган асбоб-ускуналарни монтаж қилишга мўлжалланган майдонларни топшириш муддатлари бузилганлиги (агар бу шартнома ва танлов савдолари шартларида назарда тутилган бўлса);

буюртмачи билан тузилган шартномага илова қилинган алоҳида шартларда белгиланган ерларни рекультивация қилиш бўйича ишлар муддатлари ва ҳажмларининг бузилганлиги;

қурилиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилиш жараёнида буюртмачи, муаллифлик назорати ва назорат органлари томонидан аниқланган ишлар ва конструкцияларда йўл қўйилган чала ишлар ва нуқсонларни бартараф этиш кечикканлиги;

шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун буюртмачи олдида мулккий жавоб беради.

24. Иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиқиб ёки бошқа нуқсонлари бўлган ҳолда бажарилган ҳолларда буюртмачи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, ўз хоҳишига кўра пудратчидан:

нуқсонлар оқилона муддатда қоплашсиз бартараф этилишини;

иш учун белгиланган нарх мутаносиб миқдорда камайтирилишини;

агар нуқсонларни бартараф этиш юзасидан буюртмачининг ҳуқуқи шартномада назарда тутилган бўлса, нуқсонларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

25. Пудратчи нуқсонларни бартараф этиш ўрнига бажариш муддати кечиктирилиши туфайли етказилган зарарларни буюртмачига қоплаган ҳолда ишни қайдан текин бажаришга ҳақлидир.

26. Агар пудратчи нуқсонларни томонлар томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаса, буюртмачи ёки фойдаланувчи ташкилот нуқсонни бартараф этиш ишлари қийматини ундириб олган ва нуқсон ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун қўрилган зарар қопланган ҳолда нуқсонни пудратчи ҳисобидан ўз кучлари билан бартараф этишга ҳақлидир.

27. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда шартномага мувофиқ айбдор томон бошқа томонга қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда неустойка тўлайди.

28. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур Низомда назарда тутилган санкциялардан ташқари уларни бузган томон бошқа томонга у томонидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланишида ифодаланадиган амалдаги зарарларни неустойка (жарима, пеня) билан қопланмаган суммада қоплайди.

29. Неустойка (жарима, пеня) тўланиши, шунингдек мажбуриятлар зарур даражада бажарилмаганлиги учун зарарлар қопланиши томонларни шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишидан озод этмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

30. Буюртмачи пудратчининг айби билан шартномани бекор қилишга мажбур бўлган тақдирда, пудратчининг кафили (у мавжуд бўлган тақдирда) буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ объект қурилишини қурилиш тўлиқ тамом бўлгунгача давом эттириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши ёхуд унга берилган кафолатдан келиб чиқувчи молиявий мажбуриятларни бажариши мумкин.

Кафил ишни ўз кучлари билан тамомлаши ёки ўз хоҳишига кўра исталган пудратчини жалб этган ҳолда тамомлаши мумкин.

IV. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни ташкил этиш

31. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш пудратчининг лойиҳада назарда тутилган ишларнинг бутун ҳажмини, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, объектни технология ва муҳандислик асбоб-ускуналари билан бутлаш бўйича мажбуриятларини назарда тутати ҳамда тайёр қурилиш махсулоти яратишнинг ягона узлуксиз комплекс жараёни сифатида амалга оширилади.

32. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда буюртмачи ва пудратчи қатнашчилар ҳисобланади.

33. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган янги қурилишда, ишлаб турган корxonани кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан жиҳозлашда мажбурий ҳисобланади.

34. Лойиҳаларни бошқа манбалар ҳисобига амалга оширишда объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш томонларнинг келишуви бўйича ёки танлов савдолари шартларига қараб қўлланилиши мумкин.

35. Фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш учун пудратчи субпудратчи ташкилотларни жалб этиши мумкин, уларга нисбатан пудратчи бош пудратчи ҳисобланади.

36. Қурилишни қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур бўлган материаллар, конструкциялар ва буюмлар билан, шунингдек барча намунавий асбоб-ускуналар ва аппаратлар, ностандартлаштирилган, технологик ва энергетика асбоб-ускуналари билан, шу жумладан махсус материаллар билан таъминлаш пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

37. Пудратчи шартномада белгиланган кафолатли даврда объектдан лойиҳада назарда тутилган параметрларда фойдаланилиши учун буюртмачи олдида мулкый жавоб беради.

38. Фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда объектни маблағ билан таъминлаш маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ буюртмачининг аванси (30 фоизгача), жорий маблағ билан таъминлаш (аванс бериш ҳисобга олинган ҳолда 50 фоизгача), пудратчининг ўз маблағлари ва банкнинг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

39. Пудратчи билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш буюртмачи томонидан қурилиш тамом бўлгандан ва объект фойдаланишга топширилганидан, шу жумладан кредит олиш ва улар бўйича пудрат қурилиш ташкилотлари томонидан фоизлар тўлаш билан боғлиқ харажатлар қоплангандан кейин амалга оширилади.

40. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари объект фойдаланишга топширилгунга қадар пудратчининг балансида бўлади ва унинг солиқ солинадиган базасига киритилмайди.

V. Инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлаш

41. Инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасига қатъий амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади.

42. Белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати капитал қўйилмаларнинг тасдиқланган лимитига мувофиқ объектлар қурилишининг аниқ рўйхатида назарда тутилган қурилиш учун банкларнинг кредитларини жалб этишда пудратчи учун асос бўлиб ҳисобланади.

43. Ажратилган маблағлардан буюртмачи томонидан қурилишларнинг титул рўйхатида назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

44. Маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка қуйидагилар тақдим этилади:

қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);

қурилишнинг титул рўйхати;
буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;
пудрат ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;

қурилиш-монтаж ишларини бажаришга «Давархитектқурилиш» қўмитасининг рухсати.

45. Буюртмачи ва пудрат ташкилоти ўртасида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тузилган шартномада ва унга илова қилинадиган маблағ билан таъминлаш жадвалида куйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

а) қурилиши янгидан бошланаётган тайёр ҳолда фойдаланишга топширилаётган объектларни қуришда:

қурилишнинг дастлабки икки ойи мобайнида аванс тўловлари танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизгача миқдорда тенг улушларда ажратилиши;

жам бўлган ҳолда аванс тўлови ҳам ҳисобланадиган аванс беришни ҳисобга олган ҳолда объект қийматининг 50 фоизгача миқдорда жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

Қолган 50 фоизни жорий молиялаштириш пудратчи томонидан ўз айланма маблағларидан ва (ёки) жалб этилган маблағлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Қолган 50 фоизни пудратчига йўллаш буюртмачи томонидан объект қурилиши тугаллангандан кейин тузилган шартномага мувофиқ икки босқичда:

объект қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилиб олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — камида 45 фоиз миқдорида;

шартномада қайд этилган кафолат муддати тамом бўлгач — молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай 5 фоизгача миқдорда тўланади;

б) объектларни шартнома асосида қуришда (2002 йилга ўтувчи объектлар, объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ҳолларидан ташқари): жорий ойма-ой молиялаштириш ишларнинг амалда бажарилишидан келиб чиқиб 5 фоиз миқдоридаги қолган қисмини шартномада қайд этилган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, бироқ молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай тўлаган ҳолда объект қийматининг камида 95 фоизи миқдорида амалга оширилади.

46. Тасдиқланадиган лимитлар доирасида алоҳида объектларни маблағ билан таъминлаш Йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган алоҳида схемалар бўйича амалга оширилиши мумкин.

47. Тасдиқланган Инвестиция дастури бўйича капитал қўйилмаларни молиялаштириш лимитининг (аванс тўлангандан ва 50 фоизгача миқдорда жорий молиялаштирилгандан кейин) қолган қисми тасдиқланган лимитлар доирасида марказлаштирилган манбалар ҳисобига аниқ мўлжалли қурилишлар рўйхатларга киритилган объектларда ишлайдиган пудрат ташкилотларини кредитлаш учун кредит ресурслари ҳосил қилиш манбаи сифатида вақтинчалик асосида, ойма-ой хизмат кўрсатувчи банкларга берилади.

48. Маблағ билан таъминловчи органга буюртмачи томонидан куйидагилар тақдим этилади:

қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ мўлжалли рўйхати);

қурилишнинг титул рўйхати;

буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан пудрат ташкилоти томонидан тузилган шартнома нусхаси ва танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачининг ҳисоботи;

хар қайси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очилган молиялаштиришнинг ҳар бир ҳисоб рақами бўйича банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар.

49. Маблағ билан таъминловчи орган буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

50. Хизмат кўрсатувчи банк билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун буюртмачига ҳар қайси қурилиш объекти бўйича «талаб қилиб олинadиган» алоҳида иккиламчи депозит ҳисоб рақамлари (кейинги ўринларда молиялаштириш ҳисоб рақамлари деб аталади) очилади. Молиялаштириш ҳисоб рақамларидан буюртмачи таъминоти бўйича харажатларга маблағ тўланишига йўл қўйилмайди.

51. Буюртмачи таъминотига харажатлар ҳар ойда, алоҳида депозит ҳисоб рақамидан белгиланган тартибда тасдиқланган ва молиялаштирувчи органлар томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

52. Пудрат ташкилотларининг танлов савдоларида иштирокини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан, агар уларнинг ўз айланма маблағлари объект бўйича ишлар қийматининг 20 фоизидан камни ташкил этган тақдирда, қурилиш давомида айланма маблағларнинг етишмаётган қисмини белгиланган миқдоргача тўлдириш учун кредит ажратиш тўғрисида кафиллик берилиши мумкин.

53. Танлов савдолари пудрат ташкилоти томонидан ютиб чиқилган тақдирда унга кафолат берган тижорат банклари ушбу ташкилотларга қурилишнинг бутун даврида уларни айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида объектни ишга тушириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш учун объект қийматининг 20 фоизигача бўлган миқдорда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит беради.

Пудрат ташкилотига кредит бериш учун банк томонидан буюртмачини молиялаштириш ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси асосида қурилишнинг ҳар бир объектига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очилади.

54. Кредит ва фоиз ставкалари миқдорлари, кредитни қайтариш ва у бўйича фоизлар тўлаш муддатлари ва тартиби банк билан пудрат ташкилоти ўртасида тузилган кредит шартномасида белгиланади.

55. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан молиялаштириш ҳисоб рақамидан пул маблағларини ўтказиш буюртмачи томонидан тўлов топшириғи тақдим этилгандан кейинги кун бошланишидан кечикмай амалга оширилади.

56. Хизмат кўрсатувчи банк қонун ҳужжатларига мувофиқ маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

57. Буюртмачи тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

58. Тўлов топшириқномасига бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги «маълумотнома — счёт-фактура» илова қилинади.

Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда жорий маблағ билан таъминлаш ишларни бажариш ва маблағ билан таъминлаш жадвалларига мувофиқ амалга оширилади.

59. Аванс тўлови пудрат ташкилотининг хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

60. Молиялаштириш ҳисоб рақамидан қурилишнинг титул рўйхатига ва унда кўрсатилган капитал қўйилмалардан фойдаланиш йўналишларига мувофиқ бўлмаган тўловларни амалга ошириш тақиқланади.

61. Жорий маблағ билан таъминлаш маблағ билан таъминловчи орган томонидан амалда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ҳисобга олинган ҳолда ҳар ойда 20-кундан кечикмай амалга оширилади.

VI. Ҷззро ҳисоб-китоб қилиш тартиби

62. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш қатнашчилари ўртасидаги ҳисоб-китоблар улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

63. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай, буюртмачилар томонидан молия органига мазкур Низомга мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга белгиланган шакл бўйича марказлаштирилган капитал қўйилмалардан фойдаланилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этилади.

64. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда буюртмачи томонидан молия органига маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ қийматининг 50 фоизи доирасида объект қурилишига аванс бериш ва жорий маблағ билан таъминлаш учун маблағ ажратишга буюртманома тақдим этилади.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган капитал қурилиш-ни маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш схемаси илова* қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига
3-ИЛОВА

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси

№ _____ 200__ йил «__» _____
Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган _____

(буюртмачининг номи)

номидан _____ асосида иш қўрувчи
(устав, низом, ишончнома)

(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ бир томондан ва
кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган _____
(юридик шахснинг номи)

номидан _____
(устав, низом, ишончнома)

асосида иш қўрувчи _____
(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

иккинчи томондан _____
(объектнинг номи)

объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

* Схема берилмайди.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркигиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар — Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркигиладиган ишлар — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркигиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш — ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига _____

(лойиҳанинг номи)

лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (200__ йил «__» _____ даги __-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда _____

(сумма ёзув билан)

ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:
қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.
5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга ___ -иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва / ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
___ -иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;
қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага _____ -иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш май-

донини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига _____ -иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда — томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда — шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан _____ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдориди, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказилади, бу _____ сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (-илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизгача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдориди;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин —

ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини — техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баланд-

ликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қилдилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб ____ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

ХII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида ___ ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида ___ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Ғуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг ___фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг ___фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг ___фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг ___фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг ___фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида барта- раф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг ___ фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг ___ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг _____фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган _____ нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи:

Пудратчи:

М.Ў. (имзо)

М.Ў. (имзо)

Юридик хизмат ёки жалб қилинган адвокат хулосаси:**Пудрат шартномасига илова қилинадиган
ҳужжатлар рўйхати:**

1. Буюртмачи ва Пудратчининг кафиллиги.
2. Ишларни (босқичларга бўлган ҳолда) молиялаштириш жадвали.
3. Ишларни бажариш ва асбоб-ускуналарни ўрнатиш жадвали.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини
шакллантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Инвестиция дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

3. Дастур:

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради;

лойиҳа-қидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили Дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

4. Қуйидагилар Дастурни шакллантиришнинг асосий принциплари ҳисобланади: инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан зарур ҳажмларда, мақбул шартларда хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш, шунингдек лойиҳаларни танлаб олишнинг амалий механизмини шакллантириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларни, ишлаб чиқаришларни ва фаолият соҳаларини қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги) аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишни, истеъмол талабини фаоллаштиришни таъминловчи ҳажмларда биринчи навбатда инвестициялаш;

минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни, тайёр маҳсулотни ташқи бозорда рақобатбардошли даражага етказишни таъминлашга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шу жумладан трансконтинентал транспорт йўлакларига интеграциялаш, логистика комплексларини шакллантириш;

таркибий ўзгартиришлар вазифалари ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига мувофиқ маблағ қўйишнинг ўзаро манфаатлилиги асосида хорижий сармояларни жалб қилиш, томонларнинг инвестиция мажбуриятлари асосида шартнома-лар тузиш амалиётини жорий этиш;

инвестиция лойиҳаларини Дастурнинг аниқ рўйхатига олдиндан белгиланган мезонлар асосида киритиш;

илгари бошланган объектларни тугаллаш учун марказлаштирилган инвестицияларни биринчи навбатда ажратиш.

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги, республика иқтисодиёти айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан экспортга йўнатирилганлик, бутловчи буюмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қатнашиш ва шу кабилар асосий мезонлар ҳисобланади.

5. Дастурда лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиш ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж, молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

6. Дастурни ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар).

7. Дастур йиғма жадваллари билан таҳлилий қисмдан, аниқ дастурдан ва устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади.

8. Дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштиради.

9. Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

II. Дастурнинг таҳлилий қисми

10. Таҳлилий қисм республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолдаги капитал қўйилмалар ҳажмлари ва молиялаштириш манбаларини асослашдан, Дастур самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларидан иборат бўлади.

11. Таҳлилий қисм таркибида инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда умуман Дастур, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари, молиялаштириш манбалари ва ҳудудлар, амалга ошириш йиллари бўйича капитал қўйилмалар таркиби белгиланади.

Дастурнинг ялпи ички маҳсулот ўсишига, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий ўзгаришига, экспорт ва импорт таркибига, ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ҳажмларига таъсирининг прогнозлаштирилаётган натижалари ҳисоб-китоб қилинади.

12. Дастурнинг барча ҳисоб-китоблари тадрижий тарзда, республикани уч йил-

лик даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ва инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури асосида ишлаб чиқилади.

III. Аниқ дастурни шакллантириш

13. Дастурнинг аниқ рўйхатига марказлаштирилган манбалар, Ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари киритилади.

14. Аниқ рўйхат:

иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва мамлакат муҳофафазаси қудратини таркибий ўзгартиришни таъминловчи республика иқтисодиёти устувор йўналишларини ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган марказлаштирилган инвестициялар лимитларидан;

хорижий инвестициялар ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади.

15. Ижтимоий соҳа объектларининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари Дастурга йириклаштирилган, буюртмачилар ва объектлар бўйича тақсимламаган ҳолда киритилади.

16. Қўйидагилар лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йилида уларни аниқ дастурга киритишнинг мажбурий шартлари ҳисобланади:

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг (инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашлари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари) мавжуд бўлиши;

молиялаштириш манбаларининг ва кредитларнинг шартномада белгиланган муддатда қайтарилишининг тасдиқланиши.

17. Аниқ дастурни шакллантириш жараёни ҳар бир лойиҳа бўйича муфассал ахборот тайёрлаш, лойиҳани устуворлиги бўйича танлаб олиш ва рўйхатни шакллантиришдан иборат бўлади.

18. Ҳар бир лойиҳа (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборот буюртмачи томонидан тайёрланади ҳамда унда қўйидагилар бўлади:

белгиланган шаклдаги лойиҳа паспорти;

лойиҳани амалга ошириш режа-жадвали;

аниқ дастурни шакллантириш санасида лойиҳани амалга оширишнинг ҳолати тўғрисидаги муфассал ахборот.

19. Лойиҳанинг паспорти:

техник тавсифномани;

атроф муҳитга таъсирни баҳолашни;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра самарадорликни ва амалга ошириш имкониятларини баҳолашни, ташкилий тадбирларнинг кўламини;

маҳсулотга талаб ҳажми ва хусусиятини;

ечимнинг муқобил вариантлари мавжудлигини, шу жумладан фаолият кўрсатётган корхоналарни реконструкция қилиш йўли билан;

асосий материаллар ва ишчи кучи ресурсларининг мавжудлигини;

инвестиция харажатлари миқдорларини ўз ичига олади.

20. Аниқ лойиҳа уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигидан, унинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра амалга ошириш имкониятлари ва мақбуллигидан, тармоқни ривожлантириш-

нинг стратегик вазифаларига мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич танлаб олинади:

биринчи босқичда — лойиҳа аниқ тармоқ ва минтақани ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан баҳоланади;

иккинчи босқичда — лойиҳа иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва минтақаларни ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинади.

21. Аниқ дастурга иқтисодий жиҳатдан самарасиз лойиҳаларни, шунингдек илгари жалб қилинган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзи бўлган корхоналар лойиҳаларини киритиш тақиқланади.

22. Қўйидагилар биринчи босқичда лойиҳанинг устуворлигини белгилашнинг мезонлари ҳисобланади:

лоyiҳанинг тармоқни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлиги;

молиявий ва иқтисодий самарадорлик;

маҳаллий хом ашёдан ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш даражаси;

тайёрланган мутахассисларнинг мавжудлиги;

лоyiҳанинг амалга оширишга тайёрланганлиги даражаси;

ишга туширилгандан кейин фойдаланиш харажатлари.

23. Ҳар бир мезоннинг муҳимлиги даражаси тармоқни ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади.

24. Иккинчи босқичда уч йиллик даврда республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгартиришлар прогнозига мувофиқ кўшимча равишда қўйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

тармоқ (минтақа)нинг истиқболдаги прогноз ўсиш суръатлари;

экспорт салоҳиятининг прогноз ўсиш суръатлари;

тармоқнинг умуман республика бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирининг ўзгариши;

таркибий омиллар;

илгари қўйилган инвестициялар самарадорлиги;

асосий фондлар аҳволи ва қувватлардан фойдаланиш даражаси;

лоyiҳанинг ижтимоий аҳамияти.

25. Икки босқичда танлаб олиш натижаларига кўра Дастурга киритиладиган объектларнинг аниқ дастури шакллантирилади.

26. Дастурни ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг биринчи йили кўрсаткичлари мавжуд молиявий ресурслар ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғланган бўлиши керак ҳамда биринчи молиявий йилда ўзгартирилмайди.

27. Дастурни ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг иккинчи ва кейинги йиллари кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштирилиши керак, бунда бошланмаган лойиҳаларнинг бир қисми янги лойиҳаларга алмаштирилиши мумкин.

IV. Устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатини шакллантириш

28. Йиғма рўйхатга вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мулкчилик шакллари қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларнинг устувор инвестиция таклифлари киритилади.

V. Қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини шакллантириш

29. Буюртмачилар тасдиқланган Инвестиция дастури асосида ваколатли банклар-

да молиялаштиришни расмийлаштириш учун ҳар йили қурилишларнинг аниқ рўйхатини ва Дастурни амалга оширишнинг иккинчи ва учинчи йилларига киритилган объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхатини аниқлаштирадилар.

Марказлаштирилган манбалар ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инвесторлар (буюртмачилар) томонидан тасдиқланади.

30. Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари инвесторлар (буюртмачилар) томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

31. Кредит ресурсларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ рўйхатлари тегишли кредит шартномаси ёки кредитловчи банкнинг ёзма розилиги мавжуд бўлганда тасдиқланади.

32. Қурилишларнинг аниқ рўйхати биринчи йил мобайнида танлов савдолари ёки Йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш кенгашининг алоҳида қарорлари бўйича аниқлаштирилиши мумкин.

33. Истисно ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда танлов савдолари натижаларига кўра «бошқа харажатлар» лимити ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилиш лимити аниқлаштирилишига йўл қўйилади.

34. Қурилишнинг титул рўйхати тасдиқланган лимитлар доирасида қурилишнинг бутун даврига тузилади ва Инвестиция дастури тасдиқлангандан кейин 2 ойдан кечиктирилмасдан танлов савдолари натижаларига кўра шакллантирилади.

35. Қурилишнинг титул рўйхати инвестор (буюртмачи) томонидан пудратчи билан келишган ҳолда тасдиқланади.

36. Қурилишнинг тасдиқланган титул рўйхатида капитал қўйилмалар лимитлари умуман инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун назарда тутилади, бунда қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар харид қилиш, лойиҳа-қидирув ишлари харажатлари ва бошқа харажатлар (пудратчи ва буюртмачи харажатлари алоҳида кўрсатилади) қурилиш йиллари бўйича тақсимланган ҳолда ажратиб кўрсатилади.

37. Танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган қурилиш қиймати биринчи молиявий йилда харажатлар қиймати ортиши прогнозини ҳисобга олиши керак.

38. Биринчи молиявий йилда қурилишнинг титул рўйхатида лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж ишлари кўрсаткичлари аниқлаштирилишига йўл қўйилмайди.

VI. Инвестиция дастурини шакллантириш муддатлари

39. Уч йиллик Дастурни шакллантириш жараёни бир йиллик циклга эга бўлади ҳамда янгиланган Дастурни ҳар йилнинг охиригача тайёрлашни таъминловчи иловага* мувофиқ қатъий жадвалга таянади.

Инвестиция дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда буюртмачилар қуйидаги тартибга амал қилишлари керак:

Дастурни амалга оширишнинг биринчи йилига келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва молиялаштириш билан таъминланган (келгуси йилга ўтувчи ва янгидан бошланаётган) қурилишларнинг аниқ рўйхати тузилади;

Дастурни амалга оширишнинг иккинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва биринчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати ва Дастурни амалга оширишнинг биринчи йилида лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган ва тасдиқланган, биринчи йилда танлов савдоларига тайёрландиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади;

* Илова берилмайди.

Дастурни амалга оширишнинг учинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилган биринчи ва иккинчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати, лойиҳа ҳужжатлари иккинчи йилда тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади.

VII. Дастурни молиялаштириш

40. Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

а) марказлаштирилган инвестициялар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:
давлат бюджети маблағлари;

давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;

Ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар;

Ҳукумат қарорларига кўра белгиланадиган бошқа манбалар;

б) марказлаштирилмаган инвестициялар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:
мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағлари;

тижорат банкларининг, шу жумладан хорижий тижорат банкларнинг кредитлари;

жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий жисмоний шахслар маблағлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

41. Марказлаштирилган инвестициялар республика халқ хўжалигини таркибий қайта қуришни, республиканинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришни, амалга ошириш молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига мумкин бўлмаган ижтимоий муаммоларни ва бошқа муаммоларни ҳал этишни таъминловчи республика иқтисодиётининг устувор йўналишларида асосий фондларни яратиш ва кўпайтириш учун фойдаланилади.

42. Марказлаштирилган инвестициялар фақат:

республика иқтисодиётининг устувор йўналишларида давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун уй-жой қурилишига;

сув хўжалиги қурилишига;

аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга;

фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига;

давлат бошқаруви органлари, муҳофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;

умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига ажратилади.

VIII. Дастурнинг амалга оширилиши мониторинги

43. Дастурнинг амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

44. Дастурининг давлат мониторинги:

инвестиция лойиҳаларини, ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

лойиҳаларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларига (техник-иқтисодий асослашлар, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар), танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш;

амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдо бўладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш;

инвестиция иқлимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

45. Мониторинг ҳар ойда статистика ҳисоботи ва сўров йўли билан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалга оширилади.

46. Мониторинг натижалари Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳар чораклик ахборотларни тайёрлашда ҳамда навбатдаги уч йиллик даврга Дастурни шакллантиришда фойдаланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига
6-ИЛОВА

Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизмати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизмати (кейинги ўринларда Буюртмачи хизмати деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикасининг айрим вазирликлари ва идоралари томонидан ташкил этилади.

Буюртмачи хизмати марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилаётган объектлар қурилишини бошқариш ва техник кузатув функцияларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилади.

Минтақа ҳудудида ёки вазирликлар ва идоралар таркибида марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишини амалга оширувчи параллел иш кўрувчи буюртмачи хизматлари ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

2. Буюртмачи хизмати функциялари буюртмачиларнинг минтақаларда фаолият кўрсатаётган бюджетдан таъминланувчи хизматларини (КҚББ, КҚБ, КҚБ ва бошқалар) ягона орган тарзида бирлаштириш негизида юридик шахс сифатида ташкил этиладиган инжиниринг компаниялари (кейинги ўринларда Компания деб аталади) амалга оширилади.

3. Компания объектларнинг, пудратчилар билан танлов савдолари натижаларига кўра ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган шартномалар асосида бошқа объектларнинг фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини таъминлайдилар.

Компания тузилган шартномаларга мувофиқ ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича инвестиция жараёни қатнашчилари ишини мувофиқлаштиради.

5. Компания ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун-

ларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, юқори турувчи органнинг қарорларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

6. Компания Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, белгиланган намунадаги штамплар ва бланкаларга эга бўлади.

7. Компания тўғрисидаги низом (унинг устави) уни ташкил этган органнинг қарори билан тасдиқланади.

II. Буюртмачи хизматининг асосий вазифалари

8. Қўйидагилар Буюртмачи хизмати (Компания)нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини мўлжалланган муддатларда фойдаланишга топшириш прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

лойиҳа ечимларининг самарадорлигини таъминлаш, архитектура ва шаҳарсозлик даражаси талабларига риоя қилиш;

капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш, инвестиция цикли муддатларини қисқартириш.

III. Буюртмачи хизматининг асосий функциялари

8. Юқланган вазифаларга мувофиқ Буюртмачи хизмати (Компания) қўйидаги функцияларни бажаради:

а) прогнозлаштириш соҳасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларнинг топшириғига кўра уч йиллик даврда республика Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг параметрларини аниқлаштириш ҳамда кейинчалик белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этиш учун унга янги лойиҳаларни киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

тасдиқланган инвестиция дастурлари ва марказлаштирилган манбаларнинг ажратилган лимитлари асосида кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишиш учун қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати лойиҳасини тайёрлайди;

пудратчи билан келишган ҳолда қурилишнинг титул рўйхатини тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, вазирликлар ва идораларга киритади;

инвестиция лойиҳалари жойлаштириладиган туманларда муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш (йўллар, канализация, иссиқлик, электр, газ, сув таъминоти, телефонлаштириш, радиолаштириш ва бошқалар) масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда иштирок этади;

б) лойиҳалаштириш соҳасида:

лойиҳани ишлаб чиқиш учун бирламчи-руҳсат берувчи ҳужжатларни ва танлов ҳужжатларини тайёрлайди, «лойиҳа» босқичида лойиҳалаштириш бўйича ишларга буюртма танлов асосида жойлаштирилишини ташкил этади;

лойиҳалаштиришга топшириқ беради;

танлов савдоси ғолиби билан шартнома тузади ва ҳамда лойиҳани лойиҳа ҳужжатларини бериш ишларининг календарь жадвалини келишади;

тегишли ташкилотлар билан экспериментал, илмий-текшириш, археология ишлари ва бошқа ишларни бажаришга шартномалар тузади;

бажарувчилар томонидан шартнома мажбуриятларига риоя этилишини назорат қилади;

лойиҳа ва танлов ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини, келишилишини, тасдиқланишини, шунингдек экспертизанинг ваколатли органлари ҳулосалари ҳамда пудрат ташкилотларининг мулоҳазалари бўйича тегишли ҳужжатларга тузатиш ва қўшимчалар киритилишини ташкил этади;

в) қурилиш майдонини тайёрлаш бўйича:

қурилиш учун майдон танлаш ва ажратиш бўйича комиссиялар ишида иштирок этади;

қурилиш учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиради ва белгиланган муддатларда белгиланган тартибда пудратчиларга беради, тегишли органлар ва фойдаланиш хизматларининг рухсатномалари;

электр узатишларнинг ҳаводаги линиялари ва алоқа линиялари ҳудудида, темир йўллар поласасида, қурилиш майдонида жойлашган ер ости коммуникация тармоқлари (кабель, газ қувурлари, канализация тармоқлари ва бошқалар) ўтадиган жойларда ишларни бажариш;

қурилиш даврида шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида ўз газ, сув, буғ ва электр таъминоти бўлмаган тақдирда қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ мавжуд манбалардан олинadиган электр энергияси, газ, сув ва буғдан фойдаланиш;

ўрмонни кесиш ва дарахтлар ўтказиш, зарур ҳолларда эса дарахтларни кесишга пудрат қурилиш ташкилотларига рухсат бериш;

объект қурилиши ҳудудидаги бузилиши, бошқа жойга қўчирилиши ёки реконструкция қилиниши керак бўлган уйларда яшовчи фуқароларни қўчиради;

фуқароларга зарурат бўлганда амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган объектнинг умумий қиймати доирасида олиб қўйилadиган мева, резавор мева дарахтлари ва экинлар қийматини, шунингдек фуқароларга хусусий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бузилиши керак бўлган турар жойлар ва иморатлар қийматини қоплайди;

давлат ташкилотларига, хусусий ташкилотларга ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган бузиладиган бинолар ва иншоотларнинг қолдиқ баланс қиймати ҳисоб-китобини, шунингдек унинг объект қурилиши лойиҳасига киритилиши асослигини текширади;

бузиладиган иморатлар, иншоотлардан чиқадиган қайтарилadиган материаллар, шунингдек қўшимча равишда қазилда олинadиган материаллар сотилишини таъминлайди;

қурилиш учун геодезик ажратиш асоси барпо этади;

объектларни Давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтказди, шунингдек пудрат ташкилотларида фаолият турига ва ишларни бажаришга лицензиялар, муаллифлик ва техник назорат борлигини текширади ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома олади.

г) қурилиш, молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот соҳасида:

объектни лойиҳалаштириш ва фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ишлари (хизматлари) ижрочиларини танлаш бўйича танлов савдоларини ташкил этади ва ўтказди;

лойиҳалаштиришга ва пудрат ишларига лойиҳа ва пудрат ташкилотлари, танлов савдоларининг фолиблари билан белгиланган тартибда шартномалар тузади;

лойиҳа бошқарилишини ва объектлар қурилиши техник кузатилишини таъминлайди;

танлов асосида белгиланган ёки белгиланган тартибда аниқланган келишилган шартномавий нарх асосида қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини тузиш ва аниқлаштириш учун таклифлар киритади;

ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлар шартномага мувофиқ муддатидан олдин ишга туширилганда пудратчига бериладиган мукофот суммасини белгилайди;

молиялаштиришнинг келишилган жадвалини ҳисобга олган, бунинг учун зарур бўлган барча ҳужжатларни молиялаштирувчи банкка тақдим этган ҳолда лойиҳалаш ишлари ва объектлар қурилиши ўз вақтида очилиши ва жорий молиялаштирилишини таъминлайди;

бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини юритади, тасдиқланган шаклларга мувофиқ фаолият турлари бўйича ҳисоботларни белгиланган тартибда тегишли органларга тақдим этади ҳамда уларни ишончилиги учун жавоб беради;

қурилишда банд бўлган пудрат, лойиҳа-қидирув ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловга тақдим этилган маълумотнома-счёт-фактураларини текширади;

бажарилган ишларга белгиланган тартибда ҳақ тўлайди (бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати тўғрисида имзоланган маълумотнома-счёт-фактуралар асосида), шунингдек қурилиши тугалланган объект бўйича узил-кесил ҳисоб-китоб қилади;

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ва зарур даражада бажарилмаганлиги учун пудрат, лойиҳа-қидирув ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга неустойка (жарима, пеня) тўлаш тўғрисидаги даъволарни ўз вақтида тақдим этади;

объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда ишларни бажариш ва объект қурилишини молиялаштириш жадвалларига мувофиқ пудратчига аванс беради ва уни жорий молиялаштиради;

объект қурилишини кузатиб боради ва техник назорат қилади;

д) қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш соҳасида:

қурилиш нормалари ва қоидаларига, бошқа амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олади, шу жумладан:

қурилиши тугалланган объектлар бўйича давлат қабул қилиш комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этади (пудрат ташкилотлар билан биргаликда);

фойдаланишга қабул қилинган объектларни, ижро ҳужжатларини, ишчи ва давлат комиссиясининг қабул қилиш далолатномаларини барча иловалар билан биргаликда фойдаланувчи органлар балансига беради;

норматив ҳужжатлар талаблари бузилган ва лойиҳа ҳужжатлари ечимидан четга чиққан ҳолда қурилган объектлар фойдаланишга қабул қилиб олинганлиги учун жавоб беради.

IV. Буюртмачи хизматининг ҳуқуқлари

10. Буюртмачи хизмати (Компания) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича мулкчиликнинг барча шаклларидаги юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, ўзи қарори билан ташкил этилган вазирликлар ва идораларнинг манфаатларини ифодалаш;

ўзини ташкил этган органнинг топшириғига кўра янгидан бошланаётган қурилишлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;

ўзига белгиланган тартибда берилган мол-мулкдан фойдаланиш;
пудрат ишлари бозорида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;
объектларни лойihalаштириш ва қуриш бўйича ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) шартномалар тузиш;
қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

ўзига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ ишларни бажариш учун белгиланган тартибда мутахассисларни жалб этиш.

Компания ўз функцияларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

11. Компания ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ жавоб беради;

12. Компания ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради, унга амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин.

13. Компанияни ташкил этган орган мажбуриятларнинг таъминланиши учун унга Компания томонидан қабул қилинадиган шартнома мажбуриятларига тенг бўлган гаровга қўйиладиган мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқларни бериши мумкин.

V. Хўжалик фаолияти асослари

14. Компания юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка эгалик қилади, мустақил баланс юритади.

Лойihalаштириш ва қурилиш ишларини молиялаштириш учун Компания хизмат кўрсатувчи банкда марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуриладиган ҳар бир объект бўйича алоҳида депозит ҳисоб рақамлари очади.

Ўз ходимлари билан ҳисоб-китоб қилиш ва жорий таъминот бошқа харажатларига ҳақ тўлаш учун Компания ҳисоб рақами очади.

15. Компания таъминоти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланган ҳамда белгиланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ унга ажратилган давлат капитал қўйилмалари ҳисобига амалга оширилади.

16. Компанияга бириктирилган мол-мулк давлат мулки ҳисобланади.

17. Компаниянинг тузилмаси ва штатлар жадвали, лавозим маошлари схемаси, меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади ва жойлашган жойидаги молия органида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Компания таъминотига харажатлар объектлар қурилиши қийматига киритилади.

VI. Компанияни бошқариш

18. Компанияни бошқариш Компания унинг қарори билан ташкил этилган тегишли органнинг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор томонидан амалга оширилади.

19. Вазифаларни тақсимлаш ва ходимлар ўртасида ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш тартиби Компания директори томонидан амалга оширилади.

20. Компания директори:

Компания фаолиятига раҳбарлик қилади ва Компанияга юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли ташкилотлар (корхоналар), шу жумладан хорижий ташкилотлар билан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш юзасидан шартномалар тузади;

Компания номидан иш олиб боради ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда уни ифодалайди;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

21. Пул ва мулкӣ тусдаги барча ҳужжатлар Компания директори ёки унинг ўринбосарларидан бири, бош бухгалтер ёки директор ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ишончнома билан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади, муҳр билан тасдиқланади.

VII. Ҳисоб, ҳисобот ва Компания фаолиятини назорат қилиш

22. Компания давлат бюджет ташкилотлари учун белгиланадиган қоидалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритади, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни амалга оширади.

23. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, текшириш ёки тафтиш қилиш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли назорат органлари томонидан амалга оширилади.

VIII. Компанияни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш

24. Компания конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

25. Компания белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган деб ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 3 сентябрдаги 375-сон қарори 4-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбоши.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 13 сентябрдаги 420-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 52-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилаётган объектларни ўз вақтида маблағ билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 27 мартдаги 152-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 19-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига илованинг 25-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

147 Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартиб-ни тасдиқлаш тўғрисида

«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 12 сентябрь,
397-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 сентябрдаги 397-сон қарорига
ИЛОВА

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартиби

I. Умумий қоидалар

1. Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартиби «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тегишли фаолият турига лицензия мавжуд бўлган ва мазкур Тартибда назарда тутилган шартларга риоя қилинган тақдирда:

давлат ветеринария хизмати республика, вилоят, туман (туманлараро), шаҳар бўлинмалари, «Ўззооветтаъминотхизмат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг вилоят бўлимлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, уларнинг муома-

лада бўлишини амалга оширувчи бошқа муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг ветеринария препаратлари омборларида (базаларида) ҳамда ветеринария дорихоналарида;

ветеринария лабораторияларида;

ветеринария илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва синов лабораторияларида;

ветеринария фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва фойдаланишга рухсат берилади.

Ветеринария мақсадларидаги гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан ветеринария даволаш-профилактика муассасаларида (шу жумладан ветеринария участкалари ва пунктларида), чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида фақат тайёр дори шаклида фойдаланишга рухсат берилади.

3. Ветеринария мақсадлари учун фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг II, III ва IV рўйхатига киритилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қўллашга рухсат берилмаган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ветеринария омборларида (базаларида), ветеринария дорихоналарида ва бошқа ветеринария муассасаларида ва ташкилотларида сақлаш тақиқланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 17 июндаги 2-сон қўшма қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 11 июлда 1048-сон билан рўйхатдан ўтказилган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

II. Гиёҳвандлик воситаларини сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш тартиби

Гиёҳвандлик воситаларини ветеринария препаратлари омборларида (базаларида) сақлаш, бериш, ҳисобга олиш

4. Ветеринария препаратлари омборларида (базаларида) гиёҳвандлик воситалари иш куни тамом бўлгандан кейин бекиладиган ва сўргичланадиган, алоҳида жиҳозланган биноларда жойлашган сейфларда ёки металл шкафларда сақланади.

5. Гиёҳвандлик воситалари сақланаётган бинога киришга фақат бевосита у билан ишлайдиган ва омбор (база) раҳбари буйруғи билан расмийлаштирилган шахсларга рухсат берилади.

6. Ўзбекистон Республикасида ветеринарияда қўлланишга рухсат берилмаган гиёҳвандлик воситаларини омборларда (базаларда) сақлаш тақиқланади.

7. Гиёҳвандлик воситалари келтирилган омбор (база) мудирини ёки унга ваколатли бўлган шахс илова қилинган ҳужжатларида кўрсатилган миқдори ва оғирлигига уларнинг миқдори ва оғирлигининг мувофиқлигини шахсан текшириши шарт.

8. Порошок ҳолидаги гиёҳвандлик воситалари омборлардан (базалардан) фақат сўргичланган ҳолда берилади.

9. Гиёҳвандлик воситаларини бериш ветеринария муассасаси раҳбари ёки унинг

ўринбосари томонидан имзоланган, ушбу муассасанинг гербли мухри билан тасдиқланган талабномалар бўйича амалга оширилиши керак.

10. Гиёҳвандлик воситаларига барча талабномалар бошқа ветеринария препаратларига талабномалардан алоҳида ёзилиши керак, бунда уларнинг миқдори сўз билан ёзиб кўрсатилади.

11. Гиёҳвандлик воситалари олинган воситаларнинг номи ва уларнинг сўз билан ёзилган миқдори кўрсатилган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилган алоҳида ишончнома бўйича берилади.

12. Гиёҳвандлик воситаларини беришдан олдин муассаса буйруғи бўйича унинг сақланиши учун жавобгар шахс, бериш учун асосларни, берилаётган гиёҳвандлик воситасининг илова қилинган ҳужжатларга мувофиқлигини, ўрамининг тўғрилигини шахсан текшириши ва омборда (базада) қоладиган товар-транспорт юк ҳужжатининг нусхасига имзо қўйиши шарт.

13. Гиёҳвандлик воситалари омборлардан (базалардан) фақат ветеринария мақсадлари учун юридик шахсларга гиёҳвандлик воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияси мавжуд бўлганда берилади.

14. Гиёҳвандлик воситалари ва махсус рецептура бланкалари омборларда (базаларда) мазкур Тартибга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича рақамланган ва ип ўтказиб тикилган, ветеринария муассасаси раҳбарининг имзоси ва муҳр билан тасдиқланган махсус дафтарларда ҳисобга олинади.

15. Гиёҳвандлик воситаларининг кирими ва чиқими бўйича барча ҳужжатлар омборларда (базада) унинг сақланиши учун масъул бўлган шахсда белгиланган сақланиш муддатларига мувофиқ равишда, ушбу ҳужжатларнинг сақланиши тўлиқ кафолатланган шароитларда сақланади.

Кўрсатилган ҳужжатларнинг сақланиш муддати 5 йил.

Ветеринария дорихоналарида гиёҳвандлик воситаларини сақлаш, бериш, сотиш ва ҳисобга олиш

16. Ветеринария дорихоналарида гиёҳвандлик воситалари сейфларда сақланади. Сейфлар ёпиқ ҳолатда бўлиши керак. Иш куни тамом бўлгандан кейин сейфлар қулфланиши ва сўргичланиши, калитлар, муҳр, пломбир эса — унинг сақланиши учун жавобгар бўлган, буйруқ билан ваколатланган шахсда бўлиши керак.

17. Ўзига хизмат вазифаларига кўра гиёҳвандлик воситалари бўйича бевосита билан рухсати бўладиган шахсларни ишга қабул қилишда ушбу шахсларни «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан таништириш, шунингдек у билан тузиладиган меҳнат шартномасига (контрактга) мазкур Тартибга риоя этмаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар киритилиши зарур.

18. Гиёҳвандлик воситаларини жорий ишлар учун ассистент хонасига бериш фақат ветеринария дорихонаси мудири ёки бунга ваколоти бўлган шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари сақланадиган хонадан амалга оширилиши керак.

19. Ветеринария дорихонасининг ассистент хонасида гиёҳвандлик воситалари тунда қолдирилиши мумкин эмас.

20. Гиёҳвандлик воситалари мазкур Тартибга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва муассаса ёки юқори ташкилот раҳбарининг имзоси ҳамда муҳр билан тасдиқланган махсус дафтарда ашёвий-миқдорий ҳисобда туриши керак.

21. Ҳар ойнинг 1-кунида ветеринария дорихонасида унинг ихтиёрида бўлган

гиёҳвандлик воситалари белгиланган тартибда хатловдан ўтказилади ҳамда баланс тузилади. Балансда тафовут нормадан юқори сарфлаш ёки ўтказилган хатлов натижасида баланс маълумотларининг номувофиқлиги тўғрисида маълумотлар аниқланган тақдирда, дорихона мудирини уч кун мудатда бу тўғрида ички ишлар органларига хабар беради.

Гиёҳвандлик воситалари талон-торож қилинган ва ўғирланган тақдирда мазкур Тартибга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича дорихона мудирини зудлик билан бу тўғрида ички ишлар органларига ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария давлат бош бошқармасига бу тўғрида хабар берадиган, давлат ветеринария хизмати юқори органига хабар қилиши шарт.

22. Дорихона мудирини ёки унинг ўринбосари ветеринария дорихоналаридан жисмоний шахсларга гиёҳвандлик воситаларини бериш ҳуқуқига эга.

23. Таркибига гиёҳвандлик воситалари қирадиган дориларга рецептларни қабул қилишда, дорихона мудирини (ёки унинг ўринбосари) касал ҳайвоннинг тури ва ёшини аниқлаши, дозанинг тўғри белгиланганлигини, дори шаклида ёзилган ингредиентларнинг мослигини текшириши ва гиёҳвандлик воситалари номининг тагига чизиб қўйиши (ажратиши) шарт.

24. Дори таркибига кирувчи гиёҳвандлик воситалари унинг сақланиш жойида тарозида тортилиши керак, сўнгра штанглас сейфга жойланади. Рецептнинг орқа томонига дорихона мудирини (ёки унинг ўринбосари) гиёҳвандлик воситасининг номи ва миқдорини кўрсатган ҳолда, унинг талаб қилинган миқдорини берганлиги, жисмоний шахс эса олганлиги тўғрисида имзо қўяди.

Таркибига гиёҳвандлик воситалари бўлган дориларни тарозида тортиш ва тайёрлаш учун мўлжалланган приборлар, асбоб ва идишлар сейфларда сақланиши керак, уларни ювиш ва ишлов бериш дорихона мудирини ва унинг ўринбосари назоратида алоҳида амалга оширилиши керак. Гиёҳвандлик воситаларидан иборат бўлган дорилар тайёрланадиган идишда тегишли маркировка бўлиши керак.

25. Агар рецептда, бошқа ингредиентлар билан бирга, гиёҳвандлик воситалари ёзилган бўлса, бу ҳолда уларни алоҳида (тайёрланган дори таркибидан алоҳида) бериш тақиқланади.

26. Гиёҳвандлик воситаларини такроран олиш учун ветеринар врач ҳайвон эгасига янги рецепт ёзиб бериши шарт.

27. Шаҳар ёки қишлоқ маъмурий туманлари доирасидаги ветеринария дорихоналари томонидан гиёҳвандлик воситалари улар ҳудудида жойлашган ветеринария даволаш-профилактика муассасаларининг рецептлари бўйича берилади.

28. Таркибига гиёҳвандлик воситалари бўлган дорилар учун фойдаланилган рецептура бланкалари ойлар ва йиллар бўйича ип ўтказиб тикилган, сўргичланган ҳолда 5 йил мобайнида сақланиши керак.

Улар бўйича гиёҳвандлик воситалари берилган рецептлар гиёҳвандлик воситалари сақланадиган хоналарда сақланади. Сақлаш муддати тугаган рецептлар тегишли далолатнома (мазкур Тартибга 7-илова) расмийлаштирилган ҳолда ёқиб йўқ қилинади.

Ветеринария даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида гиёҳвандлик воситаларини сақлаш, ҳисобга олиш, бериш ва қўлланиш

29. Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналари гиёҳвандлик воситаларини фақат қўллашга тайёр ҳолда саноатда, ветеринария ёки тиббий дорихоналарда тайёрланган дори шаклларида олиши керак.

30. Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналари дорихоналарида гиёҳвандлик воситалари сейфларда сақланади.

Ветеринария дорихоналари учун (2-банд) назарда тутилган гиёҳвандлик доривор воситаларни ҳисобга олиш ва бериш тартиби ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналари дорихоналарига ҳам жорий этилади.

31. Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналари томонидан ветеринария ёки тиббий дорихоналардан олинadиган таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган дорилар сигнатурасида ёки ёрлиғида аниқ ва тушунарли ҳолдаги «Ичиш учун», «Суртиш учун», «Инъекциялар учун», «Кўзга томизиладиган малҳам» ва бошқа ёзувлар, шунингдек дори тайёрланган дорихона номери (номи), дорининг талабномада кўрсатилган ёзувларга мос таркиби, дори тайёрланган сана ва дорини тайёрловчи ва уни дорихонадан берган шахснинг имзоси бўлиши керак.

Гиёҳвандлик воситаларининг ўрамларида санаб ўтилган белгилар мавжуд бўлмаганда ветеринария даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида уларни сақлаш ва қўлланишга рухсат берилмайди. Қадоклаш, жойлаш, ўлчаб тайёрлаш, бошқа идишга қуйиш ва жойлаш, шунингдек ёрлиқларини алмаштириб қуйиш қатъиян тақиқланади.

32. Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналари дорихоналарида гиёҳвандлик воситалари захираси уларга бўлган ойлик эҳтиёждан ошмаслиги керак.

Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик фермалари ҳамда хўжаликлари ва корхоналари даволовчи ветеринар врачлари ва фельдшерларидаги гиёҳвандлик воситалари захиралари уларга бўлган уч кунлик жорий эҳтиёждан ошмаслиги керак.

Даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик фермалари ва хўжалиklar ҳамда корхоналар бўлимларининг даволовчи ветеринар врачлари ва фельдшерларига кечки ва тунги вақтларда шошилиш ёрдам кўрсатиш учун гиёҳвандлик воситаларининг беш кунлик захирасини ташкил этишга рухсат берилади.

33. Ветеринария даволаш-профилактика муассасаси мудир, чорвачилик хўжалиги ёки корхонаси бош ветеринар врачлари (ёки уларнинг ўринбосарлари), шунингдек муассаса, хўжалик ёки корхона бўйича буйруқ билан белгиланган шахслар гиёҳвандлик воситаларини сақлаш, ҳисобга олиш, бериш ва касал ҳайвонларга қўллашни ташкил этиш учун масъул ҳисобланадилар.

34. Таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган дориларни касал ҳайвонларга қўллаш ветеринар врач ёки фельдшер томонидан бошқа дорилардан алоҳида амалга оширилиши керак.

35. Даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик фирмалари ва хўжаликлари бўлимлари ҳамда корхоналарининг даволовчи врачлари ва фельдшерларидаги гиёҳвандлик воситалари мазкур Тартибга 8-иловада кўрсатилган шакл бўйича ип билан тикилган, номерланган ва ветеринария даволаш-профилактика муассасаси, хўжалик ёки корхона ветеринария хизмати раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган ҳолда махсус дафтарда ашёвий-миқдор бўйича ҳисобга олинади.

36. Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналари зарур махсус рецептура бланкаларини давлат ветеринария хизмати бошқармасининг туман (шаҳар) органлари орқали оладилар.

37. Гиёҳвандлик воситаларига махсус рецептура бланкалари ветеринария даволаш-профилактика муассасаларига келиб тушганда комиссия томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва мазкур Тартибга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича

Гиёҳвандлик воситаларига махсус рецептура бланкаларини ҳисобга олиш дафтарида кирим қилинади.

Гиёҳвандлик воситаларига махсус рецептура бланкалари саҳифалари номерланиши, ип ўтказиб тикилиши ва ветеринария даволаш-профилактика муассасаси, чорвачилик хўжалиги ёки корхонаси ветеринария хизмати раҳбари имзоси ва муҳр билан тасдиқланиши керак бўлган кўрсатиб ўтилган Дафтарда ҳисобга олинади.

38. Гиёҳвандлик воситалари учун махсус рецептура бланкалари ветеринария даволаш-профилактика муассасаси, чорвачилик хўжалиги ёки корхонаси ветеринария хизмати раҳбарига ёки раҳбарнинг буйруғи билан тайинланган рецептура бланкаларини олиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва бериш учун масъул шахсда сейфда ёки металл шкафда сақланиши керак.

39. Ветеринария даволаш-профилактика муассасаси, чорвачилик хўжалиги ёки корхонаси ветеринария хизмати раҳбарининг кўрсатмаси бўйича гиёҳвандлик препаратлари учун рецептура бланкалари икки ҳафталик эҳтиёж миқдорида, лекин 10 донадан кўп бўлмаган миқдорда (гиёҳвандлик препаратлари учун кўп миқдорда рецептура бланкаларига эҳтиёж туғилганда уларнинг миқдори раҳбарнинг фармойиши бўйича кўпайтирилиши мумкин) рецептлар ёзиш ҳуқуқига эга бўлган даволовчи ветеринар врачга берилади.

40. Ветеринария даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ёки корхоналарида жорий эҳтиёж учун махсус рецептура бланкалари захираси ойлик эҳтиёждан ошмаслиги керак. Уларнинг ортиқчаси давлат ветеринария хизмати бошқармасининг ҳудудий органларига топширилиши керак.

41. Гиёҳвандлик воситалари учун махсус рецептура бланкалари ветеринария муассасаси, хўжалик ва корхонанинг ветеринария хизмати раҳбарига ёки бунга буйруқ билан ваколатланган шахсда калити турадиган металл шкафларда сақланиши керак.

42. Ҳар бир ветеринария даволаш-профилактика муассасасида, чорвачилик хўжалиги ёки корхонасида гиёҳвандлик воситаларини даволовчи врачлар томонидан буюришнинг мақсадга мувофиқлигини, муассаса, хўжалик ёки корхонада гиёҳвандлик воситаларини сақлаш ҳолатини, ҳисобга олинishi ва сарфланишини ҳар ойда камида бир марта текширишни амалга оширадиган, муассаса, хўжалик ёки корхонанинг ветеринария хизмати раҳбари буйруғи билан тайинланадиган доимий ишловчи комиссия тузилади. Текширув натижалари далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Гиёҳвандлик воситалари ва махсус рецептура бланкаларининг дафтарда қайд этилган қолдиғи амалда мавжуд бўлган миқдорига мос бўлмаган тақдирда комиссия бир сутка мобайнида бу тўғрида давлат ветеринария хизмати бошқармаси органини, зарурат бўлганда ички ишлар органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

43. Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, хўжаликлар ҳамда корхоналар ветеринария хизмати раҳбарлари гиёҳвандлик воситаларининг ва гиёҳвандлик воситаларига ёзиб бериш учун махсус рецептура бланкаларининг оқилона қўлланиши, ҳисобга олинishi ва сақланиши учун жавоб берадилар.

44. Давлат ветеринария хизмати ҳудудий органлари ветеринария даволаш-профилактика муассасаларини, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарини текширишда гиёҳвандлик воситалари учун махсус рецептура бланкаларининг сақланишини таъминлашни назорат қиладилар.

Гиёҳвандлик воситалари учун рецепт ёзиш қоидалари

45. Амбулаторияда даволаш зарур бўлган касал ҳайвонлар учун, дори-дармон-

лар шакллари (жумладан, тайёр дори-дармон воситалари) туридан қатъи назар, соф ҳолдаги ёки индифферент тўлдиргичлар билан биргаликдаги гиёҳвандлик воситаларига рецепт фақат ветеринария даволаш-профилактика муассасаси, хўжалик ва корхоналар ветеринария хизматининг штампи ва думалоқ муҳри қўйилган ҳолда, белгиланган намунадаги (мазкур Тартибга 5 ва 6-иловалар) махсус рецептура бланкаларига ёзиб берилиши керак.

46. Гиёҳвандлик воситалари учун махсус бланкага ёзилган рецепт уни имзоланган ветеринар врач томонидан ёзилиши керак. Бундан ташқари, ушбу рецепт шунингдек гиёҳвандлик воситаларини касал ҳайвонларга буюриш учун жавоб берадиган ветеринария даволаш-профилактика муассасаси ёки хўжалик ёхуд корхонанинг ветеринария хизмати раҳбари томонидан ҳам имзоланиши керак.

Ветеринария даволаш-профилактика муассасаси ва хўжалик ёки корхона ветеринария хизматининг даволовчи ветеринария врачлари муассаса, хўжалик ёки корхона ветеринария хизмати раҳбари томонидан олдинги гал ёзиб берилган миқдорга мувофиқ равишда фойдаланилган ампулалар топширилган тақдирда гиёҳвандлик воситаларига рецептни қайта ёзиб бериш ҳуқуқига эга.

47. Тўлдирилмаган махсус рецептура бланкаларини муҳр билан расмийлаштириш тақиқланади.

48. Ветеринария врачлари гиёҳвандлик воситаларининг номини рецептнинг бошига, ундан кейин эса — қолган барча ингредиентларни ёзиши керак.

Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари ва хўжалик ҳамда корхоналарнинг ветеринария хизматлари талабномаларида рецептлар ва гиёҳвандлик воситалари номи фақат лотин тилида, муассаса ёки хўжалик ёхуд корхона ветеринария хизмати раҳбарининг имзоси, штамп ва муҳр қўйилган алоҳида бланкаларга ёзиб берилиши керак. Талабномада дорининг нимага буюрилганлиги албатта (инъекциялар, суриш, ичиш, кўзга томизиш учун ва хоказо) кўрсатилиши керак, дори-дармон воситалари буюрилган ҳайвонларнинг тури ва ёши ҳамда жинси бўйича гуруҳи, уларнинг инвентар рақами, касал ҳайвонлар эгаларининг фамилияси, исми ва отасининг исми (ферма мудирлари, бригадирлар, бош молбоқар ва бошқалар) кўрсатилади.

49. Битта рецептура бланкасига фақат битта гиёҳвандлик воситасини, унга даволовчи врач белгилайдиган етти кунлик эҳтиёждан ошмайдиган миқдорда ёзиб беришга рухсат этилади. Рецептда қабул қилиш частотаси ва унинг давом этиш муддати кўрсатилиши керак.

50. Гиёҳвандлик воситалари учун рецептлар ўн кун мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

51. Гиёҳвандлик воситалари учун рецептлар дорихоналардан гиёҳвандлик воситалари берилган вақтдан ўн кундан кейин, гиёҳвандлик воситаларидан бўшаган фойдаланилган ампулаларни мажбурий равишда кўрсатгандан кейин қайта ёзиб берилиши мумкин.

52. Гиёҳвандлик воситалари учун рецептларни ўрта махсус маълумотли ветеринария мутахассислари ёзиб бериш ҳуқуқига эга эмас.

53. Санаб ўтилган талаблардан ҳатто биттасига жавоб бермайдиган ёки номувофиқ дори-дармонлар ёзилган рецептлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

54. Нотўғри ёзиб берилган рецептлар барча дорихонада қолади, «Рецепт ҳақиқий эмас» штампи билан бекор қилинади, махсус дафтарларда рўйхатдан ўтказилади, улар тўғрисидаги ахборот рецептларни ёзиб бериш қоидасини бузган ходимга нисбатан қаттиқ интизомий чоралар кўриш учун давлат ветеринария хизматининг тегишли ҳудудий органига берилади.

55. Улар бўйича таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган дорилар олинган рецептлар дорихона муассасаларида сейфларда ёки металл шкафларда 5 йил мобайнида сақланади.

Ветеринария илмий-тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртларида ва синов лабораторияларида гиёҳвандлик воситаларини сақлаш, бериш ва ҳисобга олиш

56. Илмий-тадқиқот институтларида, олий ўқув юртларида ва синов лабораторияларида фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари алоҳида жиҳозланган хоналарда сақланади. Бунда гиёҳвандлик воситаларининг ёпик, сўргичланган сейфларда сақланиши таъминланади.

57. Текшириш учун масъул ижрочига берилган гиёҳвандлик воситалари ёки таркибида улар мавжуд бўлган дорилар текширувчида бошқа воситалардан ажратилган ҳолда сақланади.

58. Гиёҳвандлик воситаларини сақлаш учун лаборатория (бўлим) мудирини ёки муассаса бўйича тегишли буйруқ билан бунга ваколатланган шахс жавобгар ҳисобланади.

59. Ҳар бир ветеринария илмий-тадқиқот муассасасида, олий ўқув юрти ва синов лабораториясида, бир ойда камида бир марта муассасаларда гиёҳвандлик воситаларини сақлаш ҳолатини, ҳисобга олиниши ва сарфланишини текширадиган, муассаса раҳбари буйруғи билан тайинладиган доимий ишловчи комиссия тузилади. Текширишлар натижалари далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Гиёҳвандлик воситаларининг дафтарда қайд этилган қолдиғи амалда мавжуд бўлган миқдорига мос бўлмаган тақдирда комиссия бир сутка мобайнида бу тўғрида давлат ветеринария хизмати бошқармаси органини, зарурат бўлганда ички ишлар органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

60. Гиёҳвандлик воситалари текшириш учун ветеринария фармацевтика ташкилотлари (ветеринария препаратлари омбори (базаси)дан, дорихонадан) ва корхоналаридан тўлиқ уч марта текширув ўтказиш учун зарур бўлган миқдорда келиб тушиши керак. Гиёҳвандлик воситаларини текшириш тугагандан кейин уларнинг қолдиғи 3 ой мобайнида сақланади, сўнгра улар далолатнома бўйича фармацевтика ташкилотлари ва корхоналарига қайтарилади.

61. Жорий ишлар учун гиёҳвандлик воситаларини бериш фақат масъул ижрочи буюртманомасига биноан лаборатория (бўлим) мудирини ёки кафедра мудирининг ёзма рухсати бўйича амалга оширилади.

62. Гиёҳвандлик воситалари ветеринария илмий-тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртларида ва синов лабораторияларида мазкур Тартибга 10 ва 11-иловага мувофиқ шакл бўйича, алоҳида, номерланган ва ип ўтказиб тикилган дафтарда ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ашёвий-миқдор бўйича ҳисобга олиниши керак.

Ветеринария фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида гиёҳвандлик воситаларини сақлаш, бериш, ҳисобга олиш ва сотиш

63. Ветеринария фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида гиёҳвандлик воситалари алоҳида жиҳозланган, иш куни тугагандан кейин ёпиладиган хоналарда жойлашган, муҳрланадиган ёки сўргичланадиган сейфларда ёки металл шкафларда сақланади.

64. Гиёҳвандлик воситаларини сақлаш учун корхона раҳбари ёки корхона бўйича буйруқ билан ваколатланган шахс жавобгар ҳисобланади.

65. Гиёҳвандлик воситалари келиб тушганда корхона раҳбари (ёки бунга ваколатли шахс) олинган воситалар миқдорининг илова қилинган ҳужжатларга мувофиқлигини шахсан текшириши шарт.

66. Ишлаб чиқариш бўлимига (цехга) гиёҳвандлик воситалари корхона раҳбари ёки унинг ўринбосари рухсати билан, бир туркумдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган миқдорда, юк хати бўйича берилади.

67. Гиёҳвандлик воситалари, дори-дармон воситалари туридан қатъи назар, омборларда ва бўлимларда (цехларда) номерланган ва ип ўтказиб тикилган, юқори ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳр билан тасдиқланган дафтарда ҳисобга олинади. Омбордаги ҳисобга олиш дафтари ветеринария препаратлари омборлари (базалари) учун тасдиқланган шакл бўйича, бўлимларда (цехларда) эса — ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларни ҳисобга олишнинг белгиланган шакллари бўйича юритилади.

68. Таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган нотугал ишлаб чиқарилган дори-дармонлар (эритмалар, таблекалар учун аралашмалар ва бошқалар)ни сақлаш учун бўлим (цех) мудирини жавоб беради.

Тайёрланган ва ички идоравий назорат хизмати томонидан сотишга рухсат берилган таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган маҳсулотлар шу куннинг ўзида корхонанинг тайёр маҳсулотлар омборига берилиши керак.

III. Психотроп моддаларни сақлаш, бериш, сотиш ва ҳисобга олиш тартиби

Ветеринария препаратлари омборларида (базаларида), ветеринария дорихоналарида, ветеринария даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида, ветеринария илмий-тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртларида ва синов лабораторияларида психотроп моддаларни сақлаш, ҳисобга олиш ва бериш

69. Ўзбекистон Республикасида назорат қилинадиган психотроп моддалар ветеринария препаратлари омборларида (базаларида) сейфларда ёки металл шкафларда сақланади. Ишлар тугагандан кейин шкафлар ва кириш эшиги қулфланади, муҳрланади ёки сўрғичланади.

70. Ветеринария дорихоналарида, ветеринария даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида, ветеринария илмий-тадқиқот муассасаларида ва синов лабораторияларида психотроп моддалар қулфланган металл шкафларда сақланади.

Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик фермалари ҳамда хўжаликлар ва корхоналар бўлимларининг даволовчи ветеринария врачлари ва фельдшерларида психотроп моддалар қулфланадиган шкафда сақланиши мумкин.

Психотроп моддалар сақланадиган шкафлар иш қуни тугагандан кейин қулфланиши, муҳрланиши ёки сўрғичланиши керак.

71. Психотроп моддалар учун рецептлар ветеринария даволаш-профилактика муассасаси, хўжалик ёки корхона ветеринария хизмати штампи ва муҳри, уни ёзиб берган врачнинг имзоси мавжуд бўлган, рецептлар лицензияга эга бўлган хусусий равишда ишлайдиган ветеринария врачлари томонидан ёзиб берилганда эса — унинг шахсий муҳри, манзили ва телефон рақами мавжуд бўлган рецептура бланкаларига

ёзилади. Битта рецептура бланкасига Ўзбекистон Республикасида назоратда бўлган фақат битта психотроп модда унга бўлган ойлик эҳтиёждан ошмайдиган миқдорда ёзиб берилишига рухсат этилади.

72. Таркибида психотроп моддалар бўлган дори-дармон воситалари учун рецептлар ёзиб беришда, ветеринария врачлари психотроп моддаларнинг номини рецептнинг бошига, ундан кейин эса қолган бошқа ингредиентларни ёзиши керак.

73. Ветеринария даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик фермалари, хўжаликлар ва корхоналар бўлимларининг даволовчи ветеринария врачларидаги психотроп моддалар захираси уларга бўлган икки ҳафталик эҳтиёждан ошмаслиги керак.

74. Ветеринария даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида Ўзбекистон Республикасида назоратда бўлган психотроп моддаларни сақлаш ва даволовчи ветеринария врачларига ва фельдшерларга бериш учун муассаса, хўжалик ёки корхона ветеринария хизмати раҳбари, ветеринария препаратлари омборларида (базаларида), ветеринария дорихоналарида — моддий жавобгар шахс масъул ҳисобланади. Ветеринария илмий-тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртлирида ва синов лабораторияларида психотроп моддаларни сақлаш, ҳисобга олиш учун уларнинг раҳбари буйруғи билан тайинланган шахслар масъул ҳисобланади.

75. Психотроп моддалар дорихоналардан қатъий равишда ветеринария врачлари рецепти бўйича берилади. Психотроп моддалар учун рецептлар бир ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

76. Ўзбекистон Республикасида назоратда бўлган психотроп моддалар учун рецептлар дорихоналарда қолади ва бир йил мобайнида сақланади. Сақлаш муддати тугагандан кейин рецептлар далолатнома тузган ҳолда йўқ қилинади.

77. Дорихонада таркибида психотроп моддалар бўлган дорилар учун рецептларни қабул қилишда касал ҳайвоннинг тури ва ёшини ҳамда дозалашнинг тўғрилигини аниқлаш зарур.

78. Ўзбекистон Республикасида назоратда бўлган психотроп моддалар номерланган, ип ўтказиб тикилган, раҳбарнинг имзоси ва муассаса ёки юқори ташкилот муҳри билан тасдиқланган (мазкур Тартибга 12-илова) махсус дафтарда ашёвий-миқдор бўйича ҳисобда туриши керак. Ҳар ойнинг 1-кунида уларнинг ихтиёридаги мавжуд психотроп моддалар белгиланган тартибда хатловдан ўтказилади ва баланс тузилади. Балансдаги маълумотларда нормадан ортиқча сарфлашлар ёки ўтказилган хатлов натижаси билан баланс маълумотларида номувофиқлик аниқланган тақдирда, дорихона мудирини уч кун мудатда бу тўғрида юқори ташкилотга ва ички ишлар органларига хабар беради.

Ўзбекистон Республикасида назоратда бўлган психотроп моддаларни ветеринария фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сақлаш, ҳисобга олиш, бериш ва сотиш

79. Ўзбекистон Республикасида назоратда бўлган психотроп моддаларни ва уларни ишлаб чиқаришдаги ярим тайёр маҳсулотлар ветеринария фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида иш тамом бўлгандан кейин моддий жавобгар шахс томонидан қулфланадиган, муҳрланадиган ёки сўргичланадиган, алоҳида жихозланган хоналарда жойлашган сейфларда ёки металл шкафларда сақланади.

80. Кўрсатиб ўтилган корхоналарда психотроп моддалар ашёвий-миқдор бўйича ҳисобда туриши керак. Ўзбекистон Республикасида назоратда бўлган психотроп

моддалар ҳисоби номерланган, корхона раҳбарининг ёки корхона бўйича буйруқ билан ваколатланган лавозимли шахснинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланган алоҳида дафтарларда юритилади. Омборларда ҳисобга олиш дафтари мазкур Тартибга 13-иловага мувофиқ шакл бўйича, бўлимларда (цехларда) эса — ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларни ҳисобга олишнинг белгиланган шакли бўйича юритилади.

81. Ўзбекистон Республикасида назоратда бўлган психотроп моддалар тайёр дори-дармонлар тайёрлаш учун омборлардан корхона раҳбарининг рухсати билан, цех бошлигининг юк хати бўйича берилади.

IV. Прекурсорларни сақлаш, бериш, ҳисобга олиш ва сотиш тартиби

Ветеринария препаратлари омборларида (базаларида), ветеринария дорихоналарида, лабораторияларда, илмий-тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртларида, даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида прекурсорларни сақлаш, бериш, ҳисобга олиш ва сотиш

82. Ветеринария препаратлари омборларида (базаларида), ветеринария дорихоналарида, лабораторияларда, илмий-тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртларида, даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида қўлланиладиган прекурсорлар уларнинг сақланишини таъминлайдиган хоналарда сақланиши керак. Бир қатор агрессив ва тез ўт оладиган прекурсорларни (сирка кислотаси ангидриди, ацетон, этил эфири, хлорид кислота, фенилсирка кислотаси, сульфат кислота, толуолни) сақлашда уларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳам ҳисобга олиниши керак.

83. Тайёр доривор воситалар ҳисобланадиган прекурсорлар металл шкафларда сақланиши керак.

84. Лабораторияларда, илмий-тадқиқот муассасаларида прекурсорларни сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан оқилона фойдаланиш учун — лаборатория (бўлим) раҳбари, олий ўқув юртларида — кафедра мудири, дорихонада — дорихона мудири, даволаш-профилактика муассасаларида, чорвачилик хўжаликлари ва корхоналарида — муассасанинг ёки хўжалик ёхуд корхона ветеринария хизмати раҳбари масъул ҳисобланади. Омборларда (базаларда) сақлаш учун масъул шахс (омбор мудири) масъул ҳисобланади.

85. Тез ўт оладиган прекурсорлар зич ёпилган, пишиқ шиша ёки металл идишларда сақланади.

86. Прекурсорлар жойланган бутилкалар, баллонлар ва бошқа йирик идишлар баландлиги бўйича бир қаторда стеллаж полкаларида сақланиши керак. Уларни баландлиги бўйича бир неча қаторда сақлаш тақиқланади. Ушбу моддаларни иситиш приборлари ёнида жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Стеллаж ёки штабелдан иситувчи элементгача бўлган масофа камида 1 метр бўлиши керак.

87. Тез ўт оладиган суюқликлар лабораторияларда ички томони асбест ёки шишатола билан қопланган металл яшикларда сақланади. Уларнинг ички томонида сақланаётган моддаларнинг лаборатория (бўлим) раҳбари имзолаган рўйхати ёпиштирилган бўлиши керак. Идишларнинг кўпи билан учдан икки қисми суюқлик билан тўлдирилган бўлиши керак. Яшик қопқоғининг ташқи томонида «Тез ўт оладиган суюқлик» ёзуви бўлиши, яшик қўлфланиши керак.

88. Тез ўт оладиган прекурсорларни минерал кислоталар (айниқса олтингугурт ва азот кислоталари), қисилган ва суюлтирилган газлар, ёнувчи моддалар (ўсимлик

ёғи, олтингугурт, боғлаш материаллари), шунингдек органик моддалар билан биргаликда портловчи аралашмалар (калий хлорат, калий перманганат, калий хромат ва бошқалар) ҳосил қилувчи ноорганик тузлар билан бирга сақлашга йўл қўйилмайди.

89. Прекурсорлар билан ишлашда (қадоқлаш, ташиш, юклаш ва бошқалар) эҳтиёт бўлиш, шунингдек идишнинг ҳолатини, унинг зичлиги ва созлигини доимо кузатиб бориш зарур. Идишда нуқсон ва носозликлар мавжуд бўлганда дарҳол уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши ёки ундаги моддалар бошқа нуқсонсиз идишга қайта жойланиши керак.

90. Бочкалар қопқокларининг фақат урилганда учкун чиқармайдиган юмшоқ металлдан тайёрланган асбоблар билан очилиши ва ёпилишига йўл қўйилади. Бочкаларни юмалатишда ва уларни омборга жойлашда бочкага урилиш ва учкун ҳосил бўлишига йўл қўймаслик учун эҳтиёт бўлиш зарур. Полга тўкилган суюқлик дарҳол йўқотилиши керак.

91. Айрим тез ўт оладиган прекурсорлар (этил эфири ва бошқалар) сақлаш чоғида статик электр ҳосил қилиш хусусиятига эгадир, унинг учкун суюқликни ёндириши мумкин. Шу сабабли омборда бундай суюқликларни қадоқлаш ёнғиндан сақлаш воситалари билан жихозланган алоҳида хоналарда амалга оширилиши лозим. Уларни қуйиш ва металл идишларга жойлашда идишлар ерга тегиб туриши керак.

92. Прекурсорлар жойланган идишлар (штангласлар, тунука барабанлар, шиша идишлар ва бошқалар) ушбу моддалар буғларининг ҳавога тарқалишига йўл қўймаслик учун зич ёпилиши зарур.

93. Этил эфири фабрика идишида, қоронғи, салқин жойда (оловдан ва иситиш приборларидан узоқда) сақланади.

94. Этил эфири билан ишлашда силкинишга, урилишга, ишқаланишга ва шу кабиларга йўл қўйилмайди.

95. Калий перманганатни омборларда махсус бўлмада тунука барабанларда, дорихоналарда эса — тикинли штангласларда, юқорида қайд этилган воситалардан алоҳида сақлаш лозим. Унинг тез ўт оладиган ва ёнилғи моддалари билан бирга сақланишига йўл қўйилмайди. Калий перманганат жойланган тунука барабанлар ва штангласлар ишқаланишга йўл қўймаган ҳолда, чангдан эҳтиёткорлик билан ўз вақтида тозаланади.

96. Олтингугурт кислотасини сақлашда унинг ёғоч қириндиси, похол ва бошқа органик моддаларга тегиб туришига йўл қўймаслик чораларини кўриш керак.

97. Лаборатория хоналарининг ёнғинга хавфсизлигини баҳолаш уларда сақланадиган ва фойдаланиладиган кимёвий моддаларнинг портлаш ва ёнувчанлик хоссаларига асосланади. Лабораторияларда ёнувчан инвентарлар (шкафлар, столлар ва шу кабилар)нинг мавжуд бўлиши уларда алоҳида хавф туғдиради. Бундай хоналар ёнғинга хавфли ҳисобланади, улар ўт ўчиргичлар билан таъминланган бўлиши керак. Ўт ўчиргич лабораториянинг ҳар бир хонасида бўлиши керак. Бундан ташқари, ҳар қайси лабораторияда прекурсорларни сўндиришда фойдаланиладиган курук қум тўлдирилган яшик бўлиши керак.

98. Дорихоналарда табиий перманганатни 5 граммгача ва сульфат кислотанинг 1-6 фоизли эритмасини 250 миллиграммгача миқдорда рецептсиз беришга рухсат этилади.

99. Ветеринария мақсадларида қўлланиладиган бошқа прекурсорлар фақат ветеринария врачлари рецептлари бўйича берилиши ҳамда махсус дафтарда ашёвий-миқдор бўйича ҳисобга олиниши, номерланган, ип ўтказиб тикилган, муҳрланган ва ташкилот раҳбари имзоси қўйилган бўлиши керак (ушбу Тартибга 14-илова).

100. Илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар, олий-ўқув юртлари, до-рихоналар ва бошқа ташкилотлар омборларида илмий текшириш ва диагностика мақсадларида қўлланиладиган прекурсорлар номерланган, ип ўтказиб тикилган, муҳрланган ва ташкилот раҳбари имзоси қўйилган махсус дафтарда ҳисобга олини-ши керак (ушбу Тартибга 15-илова).

101. Ҳар қайси ойнинг 1-қунида прекурсорлар белгиланган тартибда хатлов-дан ўтказилади ва баланс тузилади. Балансдаги маълумотларда нормадан ортикча сарфланганлик ёки баланс маълумотларининг ўтказилган хатлов натижаларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда муассаса раҳбари улар қайд этилгандан кей-ин уч кун муддатда бу ҳақда ўзининг юқори ташкилотига ва ички ишлар органла-рига хабар қилади.

Ветеринария фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида прекурсорларни сақлаш, ҳисобга олиш ва бериш

102. Ветеринария фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида прекурсорлар-ни ишлаб чиқариш, сақлаш, фойдаланиш, бериш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш амалдаги технологик регламентга, прекурсорнинг мазкур тури бўйича стан-дартга (ГОСТ, РСТ, ОСТ, ТУ ва СТПга) ҳамда бошқа норматив-техник ҳужжатлар-га мувофиқ кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларга, моддаларнинг хавфлилик дара-жасига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

103. Прекурсорлар сақланадиган идишлар пломбаланган бўлиши керак.

104. Прекурсорлар ҳисобланадиган кимёвий моддалар ишлаб чиқариладиган ва сақланадиган ишлаб чиқариш хоналари корхона майдончаларида жойлашган бўли-ши ҳамда бошқа ишлаб чиқаришлардан норматив ҳужжатларда назарда тутилган масофада ажратилган бўлиши керак.

105. Бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатувчи прекурсорларнинг битта омборда бирга сақланишига йўл қўйилмайди. Мазкур прекурсорларни фақат битта омборнинг алоҳи-да бўлинмаларида (секцияларида) сақлашга рухсат этилади.

106. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган прекурсорлар омборларда ёки улар-нинг сақланишини таъминлайдиган махсус ажратилган хоналарда сақланади. Агар ушбу объектларда ишлар узлуксиз хусусиятга эга бўлса ёки уларнинг фаолияти ноаниқ вақтга тўхтатиб қўйилса корхона раҳбарлари уларни қўриқлаш чораларини кўриши, омборлар эса моддий жавобгар шахс томонидан муҳрлаб қўйилиши керак.

107. Прекурсорларни сақлашда уларнинг портлашга сабаб бўлиши мумкин бўлган чанглар билан ифлосланишига қарши чоралар кўрилиши лозим.

108. Корхона раҳбари прекурсорларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва улардан фойдаланишининг тўғри ташкил этилиши учун масъул ҳисобланади.

109. Корхоналарнинг прекурсорлар сақланадиган омборларида прекурсорнинг ҳар бир тури учун ҳисобга олиш карточкаси юритилиши керак, унда мажбурий тартибда модданинг миқдори, келтирилган санаси, етказиб берувчининг номи, ким-га, қачон ва қанча миқдорда берилгани тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

110. Омборда барча материаллар, хом ашё, маҳсулотлар рўйхати бўлиши ке-рак. Ашёларни сақловчи идишларнинг ташқи ҳолатини ва упаковкисини (бутунли-гини, зичлигини, маркаланганлигини) мунтазам равишда назорат қилиб бориши керак.

111. Ҳар қайси омборда кўринарли жойда ГОСТ 12.4.026 «Сигнал ранглари ва хавфсизлик белгилари»га мувофиқ хавфсизлик белгилари, омборда сақланадиган материалларни жойлашда хавфсизлик техникаси бўйича йўриқнома, ушбу материал-ларни жойлаш ва сақлаш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар чоғида биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича йўриқнома осиб қўйилган бўлиши керак.

112. Хом ашё ва маҳсулотларни сақлаш учун майдончалар ёғин-сочинлардан ва қуёш нурларининг бевосита таъсиридан ҳимояланган бўлиши, юриладиган қисми сатҳидан камида 15 см баландликда бўлиши ҳамда суюқликлар, ёғин-сочинлар ва оқова сувларнинг эркин оқиб келишини чеклайдиган қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

113. Кислоталар сақланадиган омбор бошқа материаллар омборларидан алоҳида жойлашган бўлиши керак. Кислоталарнинг ертўлаларда сақланишига йўл қўйилмайди. Кислотлар омборларини шамоллатиш учун табиий вентиляциядан фойдаланилади.

114. Барча омбор майдончаларига эркин кириб бориш таъминланган бўлиши керак.

115. Хом ашё ва тайёр маҳсулотни махсус майдончаларда идишларда сақлаш ҳар қайсида кўпи билан 100 та идиш бўлган гуруҳлар ҳолида амалга оширилади, гуруҳлар ўртасидаги оралик 1 метрдан кам бўлмаслиги керак. Ҳар қайси гуруҳда муайян турдаги маҳсулот сақланиши лозим.

116. Сақлаш жараёнида прекурсорларнинг ҳолати устидан доимий назорат ўрнатилиши керак.

117. Саноат корхоналари цехларида прекурсорларни ҳисобга олиш белгиланган тартибда иш дафтарларида — ҳар сменада, цехнинг техник ҳисоботларида — ҳар ойда, йил натижаси бўйича — ҳар чоракда юритилади. Техник ҳисоботларда тасдиқланган нормалар бўйича сарфланиш ва ҳисобот давридаги прекурсор сарфи акс эттирилади.

V. Махсус дафтарларни юритиш ва сақлаш тартиби

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ операцияларни рўйхатдан ўтказиш махсус дафтарларини юритиш ва сақлаш

118. Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритишади.

119. Юридик шахслар рўйхатдан ўтказиш дафтаридagi ёзувлар асосида белгиланган тартибда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ ўз фаолияти тўғрисида маълумотлар тақдим этишади.

120. Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сон қарори билан тасдиқланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишдаги ҳар қандай операциялар рўйхатдан ўтказиш дафтаридa қайд этилиши керак.

121. Рўйхатдан ўтказиш дафтарининг шакли юридик шахс раҳбари томонидан тасдиқланади. Рўйхатдан ўтказиш дафтаридa юридик шахс фаолияти хусусиятларини ҳисобга олувчи ва ушбу Тартибда назарда тутилган барча зарур маълумотларни акс эттирувчи устунлар бўлади.

122. Юридик шахс раҳбари рўйхатдан ўтказиш дафтарини, шу жумладан таркибий бўлинмаларда ва филиалларда сақланиши учун масъул бўлган, зиммасига рўйхатдан ўтказиш дафтарининг юритилиши ва сақланишини назорат қилиш юкланадиган шахсларни тайинлайди.

123. Рўйхатдан ўтказиш дафтари ип ўтказиб боғланган, раҳбарнинг имзоси ва юридик шахснинг муҳри қўйилган, унинг саҳифалари номерланган бўлиши керак.

124. Рўйхатдан ўтказиш дафтаридаги ёзувлар унинг юритилиши ва сақланиши учун масъул бўлган шахс томонидан, бевосита ҳар қайси операциядан кейин хронологик тартибда, мазкур операциянинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади (рўйхатдан ўтказиш дафтарининг алоҳида устунда ушбу ҳужжатларнинг номи, тартиб рақами ва санаси кўрсатилади).

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари алоҳида папкага тикилади, у рўйхатдан ўтказиш дафтари билан бирга сақланади.

125. Рўйхатдан ўтказиш дафтарида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг рўйхатларига мувофиқ равишда белгиланган тартибда кўрсатилади, қавсларда эса — улар юридик шахс томонидан олинган фирманинг номи қайд этилади.

126. Рўйхатдан ўтказиш дафтаридаги ёзувларнинг тартиб рақами календарь йил доирасида ортиб боровчи тартиб рақамлари бўйича амалга оширилади.

Янги рўйхатдан ўтказиш дафтаридаги ёзувларнинг тартиб рақами тўлган дафтардаги охириги тартиб рақамидан кейинги рақамдан бошланади.

Рўйхатдан ўтказиш дафтарининг жорий календарь йилда фойдаланилмаган саҳифаларидан навбатдаги календарь йилда фойдаланилади. Бунда ёзувларнинг тартиб рақами 1 рақамидан бошланади.

127. Рўйхатдан ўтказиш дафтаридаги ҳар бир ёзув унинг юритилиши ва сақланиши учун масъул бўлган шахснинг имзоси билан, унинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда тасдиқланади.

128. Рўйхатдан ўтказиш дафтаридаги тузатишлар унинг юритилиши ва сақланиши учун масъул бўлган шахс имзоси билан тасдиқланади.

Рўйхатдан ўтказиш дафтарида ўчириб ёзишларга ва тасдиқланмаган тузатишларга йўл қўйилмайди.

129. Рўйхатдан ўтказиш дафтари шкафда сақланади, унинг калити дафтарнинг юритилиши ва сақланиши учун масъул бўлган шахсда туради.

Тўлган рўйхатдан ўтказиш дафтари белгиланган тартибда сақланади.

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
1-ИЛОВА

147-модда

**Ветеринария препаратлари омборлари (базалари)даги гиёҳвандлик
воситаларини ҳисобга олиш дафтари**

(ташкилотнинг номи)

Воситанинг номи _____

Ўлчов бирлиги _____

Ой	Ой бошига қолдиқ	КИРИМ			Бутун ой бўйича қолдиқ билан бирга кириш	ЧИҚИМ			Бир ойдаги жами чиқим	қолдиқ	Моддий жавобгар шахснинг имзоси
		Кимдан олинган	Ҳужжатнинг рақами ва сана	Миқдори		Кимга берилди	Ҳужжатнинг рақами ва сана	Миқдори			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
2-ИЛОВА

**Ветеринария препаратлари омборлари (базалари)даги гиёҳвандлик
воситаларига махсус доринома бланкаларини ҳисобга олиш журнали**

(ташкilotнинг номи)

Т/р	КИРИМ					ЧИКИМ					қолдиқ
	Туш- ган санаси	Қаердан олинган, ҳужжатнинг рақами	Бланка- ларнинг умумий сони	Серия рақа- ми	Миқ- дори	Берил- ган санаси	Серия рақами	Миқдори	Кимга берилган, Ф.И.О.	Олган шахснинг имзоси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
3-ИЛОВА

147-модда

Ветеринария дорихоналарида гиёҳвандлик воситаларини ҳисобга олиш дафтари

Доривор воситанинг номи _____

Моддий жавобгар шахс _____

(Ф.И.О.)

Ой	1- кунга қолдиқ	КИРИМ			Чқиқм турлари	ЧИҚИМ										ва хо- казо	Ҳар бир тур бўйича алоҳида бир ойдаги чиқим	Чқиқм турлари бўйича бир ойдаги жами чиқим	Дафтарда қайд этилган қолдиқ
		Ҳужжат- нинг рақами ва санаси	Миқ- дори	Бугун ой бўйича қолдиқ билан бирга кириш		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10				
Январь					Амбулатория дориномалари бўйича даволаш- профилактика муассасаларига хўжаликлар ва корхоналарнинг ветеринария хизматларига, дорихоналарнинг бўлимларига														

(Моддий жавобгар шахснинг имзоси)

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги давлат ветеринария бош бошқармасига тақдим этиладиган ветеринария препаратлари омборлари (базалари)дан, ветеринария дорихоналаридан, даволаш-профилактика ветеринария муассасаларидан, хўжаликлар ва корхоналардан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг талон-торож қилиниши ва ўғирланиши тўғрисидаги навбатдан ташқари маълумот

№	Нима ҳақида маълумот берилмоқда	Маълумотнинг мазмуни	Маълумотни ким тақдим этмоқда	Тақдим этиш тартиби
	Ветеринария препаратлари омборлари (базалари)дан, ветеринария дорихоналаридан, даволаш-профилактика ветеринария муассасаларидан, хўжаликлар ва корхоналардан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг талон-торож қилиниши ва ўғирланиши тўғрисида билдириш	Муассасанинг номи ва унинг манзили. Гиёҳвандлик моддалари сақланишини таъминлайдиган махсус воситалар мавжудлиги (қўриқлаш сигнализацияси, идорадан ташқари қўриқлаш, соқчи орқали қўриқлаш, қўриқлаш йўқ). Бинонинг тавсифи (намунавий лойиҳа бўйича қурилган, мослаштирилган бино, гишт бино, ёғоч бино). Гиёҳвандлик воситаларини сақлаш усуллари (махсус жиҳозланган жойда, сейфда, металл жавонда ва бошқаларда) бинонинг деразаларида панжара бор-йўқлиги (ҳа, йўқ). Ўғирлик содир этилган сана, жиноятчиларнинг бинога кириш усуллари, ўғирланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг номи ҳамда уларнинг сони, ўғирлик тўғрисида ички ишлар органларига хабар берилган сана	Давлат ветеринария хизмати ҳудудий органи раҳбари	Билдиришнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ички ишлар бошқармасининг ҳудудий органларига хабар бериш нусхаси илова қилинган ҳолда юборилади.

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
5-ИЛОВА

Бланканинг олд томони

**Ветеринария мақсадлари учун доривор гиёҳвандлик воситаларига
махсус доринома бланкаси шакли**

Таркибида гиёҳванд модда мавжуд бўлган ветеринария препаратини олиш
хукукини берувчи доринома

ZZ № XXXXXX

(ветеринария даволаш муассасаси штампи)

200___ й. «___» _____

АЛОҲИДА ҲИСОБДА ТУРАДИГАН ХУЖЖАТ	Рр.	ДОРИХОНАДА ҚОЛАДИ	
	Қўлланилиши		_____
	Хайвоннинг эгаси		_____
	Хайвоннинг тури ва жинс-ёш гуруҳи, тартиб рақами		_____
	Ветеринар врач		_____
			<i>(Имзо ва фамилия тушунарли ёзилсин)</i>
М.Ў.	_____		
	Сиёҳ билан тўлдирилади		
	Тузатишларга йўл қўйилмайди		
<i>Изоҳ.</i> Бланка пушти ранг сув қоғозда тайёрланади.			

Ветеринарияда гиёхвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
6-ИЛОВА

Бланканинг орқа томони

_____ -сон ветеринария дорихонаси

(Дорихонанинг номи)

Сана	Модданинг номи	Миқдори	Тарозида торгдим ва бердим (фамилия ва имзо)	Олдим ва тайёрладим (фамилия ва имзо)

Ветеринарияда гиёхвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
7-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
Раҳбар
Имзо
Мухр
200__ й. «___» _____

**Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларга дориномаларни
йўқ қилиш далолатномаси**

Қуйидаги таркибдаги комиссия (камида 3 киши)
Ф.И.О., лавозими

Йил, кун, ой
Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларга дориномаларни йўқ қилдим:

Серия рақами	Миқдори (ёзув билан)

Дориномалар ёқиш йўли билан йўқ қилинди.
Комиссия аъзоларининг имзолари:

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
8-ИЛОВА

147-модда

**Даволаш-профилактика муассасалари, чорвачилик фермалари ҳамда хўжаликлар ва
корхоналар бўлимларининг даволовчи ветеринария врачлари ва фельдшерларидаги
гиёҳвандлик воситаларини ҳисобга олиш дафтари**

Воситаларнинг номи _____
Ўлчов бирлиги _____

КИРИМ				ЧИҚИМ			қолдиқ	Имзо
Олинган санаси	Қаердан олинган ва хужжатнинг рақами	Миқдори	Ф.И.О., имзо	Берилган санаси	Қасал ҳайвон эгасининг Ф.И.О., жинс-ёш гуруҳи, инвентарь рақами, № 2-вет шаклидаги журналда рўйхатдан ўтказиш рақами	Миқдори		
1	2	3	4	5	6	7	8	9

— 84 —

17-18 (77-78)-сон

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
9-ИЛОВА

Гиёҳвандлик воситаларига махсус доринома бланкаларини ҳисобга олиш журнали

Т/р	КИРИМ					ЧИҚИМ					Қолдиқ
	Ҳужжат тушган сана	Қаердан олинган ва ҳужжатнинг рақами	Бланкаларнинг умумий сони	Серия рақами	Миқдори	Берилган вақти	Серия рақами	Миқдори	Кимга берилди (ветеринар врачнинг фамилияси)	Олувчи шахснинг имзоси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
10-ИЛОВА

Текшириш учун қабул қилинаётган гиёҳвандлик воситаларини ҳисобга олиш дафтари

Номи _____
Ўлчов бирлиги _____

КИРИМ				БЕРИЛДИ	ЧИКИМ					
Тушган санаси	Хужжатнинг рақами, кимдан олинган	Серия/ёки намуна рақами	Миқдори	Миқдори ва текшириш учун берилган сана ва текширувчининг имзоси	Текшириш учун сарфланган восита миқдори	Текширилган сана ва текширувчининг имзоси	Текшириш натижаси	Текширишдан қолган қолдиқ	Текширишдан қолган қолдиқни омборга бериш ёки йўқ қилиш тўғрисидаги қайд	Лаборатория мудири имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
11-ИЛОВА

**Ветеринария илмий-текшириш муассасалари, олий ўқув юртлари ва синов
лабораторияларида гиёҳвандлик воситаларини ҳисобга олиш дафтари**

Номи _____
Ўлчов бирлиги _____

КИРИМ				ЧИҚИМ					
Олинган санаси	Қаердан олинган ва ҳужжатнинг рақами	Миқдори	Моддий жавобгар шахснинг Ф.И.О ва имзоси	Берилган сана	Кимга берилган, нимага сарфланган	Миқдори	Имзо		Қолдиқ
							Бердим	Олдим	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Ветеринарияда гиёхвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
12-ИЛОВА

147-модда

Ветеринария дорихоналарида психотроп моддаларни ҳисобга олиш дафтари

Доривор воситанинг номи _____

Моддий жавобгар шахс _____

(Ф.И.О.)

Ой	1- кунга қолдиқ	КИРИМ			Қиқим турлари	ЧИҚИМ										ва хо- казо	Ҳар бир тур бўйича алоҳида бир ойдаги чиқим	Қиқим турлари бўйича бир ойдаги жами чиқим	Дафтарда- ги қолдиқ
		Ҳужжат- нинг рақами ва санаси	Миқ- дори	Қолдиқ билан бирга бир ойдаги жами кириш		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10				
Январь					Амбулатория дорихоналари бўйича даволаш- профилактика муассасаларига хўжаликлар ва корхоналарнинг ветеринария хизматларига, дорихоналарнинг бўлимларига														

(Моддий жавобгар шахснинг имзоси)

— 88 —

17-18 (77-78)-сон

Ветеринарияда гиёхвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
13-ИЛОВА

**Ветеринария препаратлари ва фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарининг
омборлари (базалари)даги психотроп моддаларни ҳисобга олиш дафтари**

_____ (ташкilotнинг номи)

Модданинг номи _____

Ўлчов бирлиги _____

Ой	Ой бошига қолдиқ	КИРИМ			Қолдиқ билан бирга бир ойдаги жами кириш	ЧИҚИМ			Бир ойдаги жами чиқим	қолдиқ	Моддий жавобгар шахснинг имзоси
		Кимдан олинган	Ҳужжатнинг рақами ва сана	Миқдори		Кимга берилган	Ҳужжатнинг рақами ва сана	Миқдори			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
14-ИЛОВА

147-модда

Ветеринария дорихоналарида прекурсорларни ҳисобга олиш дафтари

Доривор воситанинг номи _____

Моддий жавобгар шахс _____

(Ф.И.О.)

Ой	1- кунга қолдиқ	КИРИМ			Қиқим турлари	ЧИҚИМ										ва хо- казо	Қар бир тур бўйича алоҳида бир ойдаги чиқим	Қиқим турлари бўйича бир ойда жами чиқим	Дафтарла- ги қолдиқ
		Ҳужжат- нинг рақами ва сана	Миқ- дори	Қолдиқ билан бирга бир ойдаги жами қирим		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10				
Январь					Амбулатория дориномалари бўйича даволаш- профилактика муассасаларига хўжалиқлар ва корхоналарнинг ветеринария хизматларига, дорихоналарнинг бўлимларига														

(Моддий жавобгар шахснинг имзоси)

— 90 —

17-18 (77-78)-сон

Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва прекурсорлардан
фойдаланиш тартибига
15-ИЛОВА

Илмий, таҳлил ва ташҳис лабораторияларида қўлланиладиган прекурсорларни ҳисобга олиш дафтари

_____ (ташкilotнинг номи)

Модданинг номи _____

Ўлчов бирлиги _____

Ой	Ой бошига қолдиқ	КИРИМ			Қолдиқ билан бирга бир ойдаги жами кириш	ЧИҚИМ			Бир ойдаги жами чиқим	қолдиқ	Моддий жавобгар шахснинг имзоси
		Кимдан олинган	Ҳужжатнинг рақами ва сана	Миқдори		Кимга берилган	Ҳужжатнинг рақами ва сана	Миқдори			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

148 Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш, шунингдек тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

3. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиши тугалланмаган объектлар ва асосий фондлар қурилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ва қайтадан бошлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 20 августдаги 397-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 8-сон, 48-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига 2-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 31-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 16 сентябрь,
401-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарорига
ИЛОВА

**Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши
тугалланмаган объектларни консервация қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланишни ва уларни қуришни қайтадан бошлаш, шунингдек тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Тартибда қабул қилинган асосий атамалар:

консервация — асосий воситалар ёки қурилиши тугалланмаган объектларнинг тегишли қарор билан белгиланадиган даврда сақланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, бу давр тамом бўлгач улардан фойдаланилиши ёки қурилиш давом эттирилиши керак;

қайтадан бошлаш — консервация қилинган асосий воситаларни фойдаланишга топшириш ёки консервация қилинган объектлар қурилишини тугаллаш ишлари бошланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

тугалланмаган қурилиш — қурилиши тугалланмаган объектда сарфланган амалдаги харажатлар;

дастлабки қиймат — асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қурилишни охирига етказиш) ёки сотиб олиш учун амалдаги харажатлар қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек келтириш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш харажатлари ҳамда активлардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уларни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа харажатлар;

қолдиқ қиймат — жамланган амортизация суммаси чиқариб ташланган ҳолда асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати, улар бўйича актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади.

II. Консервация

3. Қуйидагилар консервация қилиниши мумкин:

қурилиши тугалланмаган объектлар капитал маблағ билан таъминланмаган ёки уларнинг қурилишини давом эттириш учун бундан кейин маблағ қўйиш вақтинча ёки узил-кесил мақсадга мувофиқ эмаслиги асосланганда — қурилиш тиклангунгача бўлган ёки объект янги мулкдорга сотилгунгача бўлган даврда;

асосий воситалар — уларнинг техник даражаси замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда ёки 3 ой мобайнида улардан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш зарурати бўлмаганда — уларга бўлган талаб тиклангунгача ёки янги мулкдорга сотиш даврида, бироқ 24 ойдан ортиқ эмас.

4. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни консервация қилиш тўғрисидаги қарор аниқ муддат белгиланган ҳолда:

а) табиий монополиячиларга;

замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра олиб борилаётган корхоналарга;

қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қондаси қўлланилган корхоналарга нисбатан қайта ташкил этиш ёки банкротлик тартиб-қондасини амалга ошириш даврида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилган объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) ўзларига қарашли корхоналар бўйича — вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари);

в) мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилмаган корхоналар бўйича — мол-мулк эгаси томонидан қабул қилинади.

5. Тугалланмаган қурилишни консервация қилиш тўғрисидаги қарор:

а) қурилиши:

марказлаштирилган манбалар ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги кредитлар ҳисобига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган техник-иқтисодий асослашлар асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича;

қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қондаси қўлланилган корхоналарга нисбатан қайта ташкил этиш ёки банкротлик тартиб-қондасини амалга ошириш даврида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилган объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) қурилиши:

тармоқ ёки минтақавий дастурлар асосида идоравий мансуб давлат корхоналари ва бюджетдан ташқари манбалар маблағлари ҳисобига;

уларга қарашли корхоналар томонидан олиб борилаётган объектлар бўйича (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари) — вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

в) мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилмаган объектлар бўйича — мол-мулк эгаси томонидан қабул қилинади.

6. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисидаги таклиф тегишли асослашлар билан бирга-ликда мазкур Низомнинг 4-банди «а» ва «б» кичик бандларига ҳамда 5-бандининг «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ:

а) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва маблағ билан таъминловчи банклар билан келишган ҳолда вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

қурилиши тугалланмаган объектлар ёки қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қондаси қўлланилган корхоналар бўйича Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ҳудудий органлари хулосалари ҳисобга олинган ҳолда Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига;

б) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва маблағ билан таъминловчи банк

билан келишган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан — вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритилади.

7. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисидаги асословчи ҳужжатлар билан бирга келишиш учун киритилган илтимоснома ваколатли органлар томонидан улар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

Келишишга киритилган таклифга консервация қилиш зарурлигини асословчи ҳужжатлар (ҳисоб-китоблар), асосий воситалар ва/ёки ишга тушириш муддатлари тамом бўлган тугалланмаган қурилиш объектлари ва улар бўйича эскириш тўлиқ ўтказилган асосий воситалар ажратиб кўрсатилган ҳолда консервация қилиниши керак бўлган тугалланмаган қурилиш объектлари рўйхати илова қилинади.

8. Белгиланган тартибда киритилган фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисидаги таклифлар бўйича қарор ваколатли орган томонидан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

9. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисидаги қарорда уларни консервация қилиш сабаблари, қурилиш ёки асосий воситалардан фойдаланиш тўхтатилган муддат белгиланганлиги кўрсатилиши ҳамда консервация қилиш бўйича ишларни амалга ошириш ва пудрат ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун маблағ ажратилиши назарда тутилиши керак.

Консервация муддати консервация тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан ҳисобланади.

10. Ваколатли орган томонидан қабул қилинган консервация тўғрисидаги қарор асосида буюртмачи ёки корхона раҳбари бир ҳафта муддатда фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисида фармойиш (буйруқ) чиқаради, унда:

консервация қилиш ишларини амалга ошириш ҳамда асосий воситалар, асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш муддати;

ушбу объектлар, асосий воситалар, асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар сақланиши учун масъул бўлган ташкилот ва шахслар белгиланади.

11. Консервация қилиш тўғрисидаги фармойиш (буйруқ) асосида буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бир ой муддатда куйидагилар тузилади:

қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича — пудратчи билан биргаликда консервация қилиш тўғрисида далолатнома, унда консервация санасида объектларда бажарилган иш ҳажмларининг шартномавий қиймати кўрсатилади, консервация қилинадиган ва бошқа объектлар қурилишига бериш ёки сотиш керак бўлган монтаж қилинмаган асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар ведомости илова қилинади (мазкур Низомга 1-илова);

асосий воситалар бўйича — консервация қилиш тўғрисида далолатнома, унда консервация қилиш санасига асосий воситаларнинг дастлабки ва қолдиқ қиймати кўрсатилади, консервация қилинадиган ва бошқа корхоналарга бериш ёки сотиш керак бўлган монтаж қилинмаган асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар ведомости илова қилинади (мазкур Низомга 2-илова). Далолатнома ва ведомостлар мустақил аудиторлик ташкилоти билан биргаликда тузилади;

консервация қилинган қурилиши тугалланмаган объектлар ёки асосий воситалар, уларнинг конструкция элементлари, монтаж қилинмаган асбоб-ускуналари ва фойдаланилмаган материаллари сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган ишлар

ва харажатлар рўйхати (мазкур Низомга 3-илова). Қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича рўйхат лойиҳалаш ташкилоти иштирокида, асосий воситалар бўйича эса — лойиҳалаш ва консалтинг ташкилоти билан биргаликда тузилади.

12. Мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ишлар ва харажатлар рўйхати асосида лойиҳалаш ташкилоти томонидан тегишли равишда буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект —асосий воситалар мулкдори (эгаси)нинг топшириғига кўра буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект томонидан тасдиқланадиган қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий воситалар сақланишини таъминлаш тадбирлари билан биргаликда уларни консервация қилишга ҳужжатлар тузилади.

13. Буюртмачи қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 ой муддатда пудрат ташкилоти билан консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунгача бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари учун ҳисоб-китоб қилади, аванс бўйича ҳисоб-китоблар ҳам шу жумлага киради, асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар етказиб бериш учун тузилган шартномалар бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши муносабати билан пудрат ташкилоти кўрган зарарни ҳамда моддий-техника бойликларини бошқа объектларга ташиш билан боғлиқ харажатларни қоплайди.

Буюртмачи томонидан қурилиш учун банкларнинг кредитлари, шунингдек хорижий кредитлар жалб этилган ҳолларда, улар кредит шартномаларида назарда тутилган тартибда қайтарилиши керак.

III. Фойдаланишни ёки қуришни қайтадан бошлаш

14. Қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий воситаларни консервация қилиш муддати тамом бўлгач фойдаланишни ва қуришни қайтадан бошлаш мумкин деб ҳисобланади ҳамда бу тўғрида қўшимча қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

15. Асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектдан муддатидан олдин фойдаланишни ва уни қуришни қайтадан бошлаш тўғрисидаги илтимоснома (қурилиши тугалланмаган объектларни ёки асосий воситаларни янги мулкдорга сотиш ҳолларидан ташқари) консервация қилиш тўғрисида таклиф киритган орган томонидан киритилади.

Асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектдан муддатидан олдин фойдаланиш ва уни қуришни қайтадан бошлаш тўғрисидаги қарор (қурилиши тугалланмаган объектларни ёки асосий воситаларни янги мулкдорга сотиш ҳолларидан ташқари) консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан қабул қилинади.

Асосий воситалар ва қурилиши тугалланмаган объектлар янги мулкдор томонидан белгиланган тартибда сотилган тақдирда олди-сотди далолатномаси содир этилган пайдан бошлаб асосий воситалар ва қурилиши тугалланмаган объектлардан фойдаланиш ва уларни қуриш қайтадан бошланган ҳисобланади. Ушбу ҳолда қайтадан бошлаш тўғрисида қўшимча қарор қабул қилинмайди.

Фойдаланиш ёки қайтадан қуриш муддатидан олдин бошланган тақдирда (тугалланмаган қурилиш объектлари ва асосий воситаларни янги мулкдорга сотиш ҳолларидан ташқари) тугалланмаган қурилиш ҳажмлари ёки асосий воситалар муддатидан олдин фойдаланиш ва қуриш тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан бошлаб қайтадан бошланган деб ҳисобланади.

16. Фойдаланиш ва қуришни муддатидан олдин қайтадан бошлаш ёхуд консервация қилиш муддати тамом бўлиши тўғрисидаги қарор асосида буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект қурилишни қайтадан бошлаш тўғрисида фармойиш (буйрук) чиқаради, унда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш билан боғлиқ за-

рур ишларни бажаришга доир ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этиш тартиби ва муддатлари белгиланади.

17. Буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект томонидан консервация қилиш тўғрисидаги далолатнома ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш тўғрисидаги фармойиш (буйруқ) асосида бир ой муддатда қуйидагилар тузилади:

қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича — қурилишни қайтадан бошлаш тўғрисида объектлар бўйича далолатнома, унга қурилиши вақтинча тўхтатиб қўйилган объектлар, асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материалларнинг ҳолатига қисқача тавсиф берилган ведомостлар илова қилинади (мазкур Низомга 4-илова);

асосий воситалар бўйича — фойдаланишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги далолатнома, унга фойдаланилиши вақтинча тўхтатиб қўйилган объектлар, асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материалларнинг ҳолатига қисқача тавсиф берилган ведомостлар илова қилинади (мазкур Низомга 5-илова).

18. Мазкур Низомнинг 17-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича зарур ишларга ўз кучлари билан ёки лойиҳалаш ташкилотини жалб этган ҳолда ҳужжатлар тузади.

IV. Объектларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш

19. Консервация қилиш ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш учун лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш пудрат ташкилоти томонидан қўшимча битим бўйича амалга оширилади.

20. Битимда ишларни бажариш муддатлари консервация қилинган ҳамда фойдаланиш ва қуриш қайтадан бошланган объектлар, асосий воситалар, асбоб-ускуналар, конструктив элементлар ва материалларни буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъектга топшириш муддатлари назарда тутилади.

21. Қурилиши тугалланмаган объектлар ва асосий воситаларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш ишлари бажарилганлиги учун ҳисоб-китоблар бажарилган ишлар ҳажмларини қабул қилиш далолатномалари асосида амалга оширилади.

22. Қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича ишлар ва харажатлар, шу жумладан вақтинча консервация қилиш ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш вақтидаги тиклаш ишлари даврида қурилиш унинг ҳисобига амалга оширилган ёки амалга ошириладиган қурилишни маблағ билан таъминлаш манбаидан ҳақ тўланади.

23. Асосий воситаларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича ишлар ва харажатлар, шу жумладан вақтинча консервация қилиш ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш вақтидаги тиклаш ишлари даврида уларнинг сақланишини таъминлашга буюртмачи ёки хўжалик юритувчининг маблағлари ҳисобига ҳақ тўланади.

V. Тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ва амалга оширилмаган қурилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари харажатларини ҳисобдан чиқариш

24. Объект қурилишини тўхтатиш ҳамда тўхтатиб қўйилган қурилиш бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор (шу жумладан лойиҳа-қидирув ишлари харажатлари ва объектлар қурилиши қийматига тегишли бўлган бошқа харажатлар):

а) қурилиши:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига мувофиқ марказлаштирилган манбалар ҳисобига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган техник-иқтисодий асослашлар асосида олиб борилаётган объектлар бўйича;

таркибий қайта қурилиши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек таркибий қайта қуриш ва банкротликни амалга ошириш даврида Банкротлик ва корхоналар санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг таклифига кўра уларга нисбатан банкротлик тартиб-қондаси қўлланилган корхоналар бўйича Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Давлат мулки қўмитасининг ҳулосаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) ўзларига қарашли бўлган қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича (мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилганлардан ташқари) вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

в) мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилмаган қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича мол-мулк мулкдори томонидан қабул қилинади.

25. Мазкур Низом 24-бандининг «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ объект қурилишини тўхтатиш ва тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш (шу жумладан, лойиҳа-қидирув ишлари харажатлари ва объектлар қурилиши қийматига тегишли бўлган бошқа харажатлар) тўғрисидаги таклиф:

а) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва маблағ билан таъминловчи банк билан келишган ҳолда вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Таркибий қайта қурилиши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қондаси қўлланилган корхоналар томонидан тикланаётган қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича — таклиф — Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан;

б) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг ҳудудий органлари ва маблағ билан таъминловчи банк билан келишган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан — вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритилади.

26. Объект қурилишини тўхтатиш ва харажатларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорда:

объект қурилиши тўхтатилишининг сабаблари;

ҳисобдан чиқарилаётган харажатларнинг асосий кўрсаткичлари;

қурилиши тўхтатилган бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, сотиш ёки уларни бошқа корхоналар ва ташкилотларга бериш тўғрисидаги таклифлар кўрсатилиши керак.

Келгусида фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда қарорда қурилиши битказилмаган бинолар ва иншоотларни тугатиш, улардан ажратиб олинган асбоб-ускуналар ва материалларни сотиш бўйича кўрсатмалар берилиши керак, шунингдек бажарилган ишлар учун пудрат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳисобкитоб қилиш учун ажратиладиган маблағлар суммаси, шу жумладан тугатиш харажатлари аниқланади.

27. Ваколатли органлар томонидан қабул қилинган объект қурилишини тўхтатиш ва тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор асосида буюртмачи (инвестор) ёки корхона раҳбари фармойиш (буйруқ) чиқаради.

28. Қурилишни тўхтатиш ва харажатларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорларда корхоналар ва ташкилотлар балансидан чиқарилиши керак бўлган сумма кўрсатилиши зарур.

29. Амалга оширилмаган қурилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари харажатларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор мазкур Низомнинг 25 ва 26-бандларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

30. Объект қурилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор асосида буюртмачи (инвестор) томонидан қурилишни тўхтатиш бўйича харажатларни ёки лойиҳа-қидирув ишлари бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш ҳақида тегишли далолатнома тузилади (мазкур Низомга 6 ва 7-иловалар).

VI. Яқуний қоидалар

31. Қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий воситаларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштириш, шунингдек тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш учун жавобгарлик мазкур Низомга мувофиқ буюртмачига ёки хўжалик юритувчи субъектга юкланади.

Фойдаланилмаётган асосий воситаларни,
қурилиши тугалланмаган объектларни
консервация қилиш тартиби тўғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
(Ваколатли орган раҳбари)

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

(қурилишнинг номи)

ДАЛОЛАТНОМА

Объект, конструкция элементлари, ишлар ва харажатлар турларининг номи	Қурилишни бошлаш ва тугатиш санаси	Қурилиш тўхтатилган сана	Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича кўрсаткичлар		Тўхтатиб қўйиш санасида бажарилган ишлар		Баланс бўйича ҳақиқий харажатлар
			Шартномавий қиймати	Қуввати	Шартномавий қиймати	Қуввати	

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Келишилган:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси

Қурилиши тугалланмаган объектларни
консервация қилиш тўғрисидаги
далолатномага
1-ИЛОВА

**Монтаж қилинмаган консервация қилинадиган асбоб-
ускуналар, конструкциялар ва материаллар
ВЕДОМОСТИ**

Монтаж қилинмаган асбоб- ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир бирликнинг амалдаги нархи	Умумий қиймати
--	------------------	------	----------------------------------	-------------------

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Қурилиши тугалланмаган объектларни
консервация қилиш тўғрисидаги
далолатномага
2-ИЛОВА

**Монтаж қилинмаган бошқа объектлар қурилишига
бериладиган ёки сотиладиган асбоб-ускуналар,
конструкциялар ва материаллар
ВЕДОМОСТИ**

Монтаж қилинмаган асбоб- ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир бирликнинг амалдаги нархи	Умумий қиймати
--	------------------	------	----------------------------------	-------------------

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугаллан-
маган объектларни консервация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
(Ваколатли орган раҳбари)

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

**Асосий воситаларни консервация қилиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Корхонанинг, асосий воситаларнинг номи	Асосий воситаларни сотиб олиш (ишга тушириш) санаси	Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдиқ баланс қиймати	Мустақил баҳоловчиларнинг хулосаси бўйича бозор қиймати	Тегишли бирликларнинг қуввати	Ҳақиқий ҳолати
--	---	--	---	-----------------------------------	-----------------------	---	-------------------------------	----------------

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари
Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Келишилган:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси

Асосий воситаларни консервация қилиш
тўғрисидаги далолатномага
1-ИЛОВА

**Консервация қиладиган асбоб-ускуналар,
конструкциялар ва материаллар
ВЕДОМОСТИ**

Асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдиқ баланс қиймати	Мустақил баҳоловчиларнинг хулосаси бўйича бозор қиймати	Ҳақиқий ҳолати
---	-------------------	---	-----------------------------------	-----------------------	---	----------------

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари
Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Асосий воситаларни консервация қилиш
тўғрисидаги далолатномага
2-ИЛОВА

**Сотиладиган асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар
ВЕДОМОСТИ**

Асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдиқ баланс қиймати	Мустақил баҳоловчиларнинг хулосаси бўйича бозор қиймати	Ҳақиқий ҳолати
--	----------------------	--	--	-----------------------------	--	-------------------

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари
Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугаллан-
маган объектларни консервация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

(корхонанинг номи ва унинг идоравий бўйсунуши)

**Консервация қилинган қурилиши тугалланмаган объектлар ёки
асосий воситаларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур
бўлган ишлар ва харажатлар
РЎЙХАТИ**

Объектлар, асосий фондлар, конструкция элементлари, ишлар ва харажатлар турларининг номи	Бажарилиши лозим бўлган ишлар ва харажатлар турлари	Ўлчов бирлиги	Ишлар ва харажатлар ҳажми
---	---	------------------	---------------------------------

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари
Ёнғиндан сақлаш бошқармаси раҳбари
Мустақил аудиторлик ташкилоти раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугаллан-
маган объектларни консервация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
(Ваколатли орган раҳбари)

(қурувчининг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

(қурилишнинг номи ва унинг лойиҳа қуввати)

**қурилиши тугалланмаган объектни қайтадан бошлаш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Объект, конструкция элемент- лари, ишлар ва харажат- лар турлари- нинг номи	Консер- вация қилинган сана	Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича кўрсаткичлар		Консервация қилиш санасида бажарилган ишлар		Баланс бўйича ҳақиқий харажатлар	Қурилиши қайтадан бошлаш санасидаги ҳақиқий ҳолати
		Қурилиши қайтадан бошлаш қунидаги шартномавий қиймати	Қув- вати	Шартнома- вий нархларда	Ишга туши- рилган қуввати		

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Консервация қилинган қурилиши тугаллан-
маган объект қурилишини қайтадан
бошлаш тўғрисидаги далолатномага
ИЛОВА

**Консервация қилинган қайтадан монтаж қилинадиган асбоб-
ускуналар, конструкциялар ва материаллар
ВЕДОМОСТИ**

Монтаж қилинмаган асбоб- ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир бирликнинг амалдаги нархи	Умумий қиймати	Ҳақиқий ҳолати

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугаллан-
маган объектларни консервация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
(Ваколатли орган раҳбари)

(корхонанинг номи ва унинг идоравий бўйсунуши)

**асосий воситаларни қайтадан ишга тушириш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Асосий воситалар номи	Асосий воситаларни сотиб олиш (ишга тушириш) санаси	Дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдиқ баланс қиймати	Мустақил баҳоловчиларнинг хулосаси бўйича бозор қиймати	Тегишли бирликлар қуввати	Қайтадан ишга тушириш санасида ҳақиқий ҳолати
-----------------------	---	-------------------	---	-----------------------------------	-----------------------	---	---------------------------	---

Корхона раҳбари
Бош бухгалтер
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари
Аудиторлик ташкилот раҳбари

Асосий воситаларни қайтадан ишга туши-
риш тўғрисидаги далолатномага
ИЛОВА

**Консервация қиладиган асбоб-ускуналар, конструкциялар ва
материаллардан фойдаланишни қайтадан бошлаш
ВЕДОМОСТИ**

Асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдиқ баланс қиймати	Мустақил баҳоловчиларнинг хулосаси бўйича бозор қиймати	Ҳақиқий ҳолати
---	-------------------	---	-----------------------------------	-----------------------	---	----------------

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкилот раҳбари
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари
Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугаллан-
маган объектларни консервация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
(Ваколатли орган раҳбари)

(корхонанинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

**тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан
чиқариш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Объект, конструкция элементлари, ишлар ва харажатлар турларининг номи	Қури- лишнинг бошла- ниш санаси	Қурилиш тўхта- тилган сана	Лойиҳа-смета хужжатлари бўйича қўрсаткичлар		Қурилиш тўхтатилган санадаги ҳақиқий харажатлар	Пудратчи ташкilot билан ҳисоб- китоб қилиш учун зарур бўлган маблаглар	Қурилиш тўхта- тилган- лигининг сабаблари
			Шарт- нома- вий қий- мати	Қув- вати			

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкilot раҳбари
Маблаг билан таъминловчи банк раҳбари
Аудиторлик ташкilotи раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугаллан-
маган объектларни консервация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
(Ваколатли орган раҳбари)

(корхонанинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

**лойиҳа-қидирув ишлари харажатларини ҳисобдан
чиқариш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Лойиҳалана- ётган объект ва харажатлар номи	Лойиҳа- лаш ташкilot- тининг номи	Лойиҳалашга топшириқ ким томонидан ва қачон тасдиқ- ланган	Лойиҳа- қидирув ишлари- нинг қиймати	Лойиҳалаш даври	Ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган бажарилган лойиҳа-қидирув ишларининг қиймати	Лойиҳа- қидирув ишларини тўхтатиш асоси
---	---	--	--	--------------------	--	---

Буюртмачи корхона раҳбари
Пудратчи ташкilot раҳбари
Маблаг билан таъминловчи банк раҳбари
Аудиторлик ташкilotи раҳбари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

149 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 289-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига, Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялашни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ихтисослаштирилган ташкилотлар — ломбардларни давлат рўйхатидан ўтказиш функцияси адлия органларига юклансин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳрида жойлашган ломбардларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида жойлашган ломбардларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ломбардлар адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида тўлов кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи ундирилади;

лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун ариза берилган кунда қонун ҳужжатларида белгиланган битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида йиғим ундирилади;

ломбардлар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун тўлов кунда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Ломбардлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун тўланадиган давлат божи суммаси белгиланган тартибда тақсимланади.

3. Марказий банк томонидан белгиланган тартибда тасдиқлаш учун:

ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом;

фуқароларга тегишли бўлган ашёлар гаровга қўйилган ҳолда ломбардлар томонидан фуқароларга кредит бериш қоидалари;

ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Марказий банк раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 17 сентябрь,
402-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

150 Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

[Кўчирма]

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан: муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилинсин.

2. 1976-1985 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2003 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф. Фуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Чақирилувчиларни тиббий текширишнинг ҳолиселиги муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 17 сентябрь,
403-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

151 Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ–3240-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси юридик шахслар томонидан қурилиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларига, тасдиқланган норматив ҳужжатларга, стандартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда ушбу Низомга қатъий амал қилсинлар.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 2 мартдаги 106-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 14-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 17 сентябрь,
404-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарорига
ИЛОВА

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юридик шахсларга солинадиган жарималарни қўллаш тартибини белгилайди.
2. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва улар учун юридик шахсларга жарималар солиш мазкур Низомда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Қўйидагилар қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда, шунингдек «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари — энг кам ойлик иш ҳақининг саксон бараваригача миқдорда, шунингдек «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда эса — энг кам ойлик иш ҳақининг минг бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари ҳамда архитектура-қурилиш назорати инспекциялари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда эса — энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваригача миқдорда жарималар солиш ҳуқуқига эга.

4. Жарималар юридик шахслар томонидан жарима солиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда тўланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан бажартирилади.

5. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни тезлик билан бажариш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлганда уни қабул қилган мансабдор шахс, бу ҳақда тегишли юридик шахсни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, қарорнинг бажарилишини бир ойгача муддатга узайтириши мумкин.

6. Жарима солиш тўғрисидаги қарор юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилинганда ёки норози бўлинганда қарор шикоят ёки норозилик қониқарсиз қолдирилгандан сўнг бажарилиши керак. Бундай ҳолларда жарима шикоят ва норозилик қониқарсиз қолдирилганлиги тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда тўланиши керак.

7. Жарима юридик шахслар томонидан тегишли суммаларни ўтказиш йўли билан тўланади, улар қўйидаги тартибда тақсимланади:

жарима суммаларининг 60 фоизи республика бюджетига;

30 фоизи — маҳаллий бюджетга;

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси ва унинг тасарруфидаги органларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига йўналтирилади.

8. Жарима муддатида тўланмаган тақдирда қарор суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини бажариш учун белгиланган тартибда мажбурий бажартирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

152 Шакар хом ашёси харид қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида

Хоразм шакар заводининг эҳтиёжлари учун шакар хом ашёси харид қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Шакар хом ашёси етказиб берувчини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Шакар хом ашёси етказиб берувчини аниқлаш бўйича махсус гуруҳ таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Шакар хом ашёси харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 1 февралдаги 44-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 7-модда) ва «Вазирлар Маҳкамасининг «Шакар хом ашёси харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 1 февралдаги 44-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2002 йил 19 июндаги 217-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 33-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 20 сентябрь,
407-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 20 сентябрдаги 407-сон қарорига
1-ИЛОВА

Шакар хом ашёси етказиб берувчини танлаб олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Хоразм шакар заводи эҳтиёжлари учун шакар хом ашёси етказиб берувчиларни танлов бўйича танлаб олиш (кейинги ўринларда танлов деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар танлов ўтказишнинг мақсади ҳисобланади:

шакар хом ашёсининг йил давомида энг мақбул нархлар бўйича мунтазам келишини таъминлаш;

шакар хом ашёсини халқаро нуфузга эга бўлган ишончли хорижий етказиб берувчилардан харид қилиш;

шакар хом ашёсини харид қилишга йўналтирилаётган марказлаштирилган валюта маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

* 2-илова берилмайди.

3. Танловнинг барча иштирокчилари учун бир хил рақобат шартларининг яратилиши, ошкоралик, баҳолашнинг холислиги ва талабларнинг ягоналиги танлов ўтказишни ташкил этишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

4. Танлов фақат ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тасдиқланган балансларида белгиланган импорт бўйича харид қилиш ҳамда харид қилишни маблағ билан таъминлашнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган манбалари мавжуд бўлган ҳажмлари доирасида ўтказилиши мумкин.

5. Танловда ишлаб чиқарувчи хорижий фирмалар ва компаниялар ҳамда шакар хом ашёси етказиб бериш тажрибасига эга бўлган мулкчиликнинг барча шаклларидаги тижорат фирмалари қатнашишлари мумкин.

6. Танлов таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланадиган Шакар хом ашёси етказиб берувчини аниқлаш бўйича махсус гуруҳ (кейинги ўринларда Махсус гуруҳ деб аталади) томонидан ўтказилади.

7. Танлов натижаларига кўра ғолиб билан бир йил муддатга шакар хом ашёси етказиб бериш юзасидан бош битим тузилади.

II. Таклифлар танловини ўтказишни ташкил этиш

8. Махсус гуруҳ раҳбари гуруҳ ишини ташкил этади, зарурат бўлганда тушган таклифларни баҳолаш учун эксперт ва маслаҳатчи ташкилотларнинг вакиллари жалб этиш юзасидан қарорлар қабул қилади. Жалб этилган мутахассисларнинг тавсиялари Махсус гуруҳнинг протоколида акс эттирилади.

9. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича харажатлар, эксперт ва маслаҳатчи ташкилотлар, шунингдек шартнома асосида жалб этилган мутахассисларнинг хизматлари, шу жумладан шакар хом ашёсини танлаш билан боғлиқ хизмат сафарлари харажатлари танлов ғолибидан Ўзбекистон Республикасидаги шакар хом ашёси импорт қилувчи томонидан олинган рағбатлантириш маблағлари ҳисобидан тўланади.

10. Танловни ўтказишда Махсус гуруҳ:

танлов ўтказиладиган сана тўғрисида қарор қабул қилади;

танлов ўтказиладиган санагача етказиб берувчилар тўғрисидаги маълумотларни ййғади;

жалб этиладиган экспертлар ва консультантларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

олинган маълумотларни тартибга солади;

танлов ғолибини аниқлайди.

11. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади: хорижий шакар хом ашёси етказиб берувчилардан тушган таклифларни тайёрлаш, тўплаш, кўриб чиқиш. Махсус гуруҳ танлов ўтказилишидан камида 15 кун олдин етказиб берувчиларга танловда қатнашиш учун таклифномалар жўнатади;

шакар хом ашёси қийматини Нью-Йорк биржасидаги нархдан келиб чиқиб, поляризация учун мукофотни ҳисобга олган ҳолдаги формула бўйича ҳисоблаб чиқишда, талабгорлардан тушган таклифлар асосида бир йилга харажатлар қисмини (юкни қайта ишлаш жойигача етказиш билан боғлиқ барча харажатларни) кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

12. Махсус гуруҳ ўз иш регламентини мустақил равишда белгилайди. Мазкур масала юзасидан қарор Махсус гуруҳ аъзолари умумий сонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганда Махсус гуруҳ раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

13. Махсус гуруҳ йиғилишини ўтказиш учун кворум гуруҳ таркибининг камида 75 фоиздан иборат бўлади. Махсус гуруҳнинг мажлисида протокол юритилади.

III. Талабгорларни танлаб олиш

14. Махсус гуруҳ томонидан етказиб берувчиларга юборилган таклифномаларда кўрсатилган, белгиланган мезонларга мувофиқ ўзлари тўғрисида ахборот тақдим этган талабгорлар ўртасида малакавий танлов ўтказилади.

15. Махсус гуруҳ етказиб берувчилар тўғрисидаги ахборотларни қабул қилиш муддатини ҳамда унинг сўнгги санаси ва вақтини, шунингдек танлов учун олинган ахборот кўриб чиқиладиган мажлис санасини белгилайди. Белгиланган муддатдан кейин олинган ахборот кўриб чиқилмайди. Танлов иштирокчиси ахборот қабул қилишнинг охириги санасидан камида 24 соат олдин танловда қатнашишдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

16. Танлов қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб эълон қилинади:

буюртмалар Махсус гуруҳ томонидан кўриб чиқиладиган муддатнинг охиригача биронта ҳам етказиб берувчидан ахборот олинмаган бўлса;

танловга фақат битта иштирокчи томонидан ахборот тақдим этилган бўлса;

барча тақдим этилган ахборотлар қўйилган талабларга жавоб бермаса.

17. Қуйидагилар талабгорларнинг малакавий танловини ўтказишда кўриб чиқишга қўйилмайди:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида бўлган, иши суд ёки арбитраж тартибида кўрилатилган ташкилотлар, агар бу тўғрида ишончли маълумот мавжуд бўлса;

малакавий танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

илгари ўтказилган танловларда ўзини салбий жиҳатдан кўрсатган;

илгари тузилган контрактлар бўйича зиммасига олган мажбуриятларини зарур даражада бажармаган;

танловда иштирок этиш ҳуқуқини бошқа юридик шахсга берган ташкилотлар.

18. Тушган ахборотларни баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш Махсус гуруҳ томонидан қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилади:

нархларни шакллантириш таклиф этилаётган тартибининг бозор конъюнктурасига мувофиқлиги. Бунда шакар хом ашёсининг қиймати Нью-Йорк биржасидаги нархдан келиб чиққан ҳолдаги формула бўйича, уни харидор томонидан белгилаб қўйиш ҳуқуқи билан, шакар хом ашёсини қайта ишлаш жойигача етказишни ташкил этиш билан боғлиқ асосланган ва етказиб берувчи комиссияси томонидан белгилаб қўйилган харажатларни ҳисобга олиб ҳисоблаб чиқилиши керак;

етказиб берувчи компаниянинг ишончилиги ва унинг жаҳон шакар хом ашёси бозоридаги халқаро нуфузи;

молиявий аҳволи ва банк тавсиялари.

Шакар хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиш бўйича харажатлар қисмини кўриб чиқиш ва тасдиқлашда қуйидагилар эътиборга олинади:

мўлжалланган станциягача бўлган, ҳар қандай транспорт компанияси томонидан тасдиқланган денгиз ва темир йўл тарифи;

суғурта мукофоти суммаси;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан тасдиқланган қайта молиялаш ставкаси ва аккредитивга хизмат кўрсатиш харажатлари;

шакар хом ашёсини портда ортиш-тушириш ва сақлаш харажатлари;

сюрвейер компанияси харажатлари;
сотувчининг белгилаб қўйилган рағбатлантириш мукофоти;
шакар хом ашёсини етказиш билан боғлиқ, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа харажатлар.

Тақдим этилган ахборотнинг қўшимча техник, ташкилий ва тижорат устуворликлари ҳам эътиборга олинishi мумкин.

19. Ахборотларни баҳолаш Махсус гуруҳ томонидан белгиланган муддат мобайнида амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари тушган ахборотларни баҳолашда иштирок этишга ҳақли эмас.

20. Махсус гуруҳнинг ҳар бир аъзоси танлов қатнашчилари томонидан тақдим этилган ахборот билан танишганларидан сўнг танлов муддати тугагунгача асосланган ёзма хулоса тузишга ҳақли.

Махсус гуруҳ аъзоларининг ёзма хулосалари (агар улар мавжуд бўлса) умумлаштириш ва протоколга киритиш учун гуруҳ раҳбарига берилади.

21. Махсус гуруҳнинг танлов ғолиби тўғрисидаги протоколида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Махсус гуруҳ таркиби;

овоз бериш натижалари;

танлов ғолиби бўлган компания номи.

22. Тушган ахборотларнинг кўриб чиқилиши ва баҳоланиши тўғрисидаги ахборот Махсус гуруҳ аъзолари томонидан баҳолаш тартиботига расмий дахлдор бўлмаган шахсларга хабар қилинмайди. Махсус гуруҳ аъзолари ва жалб этилган экспертлар мазкур ахборотнинг ошкор қилиниши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

23. Махсус гуруҳнинг етказиб берувчини танлаб олиш тўғрисидаги протоколи мажлисда қатнашган барча Махсус гуруҳ аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шакар хом ашёсини етказиб бериш юзасидан талабгорларни танлаб олишга оид тўлиқ ахборот билан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси раҳбарига тақдим этилади.

24. Танлов ғолиби контракт тузишни рад этган ёки танлов бўлиб ўтмаган тақдирда белгиланган тартибда етказиб берувчиларнинг қайта танлови ўтказилади.

25. Танлов натижалари Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси раҳбари томонидан протокол тасдиқлангандан кейин бир кун мобайнида Махсус гуруҳ томонидан почта, телефакс ёки бошқа ёзма шаклда танлов ғолибига етказилади.

IV. Яқуний қоидалар

26. Ўтказилган танлов билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

27. Танлов ғолиби аниқлангандан кейин етказиб берувчи ва харидор ўртасида бош битим имзоланади. Етказиб берувчи ва харидор ўртасида тузилган контрактлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказилади.

28. Контрактларнинг бажарилиши мониторинги улар тўлиқ бажарилгунгача, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплексига ҳамда тегишли ваколатли банкка мажбурий равишда ахборот тақдим этилган ҳолда, Махсус гуруҳ томонидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

153 Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда қурилиш соҳасидаги раҳбар кадрларни (менежерларни) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузурида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бозор шароитларида қурилиш жараёнини бошқариш талабларини, объектларни қуришда ишларни бажаришни ташкил этиш ва унинг технологиясида халқаро ва Ватанимизда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш, қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув жараёнининг методик ва ахборот базасини янгилаш ва такомиллаштириш;

ўқитишни менежмент ва маркетингнинг замонавий методлари билан, республика вазирликлари ва идораларининг, шунингдек чет мамлакатларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда ташкил қилиш асосида ўқитиш методлари ва усулларини мунтазам равишда такомиллаштириш;

қурилиш соҳасида тадқиқот ва тажриба — эксперимент ишларини бажариш, менежерлардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

қурилиш соҳасида ўқитишнинг кундузги шакли бўйича менежерларни қайта тайёрлаш пудрат қурилиш ташкилотларининг ва қурилиш индустрияси корхоналарининг олий маълумотга ҳамда мутахассислиги бўйича камида 3 йил иш стажига эга бўлган раҳбарларини олти ой муддат билан ўқитган ва белгиланган намунадаги тегишли сертификат берган ҳолда амалга оширилади;

қурилиш соҳасида бошқарувнинг барча даражаларидаги менежерлар малакасини ошириш сертификат берган ҳолда уч ойгача муддатда амалга оширилади;

таълим олувчиларни Марказга қабул қилиш қурилиш ташкилотлари ва корхоналари буюртманомаларига биноан, шунингдек жисмоний шахсларнинг аризалари бўйича, суҳбат ўтказиш натижалари асосида амалга оширилади;

шартнома асосида ўқитиш учун олинган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда, мамлакатимиз ва чет эл ўқув юртлари таълим тизимидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Тошкент архитектура-қурилиш институтини 2004 йилда таъминлаш харажатлари сметаси таркибида Марказни асосланган ҳужжатлар асосида зарур ўқув ва лаборатория мол-мулки билан жиҳозлаш учун маблағларни назарда тутсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Марказни жойлаштириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Марказнинг Ҳомийлик кенгаши таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасига профессор-ўқитувчилар таркиби вакилларини ҳамда Марказнинг истеъдодли тингловчиларини малака ошириш ва тажриба орттириш учун етакчи хорижий таълим, илмий ва ўқув марказларига юборишда амалий ёрдам бериш ва қўмаклашиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 22 сентябрь,
408-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

154 Қурилиш соҳасида ҳисоботни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ–3240-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда қурилиш соҳасида ҳисоботни янада такомиллаштириш, бирхиллаштириш ва маълумотларни қисқартириш ҳисобига бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи ягона ҳисобот тизimini барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг капитал қурилишда ҳисоботларнинг иловага мувофиқ шакллари ни бирхиллаштириш ва қисқартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қиймат кўрсаткичлари таққосланишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда асосий сармояга ва қурилиш

* Илова берилмайди.

ишларига инвестициялар бўйича нархлар индексларини ҳисоблаб чиқиш методикасини халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

қурилиш соҳасидаги давлат статистика ҳисоботини мазкур қарорга иловага мувофиқлаштирсин ва унинг 2004 йил 1 январдан бошлаб олиб борилаётган статистика ишлари амалиётига киритилишини таъминласин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қурилиш соҳасидаги идоровий статистика ҳисоботининг амалдаги шаклларини уларнинг бозор талабларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказсин ҳамда уларни тартибга солиш ёки бекор қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2003 йил 1 декабргача иловада келтирилган статистика ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдиришга доир йўриқномаларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

4. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, бошқа хўжалик бирлашмалари қурилиш ихтисослигидаги корхоналар ва ташкилотлар учун бошқарувнинг барча даражаларида қонун ҳужжатларида ва мазкур қарорда назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот шакллари жорий этилишига йўл қўймасинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 24 сентябрь,
409-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 409-сон қарорига
ИЛОВА

**Капитал қурилишдаги статистика ҳисоботининг
бирхиллаштириладиган ва қисқартириладиган шакллари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Статистика ҳисоботи шаклларининг номи	Шаклнинг тартиб рақами	Даврийлиги	Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар
I. Ҳисоботларнинг тугатилаётган шакллари				
1.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар тўғрисида	2-инвест (қисқача)	ойлик	
2.	Ижтимоий соҳа айрим объектларини ишга тушириш тўғрисида	2-қурилиш	чораклик	
3.	Пудрат шартномаси тузишнинг бориши тўғрисида	1-КС (шартнома)	йилда 2 марта	
4.	Бажарилган ишларни қабул қилиб олиш далолатномаси	2-шакл	ойлик	
5.	Бажарилган ишлар ва харажатлар тўғрисида маълумотнома	3-шакл	ойлик	
II. Ҳисоботларнинг сақланиб қоладиган, бирхиллаштириладиган ва янгидан киритиладиган шакллари				
1.	Якка тартибда қурилган уй-жой биноларини ишга тушириш тўғрисида	1-ЯТУЖҚ	йиллик	Сақланиб қолади

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

Т/р	Статистика ҳисоботи шаклларининг номи	Шаклнинг тартиб рақами	Даврийлиги	Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар
II. Ҳисоботларнинг сақланиб қоладиган, бирхиллаштириладиган ва янгидан киритиладиган шакллари				
2-3.	Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида	2-инвест	чораклик йиллик	Шакллар мазмуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони қоидаларига ва Фармонни бажариш юзасидан қабул қилинган Ҳукумат қарорларига мувофиқ ёзилади
4-5.	Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва улар қурилишида асосий капиталга киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида	1-қурилиш	чораклик йиллик	
6.	Жисмоний шахслар томонидан олиб борилаётган объектлар қурилиши тўғрисида	1-ЖҚ (шошилинч)	чораклик	
7.	Ижтимоий соҳа объектларининг ишга туширилиши ва қурилиш ишларининг бажарилиши тўғрисида	1-КС	йиллик	
8.	Қурилиш ишларининг бажарилиши тўғрисида	1-КС	ойлик	
9.	Лойиҳа-қидирув ишлари қиймати тўғрисида	4-КС	йиллик	
10.	Тугалланмаган қурилишлар аҳволи тўғрисида	8-КС	ойлик	
11.	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган асосий капиталга киритилган инвестициялар тўғрисида	18-КС	йиллик	
12.	Харид қилинган асосий қурилиш материаллари, қисмлар, конструкциялар ва ускуналар нархи тўғрисида <i>(молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилаётган объектлар бўйича тақдим этилади)</i>	9-КС	ойлик	Янгидан киритилмоқда
13.	Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома-ҳисоб-фактура		ойлик	2 ва 3-шакллар ўрнига янгидан киритилмоқда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

155 Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавfli ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси 7-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Комиссия қурилиш соҳасида лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради, унинг қарорларига мувофиқ лицензияларни расмийлаштиради, уларни қайта расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради ва тиклайди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси икки ҳафта муддатда:

Комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

лицензияланадиган фаолиятнинг тегишли турлари бўйича ишчи гуруҳлар таркибини тасдиқласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 24 сентябрь,
410-сон

* 7-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорига
1-ИЛОВА

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибini белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Талабгорлар материалларини кўриб чиқиш, тайёрлаш ва Комиссия мажлисига киритиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасида ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

3. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра умуман фаолият турига ёхуд архитектура-қурилиш ҳужжатлари классификаторига (мазкур Низомга 1-илова) мувофиқ архитектура-қурилиш ҳужжатларининг бир ёки бир нечта турини яратишга берилади.

5. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар кириди:

қонун ҳужжатлари, тегишли давлат стандартлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мажбурий риоя этиш;

юридик шахс штатида архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш соҳасида тегишли махсус касбий маълумотга ва лойиҳалаш ишлари бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлган мутахассисларнинг (лойиҳанинг бош муҳандислари ва архитекторлари, архитекторлар, шаҳарсозликни режалаштириш ва ҳудудларни обод қилиш бўйича мутахассислар, конструкторлар, технологлар, муҳандислик ускуналари, тармоқлар ва тизимлар, лойиҳанинг махсус бўлимлари бўйича мутахассисларнинг) мавжуд бўлиши;

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш учун тегишли асбоб-ускуналарга (ҳисоблаш ва ташкилий техника, бинолар ва иншоотларни текшириш, қури-

лиш объектлари учун муҳандислик тадқиқотларини ўтказиш учун жиҳозлар ва асбоб-ускуналарга) эга бўлган зарур хоналарнинг мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжат;

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш билан шуғулланаётган ходимларнинг рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги, мутахассислиги бўйича иш стажы, ушбу ходимлар лойиҳалаштирилишида иштирок этган асосий объектлар рўйхати кўрсатилади;

лицензияланадиган фаолият тури амалга ошириладиган хоналарга мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш учун мавжуд шарт-шароитлар ва техника воситалари тўғрисидаги маълумотлар.

8. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини ишчи гуруҳ раҳбари томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

10. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аризанинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

12. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғри-

сидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан Комиссия қарори тегишли протоколи лойиҳаси билан эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олинган кундан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

13. «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилингани тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

14. Лицензия битими «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. «Давархитектқурилиш» қўмитаси раҳбари лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензия «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ ёки «Давархитектқурилиш» қўмитасининг мансабдор шахси хатти-харакатлари (харакатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда иши гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида улар юзасидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия эксперт хулосаси олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгида берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Давархитектқурилиш» қўмитасига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат даврий нашрларда йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Давархитектқурилиш» қўмитасида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф

этилган тақдирда, «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асосиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асосиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. «Давархитектқурилиш» қўмитаси архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони ва факси;

раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

32. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар «Давархитектқурилиш» қўмитасидан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

33. Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби

34. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

35. Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.


Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини
яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғриси-
даги низомга
1-ИЛОВА

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатлари классификатори

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ва ҳудуди қисмларини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар.
2. Ўзбекистон Республикаси минтақалари ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар.
3. Аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар.
4. Аҳоли пунктлари ҳудудларини қуриш тўғрисидаги ҳужжатлар.
5. Магистрал муҳандислик тармоқлари (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) қурилиши учун ҳужжатлар.
6. Қурилишнинг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш.
7. Қурилиш объекти учун муҳандислик-техник ва муҳандислик-геодезия қидирувларини бажариш.
8. Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириб чиқиш.
9. Қурилиш объектлари учун тендер ҳужжатлари тайёрлаш.
10. Уй-жой-хўжалик, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мақсадидаги бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
11. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш учун ҳужжатлар.
12. Дизайн ва интерьерлар.
13. Бинолар ва иншоотларни мустаҳкамлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
14. Бинолар ва иншоотларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш:
 - иситиш, вентиляция, кондиционерлаштириш;
 - сув қувури ва канализация;
 - газ таъминоти;
 - газ асбоб-ускуналари;
 - совуқ сув таъминоти;
 - энергия таъминоти;
 - электр билан ёритиш;
 - электр билан иситиш;
 - автоматлаштириш ва паркдан фойдаланиш коэффициенти;
 - кучсиз токли қурилмалар;
 - вертикал режалаштириш.
15. Лойиҳаларнинг махсус бўлимларини ишлаб чиқиш:
 - коррозияга қарши ҳимоя;
 - фавқулодда вазиятлар бўйича тадбирлар;
 - қурилишни ташкил этиш;
 - сметалар.

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорига
2-ИЛОВА

Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Талабгорлар материалларини кўриб чиқиш, тайёрлаш ва Комиссия мажлисига киритиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасида ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

3. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қўйидагилар қиради:

қонун ҳужжатларига, тегишли давлат стандартларига, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига мажбурий тарзда риоя этиш;

юридик шахс штатида қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш бўйича тегишли касбий маълумотга ва лойиҳалаш ишлари бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган мутахассисларнинг (архитекторлар, шаҳарсозликни режалаштириш ва ҳудудларни обод қилиш бўйича мутахассислар, конструкторлар, технологлар, муҳандислик усқуналари, тармоқлар ва тизимлар, транспорт ва бошқалар, шу жумладан лойиҳанинг махсус бўлимлари бўйича мутахассисларнинг) мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзи-

ли), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш билан шуғулланаётган ходимларнинг рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги, мутахассислиги бўйича иш стажи кўрсатилади.

8. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини ишчи гуруҳ раҳбари томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

10. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан йиғим ундирилади.

Аризанинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

12. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан Комиссиянинг тегишли қарори протоколи лойиҳаси билан бирга эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия ишчи гуруҳ таклифи олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

13. «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

14. Лицензия битими «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. «Давархитектқурилиш» қўмитаси раҳбари лицензия бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензия «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан лицензия талабгори томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ ёки «Давархитектқурилиш» қўмитасининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни тақдоран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва уни Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Комиссия эксперт хулосаси олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Давархитектқурилиш» қўмитасига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат оммавий ахборот воситаларида йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича зарур ахборотни лицензиатдан сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Давархитектқурилиш» қўмитасида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. «Давархитектқурилиш» қўмитаси қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини лицензиялаш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестрини юритади, унда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони ва факси;

раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

32. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар «Давархитектқурилиш» қўмитасидан, ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

33. Лицензиялар реестридан маълумот давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига текин берилади.


IX. Давлат божини тўлаш тартиби

34. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

35. Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Қурилиш лойиҳаларининг
экспертизасини ўтказиш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини
лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш,
қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Талабгорлар материалларини кўриб чиқиш, тайёрлаш ва Комиссия мажлисига киритиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасида ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

3. Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

қонун ҳужжатлари талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги нормаларига мажбурий риоя этиш, бажариладиган ишларнинг сифатини таъминлаш;

лицензия талабгори (лицензиат) штатида лицензияланадиган фаолият тури бўйича ҳужжатларга (махсус тайёргарлик тўғрисида гувоҳнома, сертификат), баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўникмалари қўлланган ҳолда камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган камида икки нафар мутахассиснинг мавжуд бўлиши;

лицензия талабгорида (лицензиатда) баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур бўлган асбоб-

ускуналар, жиҳозларнинг, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги нормаларига риоя этилишини таъминловчи бошқа махсус техника воситаларининг мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияловчи органнинг лицензия талабгорининг аризасини кўриб чиққани учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга бўлган мутахассисларнинг рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги ва мутахассислиги бўйича иш стажи кўрсатилади;

баландликларда саноат альпинизми усулларида ишларни бажариш учун зарур бўлган техника воситаларининг тавсифлари.

8. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини ишчи гуруҳ раҳбари томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

10. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аризанинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

12. Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан Комиссиянинг тегишли қарори протоколи лойиҳаси билан эксперт хулосаси тайёрлайди

Комиссия ишчи гуруҳ таклифи олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

13. «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳақидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

14. Лицензия битими «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. «Давархитектқурилиш» қўмитаси раҳбари лицензия бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензия «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан, лицензия талабгори давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ ёки «Давархитектқурилиш» қўмитасининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида улар юзасидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия эксперт хулосаси олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Давархитектқурилиш» қўмитасига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия

ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат даврий нашрларда йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Давархитектқурилиш» қўмитасида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорда жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини

лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. «Давархитектқурилиш» кўмитаси баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони ва факси;

раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

32. Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очик ҳисобланади, улар «Давархитектқурилиш» кўмитасидан, ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Давархитектқурилиш» кўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

33. Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


IX. Давлат божини тўлаш тартиби

34. Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

35. Лицензия берилгани учун давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Баландликларда саноат альпинизми
узулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж
ишларини бажариш фаолиятини лицензия-
лаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Баландликларда саноат альпинизми
узулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш
фаолиятини лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш,
улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Талабгорларнинг материалларини кўриб чиқиш, тайёрлаш ва Комиссия мажлисига киритиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасида ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

3. Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Қуйидагилар лицензияланадиган фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш бўйича:

кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, белгиланган шахарсозлик нормалари ва қоидаларига, давлат стандартларига мажбурий риоя этиш;

юридик шахс штатида ушбу соҳада тегишли касб маълумотиغا, шунингдек кўрсатилган иншоотларни лойиҳалаштиришда камида 5 йил иш стажига эга бўлган мутахассисларнинг (лойиҳанинг бош муҳандислари ва бош архитекторлари, конструкторлар, технологлар, муҳандислик асбоб-ускуналари, тармоқлар ва тизимлар, лойиҳанинг махсус бўлими бўйича мутахассисларнинг) мавжуд бўлиши;

лицензия талабгорида кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш учун зарур шарт-шароитлар ва техник воситаларнинг (ишлаб чиқариш бинолари, ҳисоблаш ва ташкилий техника, иншоотларни текшириш ва муҳандислик тадқиқотларини ўтказиш учун жиҳозлар ва асбоб-ускуналар) мавжуд бўлиши;

б) кўприклар ва тоннелларни қуриш ва таъмирлаш бўйича:

лицензиат томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги нормалари талабларига мажбурий риоя этиш, қурилиш ва таъмирлаш ишларининг сифатини, фойдаланишнинг ишончилигини таъминлаш;

юрidik шахс штатида кўприклар ва тоннелларни қуриш ва таъмирлаш бўйича тегишли махсус касб маълумотиغا, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларида камида уч йиллик иш стажига эга бўлган мутахассисларнинг мавжуд бўлиши;

лицензия талабгорида кўприклар ва тоннелларни қуриш ва таъмирлаш учун зарур бўлган асосий фондлар ва техник воситаларнинг (бинолар, ишлаб чиқариш бинолари, махсус қурилиш-таъмирлаш техникаси) мавжуд бўлиши;

в) кўприклар ва тоннеллардан фойдаланиш бўйича:

лицензиат томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги нормалари талабларига мажбурий риоя этиш, фойдаланишнинг ишончилигини таъминлаш;

юрidik шахс штатида кўприклар ва тоннеллардан фойдаланиш бўйича тегишли махсус касб маълумотиغا, шунингдек фойдаланиш ишларида камида уч йиллик иш стажига эга бўлган мутахассисларнинг мавжуд бўлиши;

лицензия талабгорида кўприклар ва тоннеллардан фойдаланиш учун зарур бўлган асосий фондлар ва техник воситаларнинг (бинолар, ишлаб чиқариш бинолари, махсус механизация воситалари, транспорт, назорат-ўлчов қурилмалари, сигнал анжомлари) мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юрidik шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг юрidik шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юрidik шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи ходимларнинг рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги, мутахассислиги бўйича иш стажи, ушбу ходимлар лойиҳалаштирилишида, қуришда, таъмирлашда ва фойдаланилишида қатнашган асосий объектлар рўйхати кўрсатилади;

лицензияланадиган фаолият тури амалга ошириладиган биноларга мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш учун зарур бўлган мавжуд шарт-шароитлар ва техник воситалар тўғрисидаги маълумотлар;

темир йўл, шунингдек бирлашган кўприклар ва тоннеллардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш соҳасида — асбоб-ускуналар, анжомлар, инвентарь, механизациялаш воситалари, транспорт, назорат-ўлчов қурилмалари ва сигнал анжомлари билан жиҳозланганлиги тўғрисида қисқача тавсиф.

8. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини ишчи гуруҳ раҳбари томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

10. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аризанинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

12. Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан Комиссия қарори тегишли протоколи лойиҳаси билан биргаликда эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олинган кундан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

13. «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

14. Лицензия битими «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва «Давархитектқурилиш» қўмитасининг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. «Давархитектқурилиш» қўмитаси раҳбари лицензия бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензия «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ ёки «Давархитектқурилиш» қўмитасининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни тақдоран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия талабгори томонидан лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни тақдоран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун

мобайнида улар юзасидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия эксперт хулосаси олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Давархитектқурилиш» қўмитасига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат даврий нашрларда йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатларини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши

устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда, далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш ҳуқуқига.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Давархитектқурилиш» қўмитасида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд

томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. «Давархитектқурилиш» кўмитаси кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юрidik шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони ва факси;

раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

лицензиялар берилган сана ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва амал қилишини тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

32. Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва улар «Давархитектқурилиш» кўмитасидан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Давархитектқурилиш» кўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

33. Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


IX. Давлат божини тўлаш тартиби

34. Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

35. Лицензия берилганлиги учун давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш,
улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Талабгорларнинг материалларини кўриб чиқиш, тайёрлаш ва Комиссия мажлисига киритиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасида ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

3. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилди.

5. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилди. Лицензия 5 йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар қиради:

лицензиат томонидан лицензияланадиган фаолият тури соҳасидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

объект режимида белгиланган қоидаларни бажариш;

лицензияланадиган фаолият турини амалга оширишда лицензиатга маълум бўладиган давлат сирлари сақланишини таъминлаш;

мудофаа объектларини лойиҳалаштириш бўйича:

лойиҳалаштириш учун асосий фондлар ва бошқа моддий воситаларнинг (ишлаб чиқариш бинолари, ташкилий техника, компьютер, чизиш ва кўпайтириш техникаси);

тегишли махсус маълумотга ва лойиҳалаштиришда камида 5 йил иш стажига

эга бўлган мутахассисларнинг (лойиҳанинг бош муҳандислари ва бош архитекторлари, конструкторлар, технологлар, муҳандислик асбоб-ускуналари, тармоқлар ва тизимлар, лойиҳанинг махсус бўлими бўйича мутахассисларнинг) мавжуд бўлиши; муҳофаа объектларини қуриш бўйича:

пудрат ишларини амалга ошириш учун моддий-техника базасининг (ишлаб чиқариш майдонлари ва бинолари, автотранспорт, махсус қурилиш техникаси ва қурилиш учун зарур бўлган бошқа техник воситалар) мавжуд бўлиши;

тегишли махсус маълумотга ва қурилиш мутахассислиги бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган мутахассисларнинг (бош муҳандис, механик, қурувчи-муҳандислар, муҳандислик асбоб-ускуналари, тармоқлар ва тизимлар бўйича мутахассисларнинг) мавжуд бўлиши;

муҳофаа объектларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича:

объектни таъмирлаш ва ундан фойдаланиш учун моддий-техника ресурсларининг (ишлаб чиқариш бинолари, асбоб-ускуналар, материаллар, приборлар ва бошқа техник воситалар, норматив-маълумотнома базаси) мавжуд бўлиши;

таъмирлаш ва фойдаланиш бўйича тегишли махсус маълумотга ҳамда мутахассислиги бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган мутахассисларнинг мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш билан шуғулланувчи ходимларнинг рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги, мутахассислиги бўйича иш стажы, яшаш жойи, ушбу ходимлар қатнашган асосий объектлар рўйхати кўрсатилади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун мавжуд бўлган шарт-шароитлар ва техник воситалар тўғрисида маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг лицензия талабгори режим объектларида фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишига рухсат берилиши тўғрисидаги маълумотномаси.

8. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳнинг раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари

вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини ишчи гуруҳ раҳбари томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

10. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аризанинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

12. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ уч кун мобайнида лицензия талабгорининг аризасини кўриб чиқади ва экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига юборади.

Мудофаа вазирлиги беш кунгача бўлган муддатда эксперт хулосаси тайёрлайди ва уни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этади.

Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан Комиссия қарори тегишли протоколи лойиҳаси билан биргаликда эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олинган кундан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

13. «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳақидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

14. Лицензия битими «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан лицензиат ўртасида тузилади ва унда куйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва «Давархитектқурилиш» қўмитасининг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. «Давархитектқурилиш» қўмитаси раҳбари лицензия бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензия «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ ёки «Давархитектқурилиш» қўмитасининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия талабгори томонидан лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида улар юзасидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия эксперт хулосаси олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Давархитектқурилиш» қўмитасига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат даврий нашрларда йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатларини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Давархитектқурилиш» қўмитасида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. «Давархитектқурилиш» қўмитаси мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони ва факси;

раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
лицензиялар берилган сана ва тартиб рақами;
лицензияларнинг амал қилиш муддати;
лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;
дубликат бериш асослари ва санаси.

32. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва улар «Давархитектқурилиш» қўмитасидан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

33. Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


IX. Давлат божини тўлаш тартиби


34. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

35. Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш схемаси





Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорига
6-ИЛОВА

Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Талабгорларнинг материалларини кўриб чиқиш, тайёрлаш ва Комиссия мажлисига киритиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасида ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

3. Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Қуйидагилар лицензияланадиган фаолиятни амалга оширишда лицензия та-

лаблари ва шартлари ҳисобланади:

шаҳарсозлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, тегишли давлат стандартлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мажбурий риоя этиш;

юридик шахс штатида тегишли махсус касб маълумотида, лицензияланадиган фаолият бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган мутахассиснинг (лойиҳанинг бош муҳандислари ва бош архитекторлари, конструкторлар, технологлар, муҳандислик асбоб-ускуналари, тармоқлар ва тизимлар, лойиҳанинг махсус бўлими бўйича мутахассисларнинг) мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфи ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи ходимлар рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги ва мутахассислиги бўйича иш стажы, лойиҳалаштиришда ушбу ходимлар қатнашган асосий объектлар рўйхати кўрсатилади;

ушбу объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган техника воситаларининг тавсифи.

8. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бирга-ликда почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳнинг раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Ишчи гуруҳ раҳбари вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини ишчи гуруҳ раҳбари томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

10. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан йиғим ундирилади.

Аризанинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

12. Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ уч кун муддатда лицензия талабгорининг аризасини кўриб чиқади ва экспертизадан ўтказиш учун «Саноатконтехназорат» агентлигига, «Ўздавэнергоназорат» агентлигига, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юборади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатконтехназорат» агентлиги, «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда эксперт хулосалари тайёрлайди ва уларни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этади.

Ишчи гуруҳ «Саноатконтехназорат» агентлиги, «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг хулосаси олинган кундан бошлаб етти кундан ортиқ бўлмаган муддатда йиғма эксперт хулосаси тайёрлайди ҳамда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этади.

Комиссия ишчи гуруҳнинг Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатконтехназорат» агентлиги ва «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда таклифи олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколинини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

13. «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

14. Лицензия битими «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга

бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади. «Давархитектқурилиш» қўмитаси раҳбари лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензия «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан лицензия талабгори белгиланган миқдорда давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмася ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳ ёки «Давархитектқурилиш» қўмитасининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия талабгори томонидан лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида улар юзасидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия эксперт хулосаси олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Давархитектқурилиш» қўмитасига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат даврий нашрларда йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

27. Лицензия талаблари ва шартларига роя этилишини текшириш чоғида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Давархитектқурилиш» қўмитасида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. «Давархитектқурилиш» қўмитаси Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони ва факси;

раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

32. Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва улар «Давархитектқурилиш» қўмитасидан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

33. Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


IX. Давлат божини тўлаш тартиби


34. Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

35. Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш схемаси





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

156 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон ва «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 21 июлдаги 320-сон қарорлари қабул қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 24 сентябрь,
411-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 411-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув хавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомнинг 70-банди иккинчи ва учинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«магистраль каналлар, коллекторлар, ҳамда туман аҳамиятига эга бўлган сув хўжалиги объектлари бўйича — туман ҳокимликлари томонидан;

дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув хавзалари бўйича, мазкур банднинг тўртинчи хатбошида санаб ўтилган объектлардан ташқари – вилоят ҳокимликлари томонидан».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 385-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш бўйича вақтинчалик тартибда:

а) муқаддимадаги «сув хўжалиги органлари» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалиги органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

учинчи хатбошидаги «сув хўжалиги органлари» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалиги органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Сув олиш лимитлари манбалар, ҳавза ирригация тизимлари, магистраль каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари, бирламчи сувдан фойдаланувчилар, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар бўйича белгиланади»;

олтинчи хатбошидаги «сув хўжалиги органлари» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалиги органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг туман ишлаб чиқариш тузатиш-фойдаланиш бирлашмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ирригация тизими бошқармаси (ирригация тизими бошқармаси)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошида «туман ишлаб чиқариш, тузатиш-фойдаланиш бирлашмаси» сўзлари «ирригация тизимлари бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банднинг тўққизинчи хатбошида «дарё ҳавзаларининг» сўзларидан кейин «ирригация тизимларининг» сўзлари қўшилсин;

д) 5-бандда «сув хўжалиги органларига» сўзлари «ирригация тизими бошқармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 6-бандда «ушбу туман ёки теградаги» сўзлари «ушбу ирригация тизимидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 8-бандда «сув хўжалиги органлари» сўзлари «Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 9-бандда «халқ хўжалигини» сўзлари «иқтисодиётни» сўзлари билан, «Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига» сўзлари «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 11-бандда «Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига» сўзлари «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 23-бандда «дарё ҳавзалари» сўзларидан кейин «ҳавза ирригация тизимлари» сўзлари қўшилсин;

б) 24-бандда «сув хўжалиги майдонлари» сўзлари «ҳавза ирригация тизимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 27-бандда «сув хўжалиги майдонлари» сўзлари «ҳавза ирригация тизимлари, алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари» сўзлари билан, «халқ хўжалиги» сўзлари эса «иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 40-банднинг еттинчи хатбошида «Давлат сув кадастрининг ҳудудий ва маҳаллий органлари учун» сўзлари «ирригация тизимларининг ҳавза бошқармалари, магистраль каналлар (тизимлар) бошқармалари ва ирригация тизимлари бошқармалари учун» сўзлари билан алмаштирилсин;

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачиликда наслчилик ишларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 25 февралдаги 82-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хайъати томонидан лавозимга тасдиқланадилар» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 августдаги 408-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 8-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Сув ресурсла-

рини тўплаш, экин майдонларини суғориш учун насос станцияларини электр билан таъминлаш ва истеъмол қилинадиган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартибида:

а) 1-бандда «Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят бошқармалари» сўзлари «ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандда «қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят бошқармалари» сўзлари «ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Парранда ғўшти ва тухум етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 13 сентябрдаги 419-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидан «ва «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 18-банддан «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси ёки» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фалятини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 17 январдаги 32-сон қарорининг 7-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 1-сон, 2-модда):

а) биринчи хатбошида «Сув хўжалиги департаментининг бошлиғи» сўзлари «Сув хўжалиги Бош бошқармасининг бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иккинчи хатбошида «Сув хўжалиги департаменти бошлиғининг ўринбосари» сўзлари «Сув хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Сув хўжалиги департаменти, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бош давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарори 1-бандининг бешинчи хатбоши ва қарорга 4-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 20-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш тартибининг 3.1-банди учинчи хатбошида «Сув хўжалиги департаментининг» сўзлари «Сув хўжалиги бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 сентябрдаги 411-сон қарорида
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРнинг Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида пахтачиликни янада ривожлантириш учун ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида» 1952 йил 16 ноябрдаги 1919-сон қарори.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Марказий Фарғонада янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича Колхозлараро совет тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида» 1957 йил 27 майдаги 309-сон қарори.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Марказий Фарғонада янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича Колхозлараро совет тўғрисидаги низомни қисман ўзгартириш ҳақида» 1958 йил 26 июлдаги 482-сон қарори.

4. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларида асаларичиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1960 йил 21 октябрдаги 879-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1960 й., 15-сон, 78-модда).

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Марказий Фарғонада ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича вилоят колхозлараро советлари ҳамда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг Фарғона ва Андижон вилоятларида сув хўжалиги қурилиши трестлари ташкил этилиши билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида» 1961 йил 6 апрелдаги 251-сон қарори, 8-банддан ташқари.

6. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Саноат асосида тухум ва парранда гўшти етиштиришни ташкил этиш тўғрисида» 1964 йил 3 сентябрдаги 740-сон қарори» юзасидан 1964 йил 23 сентябрдаги 577-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1964 й., 5-сон, 65-модда).

7. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Наманган вилоятида янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича колхозлараро ташкилот ташкил этиш тўғрисида» 1968 йил 27 мартдаги 116-сон қарори.

8. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида асаларичиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1970 йил 31 июлдаги 398-сон қарори.

9. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асаларичилик бошқармасини Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Ўзасаларисаноат» асаларичилик бўйича республика хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантириш тўғрисида» 1976 йил 9 июлдаги 405-сон қарори.

10. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика сув хўжалиги кенгашини тузиш тўғрисида» 1990 йил 26 июндаги 247-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика сув хўжалиги кенгаши тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» 1995 йил 27 апрелдаги 149-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

157 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 13 августдаги 350-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республи-

касида парранда гўшти етиштиришни янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 6 майдаги 220-сон қарори 2-бандининг бешинчи хат бошидаги «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси корхоналарининг сўзлари «балиқчилик тармоғи балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги 343-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 18-бандининг бешинчи хатбошидаги «Ўзбалиқ» давлат корпорацияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 1 февралдаги 63-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари, кимё маҳсулотларига буюртманомаларни шакллантириш, уларни бериш ва улар учун ҳисоб-китоб қилиш тартибининг 20-бандидаги «Ўзбалиқ» корпорацияси» сўзлари чиқариб ташлансин, «ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига» сўзлари «балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналари ҳамда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 25 сентябрь,
412-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

158 Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига мувофиқ, шунингдек телекоммуникациялар соҳасидаги фаолият турларини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

икки ҳафта муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида хулосалар тайёрлаш юзасидан эксперт комиссиянинг таркибини ва комиссия ҳақидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2004 йил 1 январгача бўлган муддатда телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга илгари берилган лицензияларни хатловдан ўтказсин ҳамда лицензиатлар ўз фаолиятини мазкур қарорга биноан лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлаштириши устидан назоратни таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 27 сентябрь,
413-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 27 сентябрдаги 413-сон қарорига
ИЛОВА

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 3-банднинг биринчи хатбошида «қурилиши» ва «улардан фойдаланиш» сўзлари қуйидаги мазмундаги ҳаволалар билан тўлдирилсин:

«*Қурилиш, шунингдек телекоммуникациялар тармоқларини реконструкция қилиш (кенгайтириш, қайта жиҳозлаш) билан боғлиқ ишларни ҳам ўз ичига олади.

**Фойдаланиш, шунингдек телекоммуникациялар тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ишларини ҳам ўз ичига олади».

2. 5-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«радиотелефон, пейджинг тармоқларидан телекоммуникация хизматлари кўрсатмасдан ишлаб чиқариш-технология мақсадларида фойдаланилади».

3. 14-бандда:

«б» кичик банднинг биринчи хатбошидан «таъсис ҳужжатлари (муассис (муассислар)нинг устави (уставлари)нинг нотариал тасдиқланган нусхаси, муассис ёки муассислар томонидан тасдиқланган устав (низом), таъсис шартномаси нусхаси)» сўзлари чиқариб ташлансин;

«г» кичик бандда «Давлат матбуот қўмитасида» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида» сўзлари билан тўлдирилсин;

«ж» кичик банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

«ж» кичик банднинг тўртинчи хатбошида «(теле-радио эшиттиришларни тарқатиш тўғрисидаги хулосаси (трансляция қилишга) ва радиотелефон алоқаси хизматлари кўрсатишга лицензиялар олишда)» сўзлари «(радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга лицензия олишда)» сўзлари билан алмаштирилсин;

банд қуйидаги мазмундаги «з» кичик банд билан тўлдирилсин:

«з» жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) учун — фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларини амалга ошириш учун талабгорнинг тегишли билимлари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг (диплом, сертификатнинг) нусхаси тақдим этилади.»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўз тармоғини яратиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет, маълумотларни узатиш операторлари тармоғи орқали провайдер хизматлари кўрсатишга лицензия олишда мазкур банднинг «г», «д» ва «е» кичик бандларида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмайди».

4. 17-бандда:

«қабул қилинади» сўзларидан олдин «масъул шахс (эксперт комиссияси котиби) томонидан» сўзлари қўшилсин;

«даъвогарга» сўзи «лицензия талабгорига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5. 20-банд:

биринчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш ва улар бўйича хулоса тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари раҳбарлик қилади, лицензиялаш масалалари унинг функционал вазибаларига киради. Эксперт комиссияси таркибига телекоммуникациялар техникаси ва технологияси, юриспруденция, радиочастота спекторидан фойдаланиш, бозор қайта ўзгартиришлари, телекоммуникациялар соҳасида назорат органи ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар киритилади. Эксперт комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Эксперт комиссияси бир ойда камида бир марта мажлис ўтказилади.»

Эксперт комиссияси лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан биргаликдаги аризаси олинган кундан бошлаб 20 кундан ошмайдиган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги эксперт хулосасини тайёрлайди.

Лицензияловчи орган ўн кун муддатда эксперт комиссиясининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади»; банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади».

6. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Лицензиялар лицензия талабгори томонидан давлат божи тўлангандан ҳамда лицензия талабгори ва лицензияловчи орган томонидан лицензия битими имзолангандан кейин бир кун муддатда берилади».

7. 26-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Эксперт комиссияси олти кундан ошмайдиган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосасини тайёрлайди.»

Лицензияловчи орган тўрт кун муддатда эксперт комиссиясининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.»

8. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади (3-илова). Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари лицензияловчи органнинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензияловчи органнинг раҳбари лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.»

9. 31-банднинг йигирма бешинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин».

10. 38-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«38. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади».

11. 45-бандда:

иккинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

12. 4-банднинг биринчи хатбошида «уч кун муддатда» сўзлари «ўн кун муддатда» сўзлари билан алмаштирилсин.


13. 49-банднинг тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилиш муддати тўхтатилганда».

14. Низом 4-илова билан тўлдирилсин (илова қилинади).

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга 4-ИЛОВА

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

159 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорининг 11-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 29-модда) билан тасдиқланган «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг Пахта ва пахта маҳсулотлари контрактацияси ва ҳисоб-китоби маркази тўғрисидаги Намунавий низомга 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов

Тошкент ш.,
2003 йил 29 сентябрь,
414-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 29 сентябрдаги 414-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарори билан тасдиқланган «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг Пахта ва пахта маҳсулотлари контрактацияси ва ҳисоб-китоби маркази тўғрисидаги Намунавий низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банднинг бешинчи хатбошидаги «экспортга ва республикадаги истеъмолчиларга» сўзлари чиқариб ташлансин;

2. 5-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «экспортга ва маҳаллий истеъмолчиларга» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи ва ўн тўққизинчи хатбошидаги «экспортга ва» сўзлари «ташқи савдо компанияларига ва» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбошидаги «экспортга» сўзи «ташқи савдо компанияларига» сўзлари билан алмаштирилсин, «экспорт» сўзи чиқариб ташлансин;

йигирма иккинчи хатбошидаги «белгиланган квоталар ва жўнатиш ҳужжатлари (разнарядкалар)га мувофиқ ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин, «экспортга» сўзи «ташқи савдо компанияларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

охирги хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 29 сентябрдаги 414-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта маҳсулотини сотиш нархлари ва бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида» 1995 йил 25 сентябрдаги 373-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилда товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнози тўғрисида» 1999 йил 15 январдаги 23-4-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши ва ушбу қарорга 4-илова.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнози тўғрисида» 2000 йил 4 апрелдаги 124-24-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини марказлаштирилган экспорт қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 18 сентябрдаги 377-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 9-сон, 54-модда).
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 14 январдаги 17-сон қарорига 1-илованинг 32-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 7-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

160 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Асосий қиймат ва моддий балансларни тасдиқлаш тартиби ва муддатлари тўғрисида» 1998 йил 19 августдаги 355-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Асосий моддий балансларни тасдиқлаш тартиби ва муддатлари тўғрисида» 2003 йил 29 сентябрдаги Ф-1845-сон Фармойишига мувофиқ ҳамда ишлаб чиқиладиган, тасдиқланадиган ва ҳисоблаб чиқиладиган қиймат ва моддий балансларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Асосий қиймат ва моддий балансларни тасдиқлаш тартиби ва муддатлари тўғрисида» 1998 йил 19 августдаги 355-сон қарорига 1-илованинг «Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади» бўлимининг 4-банди, «Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан

тасдиқланади» бўлимнинг 2-банди, шунингдек қарорга 1.1-илова ўз кучини йўқотгаи деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 сентябрь,
415-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

161 Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 сентябрдаги ПФ-3321-сон Фармони бажариш юзасидан, шунингдек республикада импорт операцияларини амалга оширишни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, импорт контрактларини ҳисобга қўйишни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларнинг валюта назорати бўлимлари, ҳисобга қўйишнинг тўғрилиги устидан назоратни эса Валюта назорати бошқармаси амалга оширадилар.

Мониторингни амалга ошириш ҳамда божхона органларининг солиқ органлари ва ваколатли банклар билан ўзаро ҳамкорлиги мувофиқлаштирилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти, ҳудудий бошқармалар, божхона комплекслари ва постлари бошлиқлари зиммасига юклансин.

2. 2003 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банк, ваколатли банклар ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими амалга киритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона статистикаси ва таҳлили маркази, унинг бўлимлари ва гуруҳлари ҳудудий бошқармалар, божхона комплекслари ва постлари таркибида божхона юк декларациялари асосида маълумотларнинг статистик электрон базасини шакллантирадилар ҳамда товарларнинг келиб тушиши ёки юклаб жўнатилиши тўғрисидаги ахборотларнинг Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида ўз вақтида ва тўғри киритилиши учун жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда зиммасига мониторинг олиб бориш ва Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими билан ишлаш функциялари юкланган раҳбарлар, ходимлар ва техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини божхонадан кейин назорат қилиш тизимини жорий этиш, шу жумладан Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари тузилмасида уни амалга ошириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида экспертизадан ўтказиладиган импорт контрактларини ваколатли банкларда ва божхона органларида ҳисобга қўйиш Агентликнинг тегишли хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади;

божхона органлари томонидан экспорт-импорт операциялари, божхона расмийлаштируви ва ташқи савдо контрактларига доир ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби бўйича қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда божхона органлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўрадилар, шунингдек кўрсатиб ўтилган ҳоллар ва кўрилган чора-тадбирлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ахборот юборадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хабардорлигини ҳамда божхона тартиботларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими маълумотлари, шунингдек муқобил манбалардан олинган ахборотлар асосида экспорт ва импорт қилинаётган товарларнинг нарх маълумотлари бюллетенини ҳар ойда оммавий ахборот воситаларида эълон қилсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 сентябрь,
416-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо
операцияларининг божхона мониторингини амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда матнда — Низом деб юритилади) «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 сентябрдаги ПФ-3321-сон Фармониغا ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларида импорт контрактларини ҳисобга олиш ва ташқи савдо операциялари мониторингини амалга ошириш тартибини белгилаб беради.

**II. Божхона органларида импорт контрактларини
ҳисобга олиш тартиби**

2. Товарлар импортини назарда тутувчи барча контрактлар улар белгиланган тартибда ваколатли банкларда ҳисобга қўйилгандан кейин 7 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда божхона органларида ҳисобга қўйилиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари контрактлар божхона органларида ўз вақтида ҳисобга қўйилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валюта назорати бўлимлари томонидан импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича ҳужжатлар тақдим этилган кунни ҳисобга олмаган ҳолда икки иш куни мобайнида амалга оширилади.

3. Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валюта назорати бўлимларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши бўйича амалга оширилади:

ариза;

контрактнинг асл нусхаси ва унинг нусхалари, шунингдек импорт қилувчининг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатларнинг контракт шартларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан хулосаси (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда);

КТУТ, солиқ тўловчининг идентификация рақами карточкалари, устав, таъсис шартномаси нусхалари (биринчи марта мурожаат қилганда);

ваколатли банк томонидан бериладиган контрактга идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

белгиланган тартибда икки нусхада расмийлаштирилган импорт битишув паспорти;

қонун ҳужжатларда белгиланган ҳолларда контракт тузиш учун асос ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва бошқа ваколатли вазирликлар ва идораларнинг ҳулосалари.

Расмийлаштиришнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчига контрактларни ҳисобга қўйиш учун назарда тутилган муддатларда ёзма равишда ва Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг раҳбари томонидан имзоланган илова билан биргаликда уларнинг қайтарилиши сабаблари асосланган ҳолда қайтарилади.

4. Валюта назорати бўлими тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, импорт битишув паспорти маълумоларининг мувофиқлигини текширади ҳамда рад этиш учун асос мавжуд бўлмаган тақдирда, импорт қилувчига импорт битишув паспортининг божхона хизмати ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган биринчи нусхасини қайтаради ҳамда контрактга импорт контрактларини ҳисобга олиш журнали бўйича тартиб рақами беради.

5. Контрактларни ҳисобга қўйишда импорт қилувчи:

импорт контрактларини ҳисобга қўйиш учун божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилиги;

товарларни етказиб бериш мумкин бўлмаган ёки товарларни етказиб беришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган тақдирда аванс тўлов суммаси ваколатли банкдаги импорт қилувчининг ҳисоб рақамига қайтарилиши учун мажбуриятни ўз зиммасига олади.

6. Қўйидаги шартларнинг мавжуд бўлиши Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаси валюта назорати бўлими контрактни ҳисобга қўйишни рад этиши учун асос ҳисобланади:

импорт битишув паспортидаги маълумотларнинг контрактда кўрсатилган маълумотларга номувофиқлиги;

импорт битишув паспортининг белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилиши;

ваколатли банклар томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг контракт шартларига номувофиқлиги;

қонун ҳужжатларига ва мазкур Низом шартларига риоя қилмаслик.

7. Ҳисобга қўйилган контрактлардаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас.

8. Илгари ҳисобга қўйилган импорт контрактга ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга қўйиш мазкур Низомнинг 2—7-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

III. Ҳисобга қўйиш пайтида импорт контрактларига қўйиладиган энг кам талаблар

9. Контрактда қўйидаги асосий бўлимлар ва маълумотлар бўлиши керак:

9.1. Муқаддима. Контрактнинг кириш қисмида контрактнинг тартиб рақами, контракт тузилган жой ва сана, юридик шахсларнинг тўлиқ номи, контрактни тузган шахсларнинг лавозими, фамилияси ва исми, агар шахс контрактни ишончнома асосида тузса, бу контрактнинг муқаддимасида кўрсатилади ва божхона органларига ишончноманинг асл нусхаси ёки нотариал тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

9.2. Контракт мавзуси. Ушбу бўлимда товарнинг номи, унинг тавсифи ва миқдори ва сифати бўйича ассортименти, шунингдек битишув тури кўрсатилади.

Товарнинг миқдори қабул қилинган ўлчовларнинг метрик тизимида халқаро

бирликларда ифодаланади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ўлчов ва оғирликлар тизими миқдорларини белгилаш тартибига мувофиқ ўлчов бирлигини аниқлаш мумкин.

Товарнинг сифат тавсифи товардан фойдаланиш учун унинг яроқлилигини акс эттирувчи хоссалар жамини белгилайди. Шунингдек ТИФ ТН бўйича товарнинг кодига ҳавола ҳам зарур.

Қуйидагилар товарнинг сифатини белгилашнинг асосий усуллари ҳисобланади: стандарт бўйича умумий қабул қилинган халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ДС ёки ТШ;

сертификатлаш бўйича: техник параметрларни кўрсатиш;

асосий моддалар мавжудлиги бўйича: кўрсаткич-минимум кўрсатилади, аралаш-малар бўйича — кўрсаткич-максимум берилади.

Машиналар, асбоб-ускуналар ва технологик линияларни етказиб бериш учун контрактда уларнинг янгилиги ёки улардан фойдаланганлиги ҳолати кўрсатилади (фойдаланилганлари учун: эскириш фоизи ёки фойдаланиш муддати).

9.3. Етказиб беришнинг баъзи шартлари: товарни етказиб бериш бўйича сотувчи ва харидорнинг қуйидаги асосий мажбуриятлари аниқланади («Инкотермс» халқаро қоидалари бўйича):

товарни етказиб бериш бўйича контрактни тузувчи томонларнинг мажбуриятлари ва харажатларни тақсимлаш;

товарни харидорга бериш тартиби ва жойи;

товарни олиб кириш — олиб чиқиш бўйича расмиятчиликларни бажариш;

товарни суғурталаш;

товарнинг тасодифий йўқолиши ёки шикастланиши таваккалчилигининг сотувчидан харидорга ўтиши.

«Инкотермс»дан фойдаланилганда етказиб бериш жойи (темир йўл станцияси, порт, аэропорт ва бошқаларнинг номи) кўрсатилиши керак (қисқартирилган сўзларнинг бош ҳарфлари билан бирга).

9.4. Товарни етказиб бериш муддати. Контрактда етказиб бериш муддати ва санаси кўрсатилади. Етказиб бериш муддати вақтинчалик даврни англатади, бу давр мобайнида товар ёки унинг туркуми сотувчига кўрсатилган жойга етказиб берилиши керак.

Етказиб бериш санаси дейилганда сотувчи томонидан контрактларда кўрсатилган етказиб бериш шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларининг бажарилиши тушунилади.

9.5. Контрактнинг нархи ва умумий суммаси. Товарнинг нархини белгилашда контрактда товарнинг ўлчов бирлиги, товар бирлиги нархи ва контрактнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Товарнинг ўлчов бирлиги ТИФ ТНдаги ўлчов бирлигига мувофиқ белгиланади.

Контрактнинг умумий суммаси сотилаётган товарнинг қийматини англатади.

9.6. Тўлов шартлари. Контрактдаги тўлов шартларида валюта, тўлов шакли ва муддати белгиланади. Агар тўлов валютаси контракт валютасидан фарқ қилса, у ҳолда валютани қайта ҳисоблаб чиқиш курси ва ушбу курсни аниқлаш манбаи кўрсатилади.

9.7. Товарнинг келиб чиқиши. Контрактда етказиб берилётган товар келиб чиққан мамлакат ва ишлаб чиқарувчи кўрсатилади.

9.8. Томонларнинг жавобгарлиги. Қабул қилинган мажбуриятларнинг томонлар томонидан бажарилишини таъминловчи шартлар сифатида контрактда, қоидага кўра, контракт мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар тўлайдиган пеня ва/ёки жарима шаклидаги жазо назарда

тутилади. Айбдор томонга зарар кўрган томоннинг талабига кўра унга неустойка тўлаш мажбурияти юкланади.

9.9. Томонларнинг реkvизитлари. Контракт матни томонларнинг реkvизитларини кўрсатиш билан тугалланади. Почта реkvизитлари, манзил, банк реkvизитлари ва юклаб жўнатиш реkvизитлари кўрсатилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг имзолари контрактда муҳр билан тасдиқланади.

9.10. Контрактнинг тили. Ўзбек ёки рус тилларида тузилган контракт рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади. Бошқа ҳолларда ваколатли шахсларнинг тасдиқланган таржимаси тақдим қилинади.

10. Мазкур бўлим талабларига риоя этилиши учун масъулият контракт шартларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан юридик хулоса берган шахсга юкланади.

IV. Ташқи савдо операциялари мониторинги тартиби

11. Ташқи савдо операциялари мониторинги тизими хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган экспорт-импорт контрактлари бажарилиши устидан зарур назоратни таъминлаш ҳамда божхона, солиқ органлари ва ваколатли банклар ўртасида ахборот айирбошлаш мақсадида жорий этилади.

12. Тизимни ахборот билан таъминлаш мақсадида реал вақт режимида ишловчи ва қўйдаги маълумотларни ўз ичига олган Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСО) қўлланилади:

а) контракт бўйича умумий ахборот:

импорт қилувчи (экспорт қилувчи)нинг номи ва унинг реkvизитлари, шу жумладан солиқ тўловчининг идентификация рақами;
хорижий шерикнинг номи ва реkvизитлари;
контрактнинг санаси ва тартиб рақами;
контрактнинг тури;
контрактнинг мавзуси;
контрактнинг умумий суммаси;
контрактнинг валютаси;
товарни етказиб бериш шартлари ва муддатлари;
тўлов шартлари ва маблағ билан таъминлаш манбаи;
ваколатли банк томонидан берилган контрактнинг идентификация рақами;
контракт бўйича қўшимча маълумотлар (ҳукуматлараро битимлар, Ҳукуматнинг қарорлари ва бошқалар мавжудлиги).

б) Ваколатли органларда контрактнинг экспертизадан ўтказилиши ва ҳисобга олиниши:

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида экспертиза тўғрисидаги хулосанинг санаси ва тартиб рақами (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда);

ваколатли банкда ҳисобга қўйилган сана ва тартиб рақами;

божхона органларида ҳисобга қўйилган сана ва тартиб рақами.

в) Воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар:

воситалар тушган сана;

тушган воситалар суммаси;

мажбурий сотув санаси;

мажбурий сотув суммаси;

тўлов топшириғи санаси ва тартиб рақами;

тўлов суммаси;

аккредитив очиш санаси, тартиб рақами, суммаси ва муддати ҳамда унинг бажарилиши тўғрисидаги маълумот;

берилган кафолатнинг санаси, тартиб рақами, суммаси ва муддати, кафилнинг номи ва кафолат бажарилиши тўғрисидаги маълумот;

берилган суғурта полисининг санаси, тартиб рақами, суммаси ва муддати, суғурталовчининг номи ва суғурта полиси бажарилиши тўғрисидаги маълумот.

г) товарлар тушганлиги тўғрисидаги маълумотлар:

товарнинг номи ва ТИФ ТН бўйича код;

товарнинг сифати;

товар келиб чиққан мамлакат;

божхона юк декларацияси рўйхатдан ўтказилган сана ва тартиб рақами;

юклар жўнатиш санаси/товарнинг келиб тушиши;

товарнинг божхона чегарасидан ўтиши санаси;

товарнинг божхонада расмийлаштирилиши санаси;

келиб тушган товарнинг фактурадаги, божхона ва статистика қиймати;

келиб тушган товарнинг божхона режими;

ўлчовнинг қўшимча бирлиги коди (зарурат бўлганда);

товарнинг оғирлиги.

13. 12-банднинг а) ва в) кичик бандларида кўрсатилган маълумотлар ваколатли банк томонидан контракт ҳисобга олиш учун қабул қилинишида ва сўнгра маблағ тушиши ёки ўтказилишида киритилади. 12-банднинг г) кичик банди Давлат божхона қўмитасининг Божхона назоратини ташкил этиш бошқармасининг бўлималари томонидан товарни юклар жўнатишда ёки товар тушган жойларда тўлдирилади. 12-банднинг б) кичик банди Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда контракт экспертизадан ўтказилганда), ваколатли банк ва Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг валюта назорати бўлими (контракт ҳисобга қўйиш учун қабул қилинганда) тўлдирилади.

14. Контракт шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча битим билан қайд этилиши керак ҳамда уни ҳисобга қўйиш пайтида контрактлардаги сингари тартибда тизимга киритилади.

15. Ваколатли банкларда ташқи савдо контрактларини ҳисобга қўйиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ташқи савдо операциялари мониторингини амалга ошириш мақсадида аванс тўловларини амалга оширишда импорт қилувчи мажбурий тартибда ваколатли банкка божхона органлари томонидан тасдиқланган контракт нусхасини тақдим этади.

16. Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валюта назорати бўлимлари контракт ҳисобга қўйиш учун қабул қилингунга қадар банк томонидан киритилган маълумотларни таққослаши ва контракт шартлари билан тафовутлар мавжуд бўлган тақдирда, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан ТСОга, тафовутлар мавжуд бўлмаган тақдирда икки кун мобайнида контрактни ҳисобга қўйиш учун қабул қилиб олади ва ТСОга тегишли маълумотларни киритади.

V. Ташқи савдо операцияларини содир этиш тартиби устидан назорат қилиш

17. Ваколатли банклар ТСОга ахборот ўз вақтида ва ишончли киритилиши ҳамда тўлов шакли тўғри қўлланилиши учун жавоб берадилар.

18. Давлат божхона қўмитасининг божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси, унинг бўлимлари ҳудудий бошқармалар, божхона комплекслари ва постлари

таркибида товарларнинг миқдори ва сифати бўйича амалдаги тавсифлар ва ассортиментнинг контрактларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат қилишлари шарт.

Давлат божхона қўмитасининг божхона тарифларини тартибга солиш ва тўловлар бошқармаси, унинг бўлимлари ҳудудий бошқармалар, божхона комплекслари ва постлари таркибида олиб кириладиган товарларнинг божхона қиймати тўғри аниқланиши, божхона тўловлари тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши устидан назорат қилишлари шарт.

Давлат божхона қўмитасининг Божхона статистикаси ва таҳлили маркази, унинг бўлимлари ҳудудий бошқармалар, божхона комплекслари ва постлари таркибида товарларнинг келиб тушиши ёки юклаб жўнатилиши тўғрисидаги маълумотларнинг ТСОга ўз вақтида ва ишончга киритилиши учун жавоб берадилар, иловалар билан биргаликда божхона юк декларациялари асосида маълумотларнинг статистика электрон базасини тузадилар, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича маълумотларни ҳамда улар бўйича амалга оширилган божхона тўловларини таҳлил этадилар, шунингдек маълумотларнинг электрон базаси ТСОга ўз вақтида қўшилишини таъминлайдилар.

Давлат божхона қўмитасининг контрабандага ва божхона қоидалари бузилишларига қарши курашиш бошқармаси, унинг бўлимлари ҳудудий бошқармалар, божхона комплекслари ва постлари таркибида контрабанда операциялари амалга оширилиши йўллари ва механизмларини аниқлаш, товарлар ва бошқа моддий бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний олиб кирилиши ҳолларига барҳам бериш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги бошқа жиноятларни очиш бўйича тезкор-таҳлилий ва қидирув чора-тадбирлари ўтказилишини таъминлайдилар.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларга нарх белгиланиши тенденцияси устидан доимий мониторингни амалга оширадилар. Мониторинг натижалари бўйича ТСО маълумотлари, шунингдек ҳар ойда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ва электрон шаклда ТСОга киритиладиган муқобил манбалардаги маълумотлар асосида импорт қилинадиган товарларга нарх маълумотлари бюллетени тузилади.

Импорт товарларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларнинг муқобил манбалари сифатида ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки етказиб берувчиларнинг расмий эълон қилинадиган маълумотномалари, бюллетенлари, биржа котировкаларидан, улар уюшмалари ёки бирлашмаларининг йиғма нарх маълумотномаларидан, товарларнинг хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялари ваколатхоналарининг, уларнинг расмий рўйхатдан ўтказилган дилерлари ёки дистрибьютерларининг маълумотларидан, шунингдек нархлар конъюнктурасини ҳолис шакллантирадиган умумий фойдаланиладиган нарх тўғрисидаги маълумотларнинг бошқа ишончли манбаларидан фойдаланиш мумкин.

20. Бюллетень ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг импорт қилинадиган товарларга нарх ҳосил бўлишида шаклланаётган тенденциялардан хабардорлигини ошириш, шунингдек уларни божхонада расмийлаштириш тартиб-қоидаларини самаралироқ ва ҳолисона амалга ошириш учун хизмат қилади.

Бюллетень маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилиши керак.

Бюллетендан божхона органлари баҳолашда ва божхона қийматини назорат қилишда «Божхона тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда фойдаланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ўзининг барча ҳудудий бўлимлари ва божхона постларини босма нусхалар билан, ТСОга уланган тақдирда эса — шунингдек бюллетеннинг электрон версиялари билан мунтазам таъминлайди.

22. Ваколатли банклар ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-кунигача товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан ёки импорт бўйича товарлардан (аванс тўлови қайтарилиши) тушум тушмаганда ёки тўлиқ тушмаганда тегишли чора-тадбирлар кўриш учун ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда солиқ ва божхона органларига юборади.

23. Давлат божхона қўмитасининг божхона текширишлари бошқармаси ҳамда контрабандага ва божхона қондалари бузилишига қарши курашиш бошқармаси, унинг ҳудудий бошқармалар, бошқарма комплекслари ва постлари таркибидаги бўлинмалари қуйидаги ҳолатлар аниқланган тақдирда суриштирув олиб борадилар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли чора-тадбирларни кўрадилар:

а) олиб кирилатган товарлар божхона расмийлаштирилуvidан ўтказилишида товар божхона қийматининг экспорт қилувчи мамлакатда қайд этилган товар қийматига нисбатан асоссиз оширилиши мақсадида ишончсиз маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар божхона органларига тақдим этилиши;

б) контрактлар бўйича контрагентлар ҳисобланмаган етказиб берувчилардан товарларнинг келиб тушиши;

в) товарнинг контрактда белгиланган муддатларда ёки маблағлар ўтказилган санадан бошлаб 180 календарь кундан ортиқ муддатда тушмаслиги;

г) товарлар экспорти олдиндан ҳақ тўланмасдан амалга оширилиши, аккредитив очилиши, харидорнинг банки кафолати олинishi ёки сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан экспорт контрактларини суғурта қилиш полиси расмийлаштирилиши;

д) экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатлари бузилишининг бошқа ҳоллари.

Ҳудудий божхона бошқармалари ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-кунигача хўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилган жой бўйича солиқ хизматининг ҳудудий бошқармалари валюта ва экспорт-импорт операциялари устидан назорат қилиш бўлимлари (секторлари)га ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ва улар бўйича кўрилган чоралар ҳақида ахборот тақдим этадилар.

Давлат божхона қўмитаси ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-кунигача кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ва улар бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги йиғма ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Валюта назорати бош бошқармасига юборади.

24. Давлат солиқ қўмитасининг Валюта назорати бош бошқармаси, унинг ҳудудий солиқ бошқармалари ва инспекциялари таркибидаги бўлинмалари ваколатли банклар ва божхона органларидан олинган ахборотни таҳлил қилади ҳамда пул маблағларини чет элга асоссиз равишда ўтказиш аломатлари аниқланган тақдирда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг минтақавий бўлинмаларига мазкур контрактни тузган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишни экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини ва солиқ ҳақидаги қонунларга риоя қилинишини текшириш учун навбатдаги йил чораги жадвалига киритиш тўғрисида буюртманомалар беради. Заҳурат бўлганда текшириш божхона органлари билан биргаликда ўтказилади.

Ҳуқуқни бузиш содир этилганлиги ҳолати тасдиқланган тақдирда, солиқ органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўрилади ва тек-

шириш материаллари зарур чоралар кўриш учун белгиланган тартибда тегишли органларга берилади.

25. Божхона органлари, ваколатли банклар ва ТСОга уланган бошқа идоралар ўз ваколатлари доирасида тизимдаги мавжуд ахборотни рухсат берилмаган фойдаланишдан, маълумотларни бузишдан ёки ташқи савдо операцияларини амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектларга ёки давлатга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ташкилий ва техник чора-тадбирларни кўришлари керак.

Божхона органлари, ваколатли банклар ва ТСОдаги мавжуд маълумотлардан фойдаланиладиган бошқа идораларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари мазкур маълумотларни ошкор қилиш, улардан шахсий мақсадларда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш, шунингдек учинчи шахсларнинг маълумотларини олишига имконият яратиш, шу жумладан ахборотни ҳимоя қилишнинг белгиланган қоидаларини бузиш оқибатида имкон бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

ТСОдаги мавжуд ахборотни ҳимоя қилишнинг белгиланган қоидалари бузилганлиги, улардан ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга ёки давлатга зарар етказилишига олиб келган шахсий мақсадларда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланганлиги учун идораларнинг раҳбарлари ёки бошқа ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарорида:

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «божхона хизмати ҳудудий бўлимларида — бир иш кунда» сўзлари «импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валютани назорат қилиш бўлимларида — икки иш кунда, ҳужжатлар топширилган кундан ташқари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

12-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш учун импорт қилувчи корхона улар ваколатли банкларда ҳисобга қўйилгандан кейин 7 иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда импорт қилувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валютани назорат қилиш бўлимларига банкнинг белгилари қўйилган Паспортнинг ундаги мавжуд нусхаларини тақдим этади, улар Паспортнинг биринчи ва иккинчи нусхаларига тегишли белги қўядилар»;

19-банднинг иккинчи жумласига «аванс тўловлари» сўзларидан кейин «импорт контрактлар импорт қилувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валютани назорат қилиш бўлимларида ҳисобга қўйилгандан кейин» сўзлари қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун танлов асосида озиқ-овқат товарлари етказиб беришни ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 26 сентябрдаги 454-сон қарорида:

а) 1-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат товарларини импорт қилиш юзасидан контрактларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан экспертизадан ўтказиш тартиби 3-иловага мувофиқ»;

б) 3-иловада:

номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат товарларини импорт қилиш юзасидан контрактларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан экспертизадан ўтказиш тартиби»;

матндаги барча «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

муқаддимадаги «рўйхатдан» сўзи «экспертизадан» сўзи билан алмаштирилсин;

I бўлимнинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги ҳамда II бўлимнинг биринчи хатбошидаги «рўйхатдан» сўзи «экспертизадан» сўзи билан алмаштирилсин;

IV бўлимда:

биринчи ва иккинчи хатбошидаги «рўйхатдан» сўзи «экспертизадан» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги сертификат би-

лан» сўзлари «контрактнинг экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг тегишли хулосаси билан» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Контрактларни мустақил экспертиза қилиш ва импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 3 декабрдаги 534-сон қарорида:

а) 5-банднинг бешинчи хатбошидаги «рўйхатдан» сўзи «экспертизадан» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

3-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» сўзларидан олдин «қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда» сўзлари қўшилсин, «рўйхатдан» сўзи «экспертизадан» сўзи билан алмаштирилсин, «ва рўйхатдан ўтказиш учун» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилгандан» сўзлари «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда контрактнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисидаги тегишли хулосасидан сўнг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «контрактнинг Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги белги» сўзлари «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда контрактнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисидаги тегишли хулоса» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида биржа ва ярмарка савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 6 майдаги 223-сон қарорига 2-илова 2-бандининг учинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 25-модда) «божхона хизмати ҳудудий бўлинмаларида — бир иш кунда» сўзлари «импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валютани назорат қилиш бўлимларида — икки иш кунда, ҳужжатлар топширилган кундан ташқари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида низом»нинг XI бўлими 62-банди биринчи ва иккинчи хатбошидаги «рўйхатга олиш» сўзлари «экспертизадан ўтказиш» сўзлари билан, «рўйхатга олинмайди» сўзлари «экспертизадан ўтказилмайди» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 16 июлдаги 317-сон қарорига илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) 1-бандининг иккинчи жумласига «аванс тўловлари» сўзларидан кейин «импорт контрактлари импорт қилувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валютани назорат қилиш бўлимларида ҳисобга қўйилгандан кейин» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

162 Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш, уларнинг мустақил ривожланиши учун кафолатлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р. Шоғуломов) 2003 йил 31 декабрда бўлган муддатда:

оммавий ахборот воситаларининг таъсис ҳужжатларини хатловдан ўтказсин, уларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирсин;

таъсис ҳужжатларига (қонун ҳужжатларида белгиланган муассисларни аниқлаш, нашрнинг номи, мақсади ва вазифалари ҳамда бошқа қоидалар) муҳим ўзгартиришлар киритилган оммавий ахборот воситаларини қайта рўйхатдан ўтказсин.

Белгилансинки, оммавий ахборот воситалари белгилари ва хусусиятларига эга бўлган босма нашрларга иловалар қонунда белгиланган тартибда алоҳида рўйхатдан ўтказилади.

3. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 15 апрелдаги 160-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 123-сон қарорига илованинг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси раҳбари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 сентябрь,
418-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 30 сентябрдаги 418-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ишлаб чиқилган. Низом Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш қоидаларини белгилайди.

2. Оммавий ахборот дейилганда шахсларнинг чекланмаган доираси учун мўлжал-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ланган босма, аудио, аудиовизуал ва бошқа хилдаги хабарлар ва материаллар тушунилади.

Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, уларга иловалар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радио эшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон-ахборот алоқаси, шунингдек доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, нодавлат ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари маҳсулоти дейилганда даврий босма нашрнинг тиражи ёки алоҳида сони бир қисмининг тиражи, теле-радио, киноийлнома дастури, аудио ёки видео ёзув дастурининг тиражи ёки бир қисми тиражи тушунилади.

Реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситаси дейилганда даврий босма нашр алоҳида сони ҳажмининг 40 фоизидан, теле-радио дастурларда эшиттириш ва кўрсатув ҳар бир соатининг 10 фоизидан кўпроғини реклама хабарлари эгаллаган оммавий ахборот воситаси тушунилади.

Оммавий ахборот воситалари иловалар нашр этишлари мумкин. Босма нашрларнинг оммавий ахборот воситаси белгилари ва хусусиятларига эга бўлган иловаларига мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида қаралади ва улар мазкур Низомга мувофиқ рўйхатдан ўтказилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикасида юридик ва жисмоний шахслар оммавий ахборот воситаларини чиқариш (нашр этиш) билан давлат рўйхатидан ўтказилгандан ва уларга белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилгандан кейин шуғулланишлари мумкин.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари (кейинги ўринларда матнда — рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан:

марказий даврий матбуот нашрлари;

Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссиянинг қарорига мувофиқ телерадио компаниялар, телерадиостудиялар (кабелли, эфир-кабелли телевидение) оммавий ахборотнинг бошқа электрон воситалари;

ахборот агентликлари;

илмий-оммабоп, ҳужжатли, хроникал фильмлар ишлаб чиқарувчи киновидеостудиялар рўйхатдан ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари томонидан маҳаллий оммавий ахборот воситалари рўйхатдан ўтказилади.

4. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза муассис (муассислар) ёки улар томонидан вакил қилинган шахслар томонидан қонунда белгиланган маълумотлар кўрсатилган ҳолда берилади.

Оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада муассис (муассислар), тури, номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили, мақсад ва вазифалари, қандай доирадаги ўқувчига (томошабинга, тингловчига) мўлжалланганлиги, даврийлиги, ҳажми, моддий-техника таъминоти ва маблағ билан таъминлаш манбалари кўрсатилиши керак.

Оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага муассис (муассислар) томонидан тасдиқланган оммавий ахборот воситаларининг Устави (Низоми) нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис шартномаси, рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати илова қилинади.

Оммавий ахборот воситаларининг муассиси (муассислари) уставида (уставларида) фаолиятнинг тегишли тури назарда тутилиши керак.

Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш муддати — ариза тушган кундан бошлаб бир ой.

5. Таъсис шартномасининг айрим бандлари бажарилмаган тақдирда муассис, тахририят уни бекор қилишга ҳақлидир. Бу ҳақда муассис ёки тахририят шартнома бекор қилинишидан камида 3 кун олдин рўйхатдан ўтказувчи органга маълум қилиши керак.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларининг ягона реестрини юритади.

7. Оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома берилганлиги учун қуйидаги миқдорларда рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ундирилади:

Даврий матбуот нашрлари	Энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдориди
Болалар, ўсмирлар, ногиронлар учун, шунингдек умумтаълим ва маданий-маърифий йўналишдаги оммавий ахборот воситалари	Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдориди
Ахборот агентликлари, радио эшиттириш, телекўрсатув, хужжатли кино	Энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдориди
Реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари	Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдориди
Оммавий ахборот воситаларининг бошқа шакллари	Энг кам ойлик иш ҳақининг 45 баравари миқдориди

8. Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган оммавий ахборот воситалари учун рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномалар берилганлиги учун рўйхатдан ўтказиш йиғимлари миқдорлари ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари миқдорининг 70 фоизини ташкил қилади.

9. Оммавий ахборот воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш муассис (муассислар), номи, эълон этилиш тили (тиллари), манзили, мақсади ва вазифалари, мўлжалланаётган ўқувчи (томошабин, тингловчи), даврийлиги, ҳажми, моддий-техника таъминоти ва маблағ билан таъминлаш манбалари ўзгарганлиги муносабати билан амалга оширилади.

Қайта рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказишда назарда тутилган йиғим суммасининг 50 фоизи миқдориди йиғим ундирилади.

Агар киритилаётган ўзгартиришлар жиддий бўлмаса, у ҳолда рўйхатдан ўтказувчи орган оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказишнинг шарт эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қайта рўйхатдан ўтказиш худди рўйхатдан ўтказишдаги тартибда амалга оширилади.

Фаолияти суд томонидан тўхтатилган оммавий ахборот воситасининг қайта рўйхатдан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

10. Оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун ундириладиган йиғимларнинг 50 фоизи рўйхатдан ўтказувчи органларнинг ҳисоб рақамига, қолган қисми республика бюджетига тушади.

11. Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишда тақдим этилган ва ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган маълумотлар ўзгарган тақдирда ариза берувчи 3 кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказган органни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

12. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганда (йўқотиб қўйилганда, йўқ қилинганда ва бошқа ҳолларда) «Дубликат» белгиси қўйилган ҳолда янги гувоҳнома берилади. Бунда худди қайта рўйхатдан ўтказишдаги миқдорда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади.

13. Рўйхатдан ўтказиш қўйидаги ҳолларди рад этилиши мумкин, агар: оммавий ахборот воситасининг мақсади ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига зид бўлса;

бундан аввал Ўзбекистон Республикасида худди шу номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилган бўлса;

оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир йил ўтмасдан берилган бўлса;

муассис ёки муассислардан бирининг ёхуд ноширнинг жойлашган жойи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлса;

муассиснинг ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс эканлиги аниқланса;

муассиснинг қасдан жиноят содир этганлик учун судланганлиги олиб ташланмаган бўлса ёки у суд томонидан ҳуқуқий муомаллага лаёқатсиз деб эътироф этилган бўлса;

оммавий ахборот воситасини таъсис этган жамоат бирлашмаси фаолияти қонунда тақиқланган бўлса;

оммавий ахборот воситасини таъсис этувчи юридик шахсларнинг устав жамғармасида хорижий инвестициялар улуши ўттиз фоиздан кўпроқни ташкил қилса.

Оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилиши тўғрисидаги қарор ҳар томонлама асосланган бўлиши ва ариза берувчига ёзма шаклда юборилиши керак.

14. Давлат рўйхатидан ўтказилган даврий матбуот нашрлари таҳририятлари ноширлар билан тузиладиган шартномаларда ўз маҳсулоти мажбурий назорат нусхаларининг рўйхатдан ўтказувчи органларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ бошқа ташкилотлар ва муассасаларга юборилишини назарда тутишлари керак.

15. Муассис ёки таҳририят рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган кундан бошлаб олти ой мобайнида оммавий ахборот воситасининг бирорта ҳам сонини (дастурни) чиқаришни таъминлай олмаган тақдирда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

16. Рўйхатдан ўтказувчи орган қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари ва бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан зарур ахборотни, ҳужжатларни ва материалларни сўраб олиш;

оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонун ҳужжатларига мунтазам равишда риоя қилмаётган оммавий ахборот воситаларини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) тўғрисидаги таклиф билан судга мурожаат қилиш.

17. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

18. Мазкур Низомнинг оммавий ахборот воситалари томонидан бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига юкланади.